

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Соибов Т.З., Гильманова Н.В., Слугин А.П., Бородин М.Р., Тё А.В.

ЧИЗМАТАСВИР, РАНГТАСВИР, ҲАЙКАЛТАРОШЛИК

ДАРСЛИК

Тошкент- 2010

Муаллифлар: проф.Соибов Т.З., доц.Бородина М.Р., доц.Слугин А.П., кат.ўқ.Тё А.В., Гильманова Н.В (Дарслик . ТАҚИ, 2010 - 165 бет).

Ушбу дарслик 3 бўлимдан иборат: Чизматасвир, рангтасвир ҳайкалтарошлик. Дарслик ОУЮнинг “архитектура ва дизайн” йўналишилари учун мўлжалланган. Ҳар бир қисм дастур асосида тузилган, иллюстрация ва текст материалларини ўз ичига олади.

Данный учебник состоит из 3-х разделов: Рисунок, живопись, скульптура. Текстовая часть содержит учебный материал, рассчитанный на студентов ВУЗов по направлению «архитектура и дизайн». Каждый раздел содержит иллюстративный и текстовый материал, опирающийся на программный разработки.

This manual consists of three parts. These are: paintings, art and sculpture. Texture part contains various study material oriented at the students of high educational institutions of “Art and design”. Each part contains illustrately and textural material based on a particular study program.

“Архитектура муҳитлари дизайни” кафедраси

Такризчилар:

1. Мухаммаджонов Қ.Х. - Архитектура номзоди, профессор
2. Махмудов В.М – ТАҚИ. “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор.

СЎЗ БОШИ

“Расм, бошқача айтганда чизгилар санъати – бу ўша рассомликнинг ҳам, ҳайкалтарошликнинг ҳам, архитектуранинг ҳам олий нуқтасидир; расм барча турдаги рассомликнинг манбайи ва юраги ва барча фанларнинг илдизи ҳисобланади. Кимки шунча нарсага эришган экан, расм билан ишлай олар экан, мен айтаманки, у қимматли ҳазинага эгадир”.

Микеланджело Буонаротти

Бўлғуси архитекторлар ва дизайнерларнинг ижоди ва уларни ўқитиш тасвирий санъатнинг кўпгина муаммолари ва вазифалари билан узлуксиз боғлиқдир.

Натурани тушиниш ва онгли равишда кўра билиш муҳим, расм чизувчи унинг тузилишларини субъектив идрок этишга (ёки қабул қилишга) эмас, балки объектив илмий билимга асосланган ҳолда яхши ўрганиб чиқиши зарур; бунинг учун талаба перспектива (манзара, кўриниш) қонунларини, пластик анатомияни, соялар назариясини билиши зарур.

Перспектива (манзара, кўриниш) қонунларини билмай туриб, талаба шаклни фазода тасвирлай олмайди, уни уч ўлчамлиликда бера олмайди. Анатомияни билмай туриб, у натуранинг характерини ва юзнинг мимик мускулларини тасвирлашда ёрдамга муҳтож қолади.

Ёруғлик ва соялар (светотень) қонунларини билмай туриб моделнинг ҳажмини, рельефи ва фактурасини бера олмайди.

Рангтасвирни яхши эгалламаган талаба, уни безашдаги уйғунликни, ранглар (парда, мебель, шкаф ранг турлари) ни бир-бирига монанд, мос яхлит кўринишига бўлган муносабатни тиклай олмайди.

Албатта ўқувчида “чекланган ранг” ибораси нима? – деган савол туғилиши таббий ҳол. “Чекланган ранг” шуки ишланадиган натюрморртни ранги турли ранг жиоларидан, ранго-ранг товланиб кўринишидан қатий

назар талаба уни “чекланган” икки-уч хил ранг бўёқ коришмасида топшириқни бажариши шарт.

Бу ранглардан фойдаланишдаги маромни жиловлаб, талабани палапартиш иш юритмасликка рангга бўялган эҳтиёткорликни уларнинг тусланишини тартибга солади.

Чекланган ранг ва улар ёрдамида турли-туман кўринишига мойил жиҳозларни тасвирлашда (безашда) ўзига хос яхлит ранг уюшма талаби (рангларни ҳам ўз вазифалари) га мос равишда рангларни қўшиб уни ишлата олишларига имкон яратади.

Одатда ташвиқот тасвир (плакат)лари чекланган рангда яратилади. Бунга сабаб шу плакат сарф харажатининг оммага кўплаб ишлаб чиқаришда унинг таннарни қийматини арзон бўлиши ҳам чекланган рангга боғлиқдир.

Натюрморт – рассомликнинг алоҳида мавзуи бўлибгина қолмай, у рассомнинг бошқа ҳамма шакллари: мазмунли композиция, портрет, манзара, интерьерлардан қолишмайдиган тўлиқ ва мазмунли бўлган сурат шаклидир. Борлиқ қиёфасини ўзида яхлит, тугал акс эттирган санъат асари хамиша катта бадиий мазмунга эга бўлади, шу билан бирга унинг моҳияти ташқи мазмуни билангина чекланиб қолмайди.

Натюрморт устида ишлаётган рассом руҳий нуқтаи назаридан энг арзимас икир-чикирларни ҳам тасвирлайди, умумлаштиради, нарсаларга шакл бераркан, бир нечта нарсани оддий таққослашга нисбатан уларни чуқурроқ тассаввур этиб, муайян мазмун бағишлайди. Шунинг учун ҳам санъатнинг бошқа турларига нисбатан рассомликнинг бу соҳасида ҳам даврни ҳис эта билиши талаб қилинади, ҳис этганда ҳам баъзи ўринларда ёрқинроқ ва аниқроқ ҳис этиш керак бўлади.

Нарсалар олами – инсон оламидан иборат, бу оламки инсон ўз қўли билан яратган, шакллантирган. Бу эса кўриниши жиҳатидан оддий туйилган натюрмортни чуқур мазмунли жанрга айлантиради.

Ҳайкалтарошлик тасвирий санъатнинг асосий турларидан бири сифатида борлиқни хажмли уч ўлчовли шаклларда акс эттиради.

Ҳайкалтарошлик асарлари ўрни, бажарадиган вазифаси, ишланиш услуби ва кўринишига қараб турлича бўлади: улар асосан думалоқ ва бўртма (рельеф) кўринишида бўлади. Думалоқ ҳайкалларни ҳар томондан айланиб кўриш мумкин, улар тағлиққа ўрнатилади. Рельеф ҳайкаллар одатда бирор юзага бўрттириб ишланади; уларни фақат олд томондан кўриш мумкин. Рельефнинг барельеф, горельеф турлари фарқланади. Ҳайкалтарошликда ҳам ашё сифатида ёғоч, тош, гранит, мрамор, металл, бетон, ганч кабилардан фойдаланилади. Ҳайкалтарош асарнинг мазмунига ва қўйиладиган ўрнига қараб ҳам ашё танлайди.

Ушбу дарсликда ҳайкалтарошлик шакллари лой ва гипсдан бадиий шакллантириш алифбосига, бу соҳанинг дастлабки малакларини мустақил эгаллаш имкониятларига, ҳайкалтарошлик машғулотларининг бошланғич ва асосий даврларида ҳам ашё ва асбоблар билан танишишга бағишланади. Шунингдек нусхани гипсга кўчиришни мақсад қилган ҳолда ҳайкалнинг лойдан бирламчи қолипни ясаш усули тақдим этилади. Бу – мўлжалланган ишнинг биринчи қисми. Ишнинг иккинчи қисмини муаллифлар ҳайкалтарошлик шакллари бадиий лойиҳалашга, бунинг учун зарур бўлган абстракт фикрлаш малакаларини шакллантириш масалаларига бағишлаш ниятидалар.

Слугин А.П

1- БЎЛИМ: ЧИЗМАТАСВИР

Одам бошининг чизматасвири

Бўлғуси архитекторлар ва дизайнерларнинг ижоди ва уларни ўқитиш тасвирий санъатнинг кўпгина муаммолари ва вазифалари билан узлуксиз боғлиқдир.

Одам бошининг расми гипсли қолиплардан ҳам, тирик моделлар орқали ҳам бажарилади.

Одамнинг боши – табиатнинг ноёб ва такрорланмас ижодидир. Бу одамнинг бутун вужудини: унинг психикасини, жамиятдаги ўрни (аҳамиятини) белгилаб берувчи ақлий, ижодий ва жисмоний фаолиятини бошқариб турувчи ўта мураккаб механизмдир. Бу нафақат маълум бир ташқи шаклнинг объектидир, юзнинг ҳар қандай тузилиши, мимика, қараш (назар), ҳаракатлар шахснинг физик-психологик ҳолатини белгилаб беради.

Одам бошини чизиш – ўта мураккаб вазифадир, бунинг уддасидан чиқиш учун эса кўп нарсани билиш керак, ушбу объект расми билан моҳирона ишлай олишнинг маълум бир кўникмалари, услублари, техник усуллариغا эга бўлиш зарур.

Натурани тушиниш ва онгли равишда кўра билиш муҳим, расм чизувчи унинг тузилишларини субъектив идрок этишга (ёки қабул қилишга) эмас, балки объектив илмий билимга асосланган ҳолда яхши ўрганиб чиқиши зарур; бунинг учун талаба перспектива (манзара, кўриниш) қонунларини, пластик анатомияни, соялар назариясини билиши зарур.

Талаба перспектива (манзара, кўриниш) қонунларини билмай туриб, шаклни фазода тасвирлай олмайди, уни уч ўлчамликда бера олмайди. Анатомияни билмай туриб, у натуранинг характерини ва юзнинг мимик мускулларини тасвирлашда ёрдамга муҳтож бўлади. Ёруғлик ва соялар (светотень) қонунларини билмай туриб моделнинг ҳажмини, рельефи ва фактурасини бера олмайди.

Одамнинг боши шаклини (яратиш, яшаш, қуриш) талаблари гипсли қолип ёки тирик модель чизилишидан қатъий назар ўзгаришсиз қолади,

фақатгина олинган билимлар ва кўникмалар, расмни чизиш усулларида фойдаланиш услубларигина алмашинади холос.

Одам бошининг расмини чизиш қатор дастурий вазифаларни ўз ичига олади – одам бош суяги, мускулий тузилиши (экорше), юз қисмлари, кесик шаклдаги бош, бошнинг гипсли қолипи, якунловчи босқич – тирик бош.

Одам бош тузилиш (яратилиш, ясалиш, қурилиш) қонунларини ажойиб тарзда билиш Леонардо да Винчи, Микеланджело, Рафаэль, Дюрер, Рембрандт, Серов, Врубель, Репин, Иванов каби буюк рассомларга (мусаввирларга) ўша ўз даврининг (эпохасининг) рухи ва маданиятини тасвирлаб берувчи, портрет санъатининг шедеврлари ҳисобланган ажойиб психологик портретларни яратишга имкон берди.

Хулоса сифатида Л.Б.Альбертнинг сўзларини келтириш ўринлидир: “Мен шуни тасдиқлайманки, ҳар бир санъат ва фанда қандайдир табиий ибтидо, бошланиш, вазифа ва усуллар мавжуд, уларни пухта равишда аниқлаб ва ўзига ўзлаштириб олган ҳар қандай киши ўзининг ўйлаб қўйган ишини (ниятини) ажойиб тарзда амалга ошира олади”. (Меъморлик ҳақида ўнта китоб. Т.2. – М., 1937., 13бет).

“Одам бош суягининг” чизматасвири

Пластик анатомия одамнинг боши ва юз шаклини тушиниш ва таҳлил этишга имкон беради. Одам бошининг расмини чизиш учун, даставал бош суягини ўрганиб чиқиш ва расмини чизишни шундай бажариш зарурки, ундаги суякларнинг анатомик тузилиши унинг шаклини, бошнинг характерини, ёшга оид хусусиятларини, жинсий фарқларини ва бош суяк профили бурчагининг кенгайиши бўйича аниқланувчи турл ирқларга мансуб хусусиятларини қандай белгилаб берса айнан ўша тарзда чизиш зарур.

Муайян бир аниқ одамнинг индивидуал қирраларидан қатъий назар бошнинг ташқи шакли хаддан ташқари турли хиллиги, унинг тузилиши барча учун бир хил бўлган бош суяк анатомик тузилмасига асосланади.

Ўқув мақсади – талаба бош суяги тузилишини бошнинг суяк асослари сифатида тўғри ва саводли тарзда таҳлил эта билиши, бош суягининг барча ташкил этувчи қисмларининг аҳамиятлари ва функцияларини бир бутун тарзда ва алоҳида деталлари бўйича тушиниши зарур.

Ўқув вазифаси:

1. Композицион вазифаларни оптимал тарзда ечиш, бош суягининг пластик характеристикасини ойдинлаштириш (аниқлаштириш), ҳажми, шакли ва материалликни очиқ бериш. 55x75 см. (планшет) вароқли қоғозда тахминий тарзда тўғри жой-жойига (компоновка қилиш) жойлаштириш зарур.

2. Бош суягининг мия қисми, юза ва пастки жағ қисмларининг пропорционал тарздаги муносабатлари ва бирикмаларини ва характерли ўзига хосликларини (хусусиятлари, аҳамиятларини) аниқлаштирган ҳолда конструктив тарзда, анатомик жиҳатдан тўғри яшаш.

3. Ёруғлик ва соялар бўйича ишлов бериш, ҳажмни чиқариб бера олиш ишларини шаклни жонлироқ, маънодорлироқ, ифодалироқ йўсинга мос келиши зарур бўлган штрихлаш техникасига эътибор берган ҳолда якунлаш.

Вазифани бажариш графиги.

Бош суягини чизиш бир вароқ қоғозда уч хил ҳолатда бажарилади: фас, анфас ва профили:

а) фас – 2 соат;

б) анфас – 2 соат;

в) профиль – 2 соат;

г) бош суягининг ҳар бир ҳолатига турли хил ҳолатлардаги ҳотира ва тасаввур этиш бўйича қисқа вақтли чизгилар бериш мумкин (тепадан кўриниш, ракурсда, энса қисми томонидан кўриниш ва б.). Вақт давомийлиги 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача.

Ишнинг якунида расм гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Топширикни яхши ўзлаштириш ва бажариш мақсадида пластик анатомия бўйича жадваллар (таблицалар) қўлланилади, тарқатма материаллар берилади, талабаларнинг энг яхши ишлари қўйилади.

“Анатомик бош (экорше)” чизматасвири

Одам бошидаги бош суякнинг мускулли ўрамаси ҳисобланувчи мускуллар тизимини кетма-кет тарзда ва эътибор билан ўрганиб чиқмасдан туриб, унинг характери, қиёфаси ва шаклан юзага келишини ўзида мужассам этган бошнинг тўғри шаклдаги расмини яратиш мумкин эмас. Бош мускуллари учта асосий гуруҳга бўлинади: бош суяк қопқоғи мускуллари, юз (мимик) ва чайнаш мускуллари.

Мускуллар юздаги эмоционал ва психологик ҳолатларни, одамнинг кайфиятини намоён этади. Ёнма-ён (қўшни) турувчи мускул толаси бири-бирига ўтиб туради, ўзаро таъсирда бўлади ва юз пластикаси ва кўринишида муҳим рол ўйнаган ҳолда тегишли функцияларни бажаради.

Ўқувнинг мақсади – одам бошидаги бевосита пластик хусусиятларга эга бўлган мускуллар ўрамасининг анатомиясини ўрганиш; барча мускул гуруҳларининг ўзаро боғлиқликларини таҳлил этишга ва реал тарзда бера олишга ўрганиш, расм чизишни бажаришда перспектива, фазо ва ёруғлик ва соялар муносабатлари қонуниятларини ҳисобга олиш зарур.

Ўқув вазифаси:

1. 55x75 см (планшет) ўлчамли қоғоз вароғида анатомик бошни икки ҳолатда бир вақтнинг ўзида компоновка қилиш.

2. Анатомик бошнинг умумий абрисини белгилаб олиш, мускуллар тизимининг пропорционал муносабатларни ва асосий мускул тизимларини аниқлаб олиш.

3. Мускуллар гуруҳининг функционал характеристикасини, уларнинг бош мия қисми ва юз қисмларидаги тегишли нуқталар ва тугунларида ўзаро уланишларини ва қотиришларини аниқлаш.

Вазифани бажариш графиги.

Анатомик бош (экорше) бир вароқ қоғозда (планшетда) икки ҳолатда бажарилади:

а) фас ёки анфасда – 4 соат;

б) профил – 4-соат;

в) қисқа муддатли ҳомаки расмлар ва чизгилар бажарилади – 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача;

г) уйга мустақил ишлар берилади. Талаба одамнинг юз ва бош мускулларини турли ҳолатларда тегишли китоблар, атласлар ва пластик анатомия бўйича жадваллардан (таблицаалардан) топиб ҳомаки расмлар чизишни бажариши лозим.

Яқунланган расмлар гуруҳда муҳокама этилади, баҳоланади, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Топшириқни яхши ўзлаштириш ва бажариш мақсадида пластик анатомия бўйича жадваллар (таблицаалар) қўлланилади, тарқатма материаллар берилади, талабаларнинг энг яхши ишлари қўйилади.

“Юз қисмлари (обрубовкада стилизациялаш билан)”

чизматасвири

Одам бошининг тузилишини мукамал ўрганиш учун юзнинг алоҳида қисмларининг расмларини чизиш ишларини бажариш зарур: Микеланджелонинг «Довуд» ҳайкалининг гипсли қолипидан бурун, кулоқ, кўз ва лаблар расмлари.

Обрубовка услуби (методи) Альбрех Дюрер томонидан ишлаб чиқилган эди. У шаклни нафақат визуал тарзда, ва балки математик жиҳатдан ҳам аниқ белгилаб берди, расмларни “меъморлик” услубда аниқлар эди, перспектив тарзда, пропорционал ва тушунарли тарзда бўлар эди.

Ўқувнинг мақсади – юзнинг анатомик тузилишини, шаклини, пластик жонлиликини (маънодорликини) ва юздаги алоҳида қисмларнинг анатомияси ва

пластикаси ўртасидаги органик алоқани ўрганиш; уларнинг тузилишларидаги конструктив хусусиятларни юзнинг ҳар бир қисмларини оддий геометрик шакллариғача обрубовка услуби (методи) асосида умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиш кўникмасини мустаҳкамлаш.

Ўқув вазифаси:

1. Пропорцияларни тўғри аниқлаш асосида реалистик расмлар чизишни бажара олиш укувини, чизиқли перспективалар ва ёруғлик ва соялар қонуниятлари ҳақидаги билимларни ривожлантириш.

2. Расм чизишни бажараётган ҳолда ҳажм ва умумий шаклнинг, суяк ва мускулли асоснинг, материалликнинг юзага келишини, пайдо бўлишини, чиқара олишни тушина олиш.

3. Расм чизишнинг техник усуллари ва композицион ечимини топишни такомиллаштириш; вазифа 55x75 см (планшетларда) ўлчамли иккита вароқда бажарилади.

4. Юз қисмлари расмларини гипсли қолиплардан қуриш, енгил ёруғлик ва соялар ишловини бериш билан якунлаш, обрубовка орқали стелизациялаган ҳолда ушбу ишдан расмлар чиқариш, яъни ҳажм ва шаклларни геометрик сиртларга (бўлақларга), қирраларга ажратиш; масалан “бурун” призма шаклида кўринади, “кўзлар” – бўртиб чиққан (қавариқ) шарсимон шаклга эга. ва ҳ.к.

Вазифани бажариш графиги.

Биринчи вароқда (планшетда):

- 1) буруннинг расми – 2 соат;
- 2) қулоқларнинг расми – 2 соат;

Ушбу расмлардан обрубовкада стилазиялашни бажариш:

- а) бурун – 2 соат;
- б) қулоқ – 2 соат.

Иккинчи вароқда (планшетда):

- 1) кўзлар расми – 2 соат;
- 2) лаблар расми – 2 соат.

Ушбу расмлардан обрубовкада стилазиялашни бажариш:

а) кўзлар – 2 соат;

б) лаблар – 2 соат;

в) қисқа муддатли эскизли ҳомаки расмлар ва чизгилар бажарилади – 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача;

г) уйга мустақил ишлар берилади. Талаба юз қисмларининг расмларини турли ҳил нуқтадан ва 40х60 см ўлчамли бир вароқда ракурсларда натурадан расмлар бажариши зарур. Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Вазифанинг бажарилиши талабалар томонидан қилинган энг яхши ишларни кўрсатиш, стендли кўргазмаларни ташкиллаштириш, мавзу бўйича тегишли иллюстратив материалнинг таҳлили билан қўшимчалар, янгиликлар киритиш суҳбатлари олиб борилади.

“Обрубовкали бош”(ясси) чизматасвири

Обрубовкали бошнинг (ясси) расми тасвирнинг бошланғич ҳолатидаги тузилишини яхшироқ тушиниш ва таҳлил этиш учун шаклларни умумлаштириш ва осонлаштиришга имкон беради.

Обрубовкали услуб Уйғониш давридаёқ Альбрехт Дюрер томонидан ишлаб чиқилган эди. XIX асрнинг биринчи ярмида француз услубчиси Александр Дюппюи ушбу услубнинг орқасидан бориб таълим олувчиларга (ўқувчиларга) умумлаштирилган геометрик шаклларга эга бўлган гипсли бошларнинг қолипларини тавсия этди; фақатгина шу машқлардан кейингина у антик скульптураларга ўтишни ҳал қилди (ёки ўтишнинг ечимини топди).

Обрубовка услубини ҳам “меъморий” деб номлашади, бу услуб бизнинг давримизнинг ҳозирги кунларида ҳам расмни ўргатиш (ўқитиш) жараёнида қўлланилади.

Обрубовкали бошни чизишда талаба катта шаклни таҳлил этади ва унинг тузилишидаги (қурилишидаги) қонуниятларни англай бошлади; бош

тухумсимон шаклга эгадир, бурун – призматик, кўзлар – бўртиб чиққан (кавариқ) шарсимон шаклга эгадир.

Обрубовкали бошнинг расми гипсли ва тирик бош бўйича ҳали олдинда турган вазифалар билан боғлиқ бўлган масалаларнинг энг яхши ечимларини топишга кўмаклашади.

Ўқувнинг мақсади – кўпгина турли хил геометрик яссиликлардан ташкил топган, бир-бири билан ўзаро мос уйғунликда уланувчи ва майда бир-бирига ўхшаш (тенг ҳуқуқли) деталлар билан бирлашувда бўлган катта умумий шаклни пайдо қилувчи ҳажмли бош тузилишини (қурилишини) ўрганишдан иборат.

Ўқув вазифаси:

1. Обрубовкали бош расмини 55x75 см ўлчамли бир вароқда (планшет) уч ҳолатда бажариш (фас, 4 дан 3 қисми, профил).
2. Бир вароқда барча учта ҳолатни бир масштабда компоновка қилиш.
3. Бошнинг мия ва юз қисмларининг пропорционал муносабатларини ўрнатиш.
4. Яссиликларнинг перспектив қисқаришларини тўғри белгилаш ва яссиликнинг тегишли йўналишлари бўйича енгил ялтироқ тусда ишлов бериш билан якунлаш.

Вазифани бажариш графиги.

Обрубовкали бош расмини тайёрлашни бажариш вақти:

- 1) фас – 4 соат;
- 2) тўртдан уч қисмида – 4 соат;
- 3) профилда – 4 соат.

Қисқа муддатли эскизли ҳомаки расмлар ва чизгилар бажарилади – 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача;

Уйда обрубовкали бошни турли хил ҳолатларда хотиралаб чизгилари яратилади. Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Машғулотни ўтказиш вақтида услубий фонддан тегишли иллюстрациялар бўйича талабаларнинг энг яхши ишлари қўйилади.

“Гипсли (антик) бош” чизматасвири

Одам боши – расм яратиш учун шаклларнинг кўп хиллигини ўрганишга имкон берувчи, мураккаб ва қизиқарли объектдир. Тирик моделдан расм яратишга киришишдан аввал ёрқин тасвирланган характерга эга бўлган шаклда гипсли антик бошларнинг расмларини (Аппалон, Антиной, Цезарь, Сократ, Сенека, Лаокоон, Афродита, Гаттамелат, Довуд ва ҳ.к.) яратиш зарур.

Асосий принциплар, бош тасвирини тузишнинг қоида ва қонуниятларини ўзлаштириш расм устида ишлашнинг услубий кетма-кетлигига риоя этган ҳолда конструктив шаклни таҳлил этишдан бошланади.

Гипсли модел қимирламайди, материали ва фактураси бўйича бир жинслидир, бу эса постановканинг шакли, ҳажми ва характерига эътиборни жамлашга ёрдам беради.

Одам бошининг мураккаб шаклини гипсли қолиплар мисолида классик скульптураларда анатомик тузилмасини бера олган ҳолда, шаклнинг ёруғлик ва соялар билан тўғри моделлаштирилганлиги ва материалликни (моддийликни) бера олган ҳолда, расмдаги техник усуллар билан биргаликда тасвирлашга ўрганиш зарур.

Ўқувнинг мақсади – антик бошларнинг каноник пропорцияларини ўрганиш, турли хил бурилишларда, нишабликларда, ракурсларда ва перспективали қисқаришларда одам бошининг характери ва пропорцияларини ушлаб қола олиш қобилиятига эга бўлиш; гипсли (антик) бошнинг расмини тайёрлашга реалистик ёндошувни ривожлантириш.

Ўқув вазифаси:

1. Ишни гипсли бош тасвирини 55x75 см (планшет) ўлчамли қоғоз вароғига жойлаштиришдан бошлаш лозим, бунда ёруғликни, яъни расмнинг композициясига таъсир этишини ҳисобга олиш зарур.

2. Бош шаклининг характериini ҳажмли-конструктив ва чизиқли-конструктив тузилма (қурилма) услублари билан, горизонт чизиқлари ва юзасиртнинг перспективли қисқариш қонуниятини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш.

3. Расмга рангдор тусли ишлов бериш ва моддийликни, фазовий перспективани бера олиш билан якунланади; контрастлик қонуниятларини аниқлаган ҳолда, барча деталларни бир бутунликка бўйсундирган ҳолда умумлаштириш билан якунлаш.

4. Расм гипсли бошнинг турли хил ҳолатларидаги кўриниши бўйича қисқа муддатли чизги ва ҳомаки расмлар билан олиб борилади.

Вазифани бажариш графиги.

Бажариш вақти:

а) гипсли бош – 12 соат;

б) ўша вароқда (планшетда) ҳомаки расмлар ва чизгилар бажарилади – 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача;

Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Ушбу вазифа бўйича талабаларнинг энг яхши ишларидан кўргазма тайёрланади, ўқитувчилар томонидан бажарилган расмлар кўриги, иллюстрацион материалларнинг таҳлили билан олиб бориловчи янгиликлар киритиш суҳбатлари ўтказилади.

“Тирик бош” чизматасвири

Гипсли моделларнинг расмдан фарқли равишда тирик одамнинг боши ташқи шаклларнинг индивидуаллиги, қимирлаши, фақат ушбу натурага хос бўлган пропорциялари, кайфиятга, толиқиш даражасига боғлиқ тарзда ўзгариб турувчи юз мимикалари, оптимизм, қувноқ, ахлоқчилик ва ҳоказолар билан характерланади. Бошнинг гипсли қолипи қимирламайди, натурачи бирор қиёфада туриш жараёнида (позирования) чарчайди, туриш ҳолатини (позасини) ҳам юз қиёфасини ҳам ўзгартиради, шунинг учун талаба тирик моделни чизаётганида кўринаётган шаклни яхши англаб етиши учун

кузатувлар асосида унинг анатомик ва конструктив тузилиши ҳақида аниқ тасаввурни ҳосил қилиши зарур.

Табиийки, бундай ҳолатларнинг ва юз қиёфасининг турли хиллигида энг мақбул характерли ва фарқланувчи қирраларини (томонларини) илғаб олиш, нафақат шаклни ва балки моделнинг характеридаги мазмунни ҳам чиқариб бера олиш мураккабдир. Тузишдаги (қуришдаги) асосий услуб гипсли қолиплардагидек, деярли айнан ўшандек сақланиб қолади, бироқ тирик модел бошининг расмида тирик одамнинг юзи ҳам бўлиши зарур, бу эса айнан ўша мураккаблик ҳақида гапирди, ҳолбуки натурадан олинган расм чизувчини портрет санъатига олиб боради, унда эса портретдаги ўхшашликлар мавжуд бўлиши зарур.

Ўқувнинг мақсади – Тирик моделни чизишда кўникма ҳосил қилиш, кузатувчанликни, пропорциялар хиссиётини, кўриш хотирасини ривожлантириш. Барча шаклларнинг бир бутунлигини сақлай билиш, тасвирланаётган юзга тааллуқли бўлган характерли қирраларни йўқотмаслик учун расмни катта аниқликда олиб бориш.

Ўқув вазифаси:

1. Тирик бошнинг расмини чизиш 55x75 см (планшет) форматли вароқда бажарилади.

2. Композицион жойлашувни аниқлаш, бунда хусусан ва умуман олганда ҳам бошнинг анатомик ва конструктив тузилиши ҳақидаги билимга таянган ҳолда бажариш.

3. Бошни тўғри тузиш, натуранинг характерини очиб бериш, катта шакллар ва деталларнинг пропорционаллик нисбатларини аниқ бера олиш.

4. Расмни яратишни услубий (методик) кетма-кетликда олиб бориш, тааллуқли тарзда турли хил юза-сиртларнинг ранг тусларининг характеристикасини ҳал қилиш, бунда моддийликни очиб беришга интилиш, маълум қиёфада турган модел билан портрет ўхшашликка эришиш.

Вазифани бажариш графиги.

1. Тирик бош – 8 соат.

2. Тирик бошнинг қисқа муддатли ҳомаки расмлар ва чизгилари бажарилади – 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача.

3. Талабалар уйда тирик натуранинг турли хил ҳолатлари бўйича ҳомаки расмлар ва чизгиларни бажариши зарур (материаллар – кўмир, сангина, перо, қалам).

Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Услубий кўргазмалар ўтказилади, ушбу вазифа бўйича талабаларнинг энг яхши ишлари ва ўқитувчиларнинг ижодий ишлари кўрсатилади.

Одам фигурасининг чизматасвири

“Академик расм” дастуридаги якуний босқич – бу одам фигураси ҳисобланади.

Одам – ўзининг жисмоний ва психик характеристикалари бўйича ҳам ташқи маълумотлари ва ички конструкциялари бўйича ҳам табиатдаги энг мураккаб организм ҳисобланади. Етарлича мукамал ва мураккаб шакли ҳисобланган одам фигурасининг расми академик мактабларнинг ўқув жараёнида олий поғонани ўзида намоён этади.

Одам расми ва унга тўғри келувчи тузилиш (қурилиш, яратилиш) қонуниятлари архитектор ва дизайнерларнинг билим олишида муҳим ўринни эгаллайди.

Натурани диққат ва эътибор билан ўрганиш гўзаллик хисларини ривожлантиради, дидни тарбиялайди.

Расмдаги бутун комплекс билимлар – унинг фонетикаси, пластика, пропорциялар, канонлар, образли ечимлар, композициялар, перспектива ва ранглар тусининг усуллари гипсли антик фигуралар ва тирик моделларнинг расмларини яратишда энг асосий вазифани (масалани) – одамнинг пластик анатомиясини билиш вазифасини (масаласини) истисно этмайди.

Одам танасининг қисмлари ва уларнинг тасвирланиши ҳақида тўғри тасаввур берган, ўзининг трактатларида ҳаракат механикаси ва анатомияси

бўйича катор қимматли маълумотларни баён этувчи биринчи анатом сифатида Бош рассом (мусаввир) ва олим Леонардо да Винчини айтиш жоиздир.

Анатомияни чуқур ўрганганлар қаторида рус рассомлари (мусаввирлари) А.А.Иванов, И.Е.Репин, В.А.Серов ва кўпгина бошқалар ҳам бор.

Анатомияни пухта ўрганганлиги ҳақида Рафаэл, Рубенс, Рембрандт, Микеланджелонинг анатомик расмлари ва одам фигурасининг расмлари гувоҳлик беради.

Маълумки, ўқув ишларининг вазифаси одамнинг суяк асослари ва одам фигураси мускул тизимлари билан танишиш, одамнинг конструктив ва анатомик тузилиши бўйича билимларга эга бўлиш ва уларни мустаҳкамлаш, одамнинг конструктив асосини ҳаракатлар ва турли хил позаларда тасвирлаш кўникмасини ҳосил қилиш ҳисобланади.

Фигура ва тирик натура бўйича дастур-вазифалар циклини буюк рус рассоми (мусаввири) П.П.Чистяковнинг: «Расм чизиш – бу тирик шаклни ўрганиш каби умуман билиш керак бўлган томонлардан биридир, у элементар билимларга эга бўлиш учун зарур деб тан олинган худди фандаги каби ақл фаолиятини талаб этади» деб айтган сўзини келтириш мумкин.

Фигуранинг қисмлари, хомаки чизгилар

Ушбу муайян вазифада қўл панжасини скелети билан чизиш бажарилади; гипсли қолипдан чизилган қўл расми; кафт скелети, кафтнинг гипсли қолипли расми, тирик моделдан олинган хомаки расмлар ва чизгилар – турли ҳолатлардаги қўл ва кафтлар. Бу расмлар одамнинг пластик анатомиясини ўрганишнинг давоми ҳисобланади.

Одам фигурасини чизишда, унинг бадий ифодалилигида (бадий жило беришда) қўлларнинг роли муҳим ўринни эгаллайди, фигурани яшашда текисликка таянч сифатида тегиб турган унинг оёқ кафтлари ҳам тўғри чизилиши зарур. Қўллар одамнинг характери ва рухий ҳолатини

тасвирлаб бериши мумкин, бекорга эмаски Тициана, Рембрандт, Суриков, Репин каби буюк рассомларнинг картиналарида асарнинг мазмунини очиб беришда улар томонидан тасвирланган персонажларнинг қўллари катта рол ўйнаган.

Ўқувнинг мақсади – ушбу вазифа устки ва пастки учларнинг конструктив ва анатомик характеристикалари ва уларнинг функционал хусусиятларида янаям нозикроқ ва аниқроқ ҳаракат қилишга ундайди (мажбур этади).

Ўқув вазифаси:

1. Вазифа 55x75 см (планшет) ўлчамли иккита вароқда бажарилади. Асосий вазифа – скелет ва шунга мос ҳолда гипсли қолиплардан қўл ва оёқнинг суякли асосларини жойлаштиришдан иборат.

2. Бармоқ ва қафтларнинг характерли хусусиятларига, уларнинг анатомик тузилишига эътиборни кучайтирган ҳолда тўғри ва конструктив ҳолда яратиш, қуриш, чизиш зарур.

3. Қуриш иши тугагач енгилгина ёруғлик ва соялар бўйича ишлов бериш билан ҳажмий шаклни очиб бериш лозим, бунда штрихлар техникасига эътибор ажратиш зарур.

Вазифани бажариш графиги.

Ушбу мавзу бўйича расмларни бажариш муддати ва вақти:

– биринчи планшетда:

1) қўл бармоқлари скелетининг расми уч ҳил ҳолатда – 4 соат;

2) гипс қолипли қўлни битта ҳолатда чизиш – 4 соат;

– иккинчи вароқда (планшетда):

1) қафтлар скелетининг расмлари уч ҳил ҳолатда – 4 соат;

2) гипсли қолипдан қафтлар расмини чизиш – 4 соат.

Тирик моделдан қисқа муддатли ҳомаки расмлар ва чизгилар бажариш – 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача, бутунлай – 4 соат.

Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Ушбу вазифа бўйича кўргазма кафедранинг услубий фондидаги талабаларнинг энг яхши ишлари уюштирилади.

Одам скелетининг чизматасвири (натурадан ва тасаввур бўйича)

Асосий эътибор одам фигурасининг конструктив тузилишига қаратилади, аввалом бор скелет ўрганилиши зарур.

Ўқувнинг мақсади – талаба натуранинг характерли хусусиятларини имкон қадар тўлалигича акс эттириб беришга ўрганиши зарур, конструкцияни, пропорцияни, ҳажмли шаклни, ҳаракатни, пластикани, материал фактурасини чуқур ўрганиши, композицион масалаларни тўғри ечиши лозим; кўз билан ўлчашни ривожлантириши; одам фигураси ва унинг скелети каби бундай мураккаб натурани бажаришда назарий кўникмалар ҳосил қилиш.

Ўқув вазифаси:

1. Ушбу пастановкани 55x75 см (планшет) ўлчамли вароқда компоновка қилиш зарур.

2. Скелетни тузиш, ҳаракатларни, тананинг, яъни скелетнинг қимирловчи ва қимирламайдиган қисмларининг уланиш ва бирикишларидаги пропорциясини аниқлаш.

Талаба оралиқ эскизли ҳомаки расмлар ва чизгиларни бажариш 15-20 дақиқадан ва 1 дан 2 соатгача.

Вазифани бажариш графиги.

Скелет иккита ҳолатда бажарилади – олд ва елка тарафдан; тасаввур бўйича қисқа муддатли ҳомаки расмлар.

1. Скелет – олд тарафдан – 8 соат.

2. Скелет – елка тарафдан – 8 соат.

3. Скелетнинг ҳар бир ҳолатига унинг турли ҳолат ва ҳаракатларига натура ва тасаввур бўйича 20 дақиқадан то 1-2 соатгача қисқа муддатли

хомаки расмлар ва чизгилар бажарилади. Скелетнинг ҳар бир тасвирланадиган ҳолатига 4 соатдан вақт ажратилади.

Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Услубий таъминот сифатида тарқатма материаллар, мавзу бўйича барча мумкин бўлган жадваллар қўлланилади, талабаларнинг энг яхши расмлари ва ўқитувчиларнинг ишлари қўйилади, кўргазмалар ташкиллаштирилади, бадий кўргазмаларга ташрифлар уюштирилади.

Одамнинг мускул тузилишларининг чизматасвири (экорше)

Одам фигурасининг скелети билан ишни тугатгач, анатомик фигура пастановкасида мускулли тузилишлар билан танишиш лозим – экорше.

Мускулларнинг муҳим роли шу нарса билан тушинтириладики, бунда улар аҳамиятли даражада одам фигурасининг ташқи шаклини белгилаб беради. Рельефининг мураккаблиги доимий ҳаракат, деформация, тана қисмларининг ҳаракатланиб туриши ва уларнинг бажарадиган функцияларининг турли хиллиги билан боғлиқдир. Барча бу хусусиятларни англаш, билиш, таҳлил этиш ва расмда бажариш (акс эттириш) зарур.

Ушбу вазифа Гудоннинг анатомик фигураси билан бажарилиши мумкин. Гудоннинг анатомик фигураси билан ишлаш одамнинг бутун мускулли тизимини ўрганишга имкон беради.

Ўқувнинг мақсади – Одам фигурасининг пластикаси ва мускуллар тизими билан фигуранинг суякли асослари ўртасидаги боғлиқликлар, умумий қилиб айтганда таянч-ҳаракатлантирувчи аппарат ҳақида тушунча берувчи мускуллар тизимини ўрганиш.

Ўқув вазифаси:

1. 55x75 см (планшет) ўлчамли вароқда оптимал тарзда компоновка қилиш, моделнинг ҳаракати ва характерини, пропорцияларини аниқлаш, фигуранинг таянч марказини тўғри белгилаш.

2. Экорше расми устида ишлашнинг асосий вазифаси – одамнинг мускулли тизимини, унинг конструкцияларини ўрганиш; тўғри пропорцияларни топишни, алоҳида мускулларнинг бажарувчи функциялари ва ўзаро таъсирлашувига боғлиқ ҳолда ҳаракат динамикасининг характери тушунчасини ўрганиш; кўриб эслаб қолишни ривожлантириш, одам фигурасини тасвирлашда кўникмалар ҳосил қилиш.

Вазифани бажариш графиги.

Гудон фигурасини олд ва елка тарафдан чизиш; фигуранинг бошқа ҳолатлари бўйича қисқа муддатли ҳомаки расмлар ва чизгилар бажарилади.

1. Гудон фигураси – олд тараф ҳолати – 8 соат.
2. Гудон фигураси – елка тараф ҳолати – 8 соат.
3. Турли хил ҳолатлар бўйича қисқа муддатли ҳомаки расмлар ва чизгилар бажарилади, 15-20 дақиқадан то 1-2 соатгача. Чизгилар чизишга умуман 4 соат ажратилади.

Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Услубий таъминот сифатида тарқатма материаллар, пластик анатомия бўйича жадваллар ва расмлар қўлланилади, мавзу бўйича талабаларнинг энг яхши расмларидан кўргазмалар ташкиллаштирилади.

Одамнинг скелети ва ҳаракатдаги мускуллар чизматасвири

Ушбу вазифада яна одам скелетига қайтишга зарурат туғилади, чунки пластикли мускуллар тизими очиб берилган ушбу анатомик расмда берилган ҳаракатдаги анатомик фигуранинг скелетини киритиш талаб этилади.

Ўқувнинг мақсади – ҳаракатдаги анатомик фигураларнинг қатор расмларини яратиш; одамнинг конструктив асоси (скелет) аниқ кўриниб турувчи, ундаги мускулларнинг асосий динамик тизимларини очиб бериш.

Ўқув вазифаси:

1. 2-3 анатомик фигураларнинг турли хил нуқтаи назардан ва ракурсларда 75х55 см (планшет) ўлчамли бир вароқда композицион

жойлаштиришни аниқ белгилаш, бунда барча фигуралар учун ягона масштабни сақлаган ҳолда бажарилади.

2. Чизилаётган фигуранинг пластик ва морфологик характеристикасини, мускуллар функциясини тўғри ҳал қилиш.

3. Чизилаётган фигуранинг елка камарлари, ён бош тос бўғинлари, устки ва пастки учларнинг тўғри пропорционал муносабатларини аниқлаган ҳолда одамнинг конструктив асосини киритиш – скелет.

Вазифани бажариш графиги.

Ушбу расмга 15-20 дақиқадан ва то 1-1,5 соатгача қисқа муддатли хомаки расмлар ва чизгилар билан бирга 8 соат вақт ажратилади.

Натижа: скелетга ялтироқ тарзда енгилгина ёруғлик ва соялар ишлови беришни киритиш, бунда чизикларнинг қалинлиги ва кучини, контурларни фазовий нисбатга қараб олинади. Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Услубий таъминот сифатида тарқатма материаллар, мавзу бўйича мумкин бўлган барча жадваллар қўлланилади. Машғулот жараёнида пластик анатомия ва ўқитувчилар ишлари бўйича жадваллар ва расмлар, мавзу бўйича талабаларнинг энг яхши расмларидан кўргазмалар ташкиллаштирилади.

Гипсли фигура

Одам танасининг анатомик тузилишини ўрганиш бўйича қатор вазифаларни тугатгач, талаба энди гипсли антик ҳайкалларнинг расмларини ишлаши зарур: “Дискобол”, “Аполлон”, “Венера Милосская” ва бошқа гипсли фигуралар. Гипсли фигураларнинг ҳаракатсизлиги ва бир хил туслиги уларнинг тузилиши ва шаклини синчиклаб ўрганишга имкон яратади.

Мускулларнинг муҳим роли шу нарса билан тушинтириладики, бунда улар аҳамиятли даражада одам фигурасининг ташқи шаклини белгилаб беради. Рельефининг мураккаблиги доимий ҳаракат, деформация, тана қисмларининг ҳаракатланиб туриши ва уларнинг бажарадиган

функцияларининг турли хиллиги билан боғлиқдир. Барча бу хусусиятларни англаш, билиш, таҳлил этиш ва расмда бажариш (акс этириш) зарур.

Ўқувнинг мақсади – бутунлай, бир бутун тарзда кўра олишни, бутун фигурани бир қараш билан қамраб олишни ўрганиш: чизаётганда – нафақат тананинг ташқи шаклланивчи қисмларини кўришни ва суякли асосни ва анатомик тузилишнинг пластикасини ҳам назарда тутиш, фигуранинг характерини тўғри бера олиш.

Ўқув вазифаси:

1. Расмни 55х75 см (планшет) ўлчамли вароқда компоновка қилишдан бошлаш, пропорцияни англаб олишда кўчишлар бўлмаслиги учун қараш нуқтасини тўғри танлаш лозим.

2. Ўқли (осевой) чизиқларни, мувозанат марказини, елка, тос, устки ва пастки учларнинг йўналишларини, фигуранинг ҳаракатланиш характерини умумий тарзда тўғри белгилаш.

3. Ишнинг якуний босқичида ёруғлик ва соялар муносабатини, фигуранинг индивидуал хусусиятларини очиб бериш, ҳажмли шаклни ёпиштира олиш зарур.

Вазифани бажариш графиги.

Ушбу расмда берилган ҳайкалнинг турли хил ҳолатларидаги қисқа муддатли ҳомаки расмлар ва чизгилари билан олиб борилади.

Бажариш вақти:

1. Гипсли фигура – 12 соат.
2. Хомаки расмлар ва чизгилар – 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача.

Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Жонли фигурани кийимда, интерьерда тасвирлаш

Асосий вазифа – расмни тирик натурадан атроф-муҳит билан ўзаро алоқада ҳолатида бажариш. Столда ўтирган ёки унинг олдида турган натурани хонанинг ичида шундай жойлаштириш зарурки, бунда перспектива,

чуқурлик, фазо (кенглик) сезилсин, деворнинг, полнинг, деразанинг бирор қисми кўриниб турсин.

Талаб олдиға шундай вазифа қўйилади – аввалги ишлар асосида олган ўзининг уқуви, кўникмаси ва билимини кўрсатиш: геометрик тананинг матоларнинг, интерьерларнинг, анатомик ва гипсли фигураларнинг расмлари.

Ўқув мақсади – Одамнинг боши ва фигурасини ўрганиш жараёнида олинган билимлари асосида интерьер кенгликларни қуришда (яратишда) перспективалар қонунларини фойдаланган ҳолда кийинган фигуранинг интерьердаги расмини яратиш.

Ўқув вазифаси:

1. 55x75 см (планшет) ўлчамли вароқда тасвирни яратишда композицион ечимни топиш, фазода (кенликда) фигурани анатомик ва пропорционал тарзда тўғри тузиш зарур.

2. Киймнинг буралиш ва йиғилган жойларини шундай кўрсатиш зарурки, булар худди фигуранинг ҳаракатларига мослангандек, тананинг шакли бўйича ётиши зарур.

3. Фон, интерьер элементлари иккинчи планни ташкил этиши ва асосий фигурани соя бериб янаям аниғроқ ажратиб кўрсатиб турсин.

4. Ишни ёруғлик ва соялар ишлови билан яқунлаш. Расм қисқа муддатли чизгилар билан олиб борилади.

Вазифани бажариш графиги.

Бажариш вақти:

1. Интерьердаги жонли кийинган фигура – 8 соат.
2. Қисқа муддатли хомаки расмлар ва чизгилар – 15-20 дақиқадан то 1,5-2 соатгача.

Ишнинг якунида расмни гуруҳда муҳокама этилади, ишни баҳолаш, кафедрада кўриб чиқиш ўтказилади.

Архитектура иншоотининг чизматасвири

Архитектура иншоотини турли хил материаллар билан ёруғлик тусига мос расмини (чизиш, яратиш) бажариш.

Ўқувнинг мақсади – фазовий (кенглик) муҳит билан ўралган турли хил архитектура объектлари ва иншоотларини чизишда тасвирлаш кўникмасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Ўқув вазифаси:

- иншоотнинг конструктив бадий тузилмасини ўрганиш ва англай олиш, архитектура комплексида унинг ўрнини аниқлай олиш;
- пропорциялаш ва визирлаш услубидан фойдаланилган ҳолда иншоотнинг асосий пропорцияларини ва унинг атроф муҳит билан боғлиқликларидаги деталларини аниқлаш.

Ўрганиш мақсади – турли хил юмшоқ материаллардан (кўмир, график қалам, сангина ва ҳ.к.) фойдаланилган ҳолда архитектура иншоотининг ёруғлик тусига мослашган расмини (чизиш, яратиш) бажариш.

Ўқув вазифаси:

1. Расмини чизиш учун архитектура иншоотларининг турли хил сюжетли вариантларини танлаш.
2. Энг оптимал сюжетни, англаш нуқтасини ва ёруғлик характерини танлаш.
3. Танланган сюжет вариантини 55x75 см (планшет) ўлчамли вароқда компоновка қилиш.

Вазифани бажариш графиги.

Вазифа икки босқичда бажарилади:

1-босқич – сюжетни қидириш ва эскизлаш (ўқитувчи билан маслаҳатлашиш) – 3 соат;

2-босқич – планшетда композицион ва чизиқли-конструктив ҳал қилиш (ўқитувчи билан маслаҳатлашиш) – 3 соат;

Ёруғлик туси бўйича таҳлил этиш ва ишни тугутиш (ўқитувчи билан маслаҳатлашиш, ишни муҳокама қилиш ва баҳолаш) – 6 соат.

Шаҳар қурилишлари тасвири

Ушбк вазифа атроф-муҳитнинг интерьер ва экстерьерларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган қатор машқлар калити сифатида келади. Архитектура комплексларини чизиш учун, аввалги олинган билимларни мужассамлайди (вароқдаги композиция, перспектив тасвир усуллари, пропорциялаш ва визирлаш, ишни ёруғлик тусига қараб ишлаш).

Ўқув мақсади – архитектура комплексларини аввалги олинган билимлар ва кўникмалардан фойдаланилган ҳолда, уларни бир вароқда тўғри компоновка қилишга кўпроқ эътибор берган ҳолда кўра билиш ва очиб беришга ўрганиш.

Ўқув вазифалари:

- архитектура комплексларининг хусусиятлари ва уларни тасвирлашнинг мумкин бўлган вариантларини ўрганиш ва тушиниш;
- архитектура комплексларини тасвирлаш бўйича намуналар билан танишиш – таниқли усталарнинг ишлари ва талабаларнинг чизган расмлари;
- компоновка қилиш, перспектив тасвирлаш, ҳажмий-конструктив қуриш ва ёруғлик тусига кўра ишлов бериш бўйича аввал олинган билимларни қўллашни ўрганиш.

Ўрганиш мақсади – аввалги ўрганилган материаллар, тайёрлов ҳомаки расмлар ва чизгилардан фойдаланилган ҳолда архитектура комплексининг ёки шаҳар қурилиш фрагментининг ёруғлик туси берилган расмини 55x75 см ўлчамли планшетда юмшоқ материаллар билан чизиш (кўмир, соус, сангина ёки юмшоқ қалам).

Ўқув вазифаси:

1. Таниқли усталар ва илгари битириб кетган талабаларнинг архитектура комплексларини чизиш намуналарини кўрсатиш билан кириш маърузаларни эшитган ҳолда архитектура комплексининг ёки шаҳар қурилиш фрагментининг эскизли вариантларни чизиш (камида учта).

2. Ўқитувчи иштирокида ушбу масалани ечишда асосий вариантни танлаш ва планшетда расмни чизиш.

Вазифани бажариш графиги.

1. Кириш суҳбати.
2. Сюжетни қидириш, эскизлаш ва ўқитувчи билан маслаҳатлашиш – 6 соат.
3. Танланган сюжетни вароқда композициялаш, чизиқли-конструктив қуриш, асосий соялар ҳажмини киритиш (ўқитувчи билан маслаҳатлашиш) – 6 соат.
4. Расмни ундаги деталлар ва ишнинг умумий бадиий ҳолатини очиб бериш билан якунлаш – 6 соат.
5. Ишни ўқитувчи билан биргаликда кўриш, унинг муҳокамаси ва баҳоси.

Табиат пейзажининг тасвири

Ушбу вазифа антураж элементлари бўйича вазифаларнинг давоми ҳисобланади (2-курс), бироқ юқорироқ даражада. Нафақат ўсимликлар дунёсининг алоҳида элементларини тасвирлаш ва балки уларни маълум бир сюжетли композицияга компоновка қилиш.

Ўқув мақсади – нуқтаи назарни, атроф муҳитга тасвирона (иждодий) муносабатда бўлиш қобилиятини шакллантирган ҳолда ва асосий кўрилаётган нарсани композицион тарзда шакллантириш.

Ўқув вазифалари:

- атроф муҳитни ўрганиш асосида асосий нарсани ва фазовий (кенгликка) композицияга бўйсиндирилган нарсаларни очиб бериш;
- фазовий (кенгликдаги) композициялар элементларининг (табиат пейзажининг) фазовий кенгликдаги ўзаро алоқаларини очиб бериш;
- табиат шакллариини график тарзда бажарилишининг турли хил йўсинларида умумлаштириш усулларига эга.

Ўрганиш мақсади – кузатувлар асосида табиат пейзажининг ёруғлик туси берилган расмларини яратиш.

Ўқув вазифаси:

1. Ўқитувчилар билан биргаликда кириш суҳбатлари ва таниқли усталарнинг ишлари билан танишиш ва табиат пейзажининг қатор сюжетли чизгиларини яратиш.

2. Энг қизиқарли сюжетларни, англаш нуқтасини танлаш, ёруғлик ва сояларни аниқлаш.

3. Танланган сюжетнинг ёруғлик туси берилган тасвирларни планшетга компоновка қилган ҳолда чизиш.

Вазифани бажариш графиги.

Вазифа икки босқичда бажарилади.

1 босқич – кириш суҳбати, сюжетни қидириш, эскизлаш ва ўқитувчи билан суҳбат – 6 соат.

2-босқич – танланган сюжетни планшетда компоновка қилиш ва уни ёруғлик туси бериш техникасида бажариш – 8 соат.

Ишни ўқитувчи билан биргаликда кўриш, унинг муҳокамаси ва баҳолаш.

Соибов Т.З., Гильманова Н.В

П-БЎЛИМ: Р А Н Г Т А С В И Р

Рангтасвирда ёруғлик ва ранглар

Биз кўраётган мана шу дунё ёруғлик ва бизнинг кўриш қобилиятимиз туфайлидир. Тана, ўз ёруғлик нурини таратувчи – қуёш, қизиган металл, газлар, гулхан, чироқ (лампа) ва ҳ.к. – ёруғликнинг дастлабки манбаи дейилади.

Дастлабки манбааларнинг ёруғлиги объектлар ва предметларга тушади, қисман нурлар объектларга сингади (ютилади), қисман қолгани эса аксланади, натижада ушбу объект ва предметларнинг ўзлари аксланаётган ёруғлик манбайига айланиб қолади (масалан, ой, ер, осмон).

Предметдан акс этаётган ёруғлик ўзга атрофдаги (ёнидаги, қўшни) предметга тушиб *рефлексни* келтириб чиқаради. Маълумки объектлар ва предметлар табиатда қуйдагича ёритилган:

1. тўғридан-тўғри ёруғлик тушиши билан;
2. аксланган ёруғлик билан;

Биринчиси предметларнинг рангини, ёруғлик ва жилосини белгилаб (аниқлаб) беради.

Иккинчиси эса соялар, ярим тусли ранглар (полутон) нинг умумий рангини ва рефлексларнинг рангларини белгилаб (аниқлаб) беради.

Тўғридан-тўғри тушувчи ва аксланувчи ёруғликларнинг бирлашувчи, уларнинг интенсив ва спектрал таркиби табиатда ёруғ-рангдор муҳитни ташкил этади, бу эса предметнинг рангини, унинг ёруғ-соялик тусини, предметларнинг умумий рангини ва тасвирнинг колоритини белгилаб беради.

Ранглар доираси

Ёруғлик, айниқса қуёш ёруғлиги рангтасвир учун ўта муҳим аҳамиятга эга. У табиатнинг рангдорлик бойлиги ва колоритлигини белгилаб беради.

Қуёшнинг оқ рангли ёруғлиги ўзида нимани намоён этади?

Ёруғлик нурини қоронғу хонага уч қиррали шиша призма орқали киритсак, оқ рангли экранда кўп ранглардан иборат бир бутун рангли тасма пайдо бўлади. Ушбу бир бутун рангли тасмани **спектр** деб аташади.

Спектрдаги ранглар маълум бир қатъий тартибда жойлашади:

1. қизил;
2. тўқ сарик;
3. сарик;
4. яшил;
5. ҳаво ранг;
6. тўқ кўк;
7. бинафша ранг.

Ҳар бир ранг биридан бирига ўтади ва ўтувчи рангларни ҳосил қилади.

Рангларнинг асосий хусусиятлари

Юқорида санаб ўтилган қизил, тўқ сарик, сарик, яшил, ҳаво ранг, тўқ кўк, бинафша ранглар **хроматик** ранглар дейилади (яъни, рангдор, рангли ёки рангга эга).

Табиатдаги барча кўринувчи: оқ, кул ранг ва қора рангларни **ахроматик** ранглар деб номлаш қабул қилинган (яъни, рангсиз).

Хроматик ранглар бир-биридан қуйидагилар билан фарқланади:

1. тон (ранг туслари билан ёки рангларнинг қатъий фарқланиши);
2. тўйинганлик;
3. светлота (очроқ ранг, ёруғроқ).

(расм – 1).

Тонли (ранг туслари мавжуд) деганда шу предметнинг ранги тушинилади, яъни масалан, қизил, яшил, бинафша ранг (фиолет) ва ҳ.к.

Тўйинганлик — бу хроматик рангнинг кул рангдан фарқланиш даражасидир.

Бирон бир ранг кул рангдан қанчалик кучли фарқланса, у шунчалик тўйинганликка эгадир.

Кам тўйинган рангларга мисол тариқасида қуйидаги ранглар хизмат қилади: оч-сарик, оч-қизил, оч-ҳаво ранг, оч-жигар ранг ёки тўқ-жигар ранг, тўқ-кўк ранг ва ҳ.к.

Амалиётда кам тўйинган рангларни ҳосил қилиш учун хроматик рангларга оқ ёки қора рангни қўшиш (аралаштириш) йўли билан эришилади. Мойли рангтасвирда буни – *тонни (ранг тусларини) лойқалантириш* дейилади, акварель рангтасвирда эса рангнинг тўйинганлиги мўйқаламга (чўткага) сувнинг, пигментнинг шимилиш миқдорига боғлиқ.

Светлота – ёрқин (очроқ ранг, ёруғроқ) – бу рангларнинг оқ рангга яқинлашиб келиш даражасидир. Масалан, сарик ранг жигар ранг, кўк ранг, бинафша рангларга нисбатан анчагина очроқ (ёруғроқ).

Ахроматик ранглар бир-биридан фақатгина ёрқинлиги бўйича фарқланади, яъни бир ранг бошқасидан нисбатан ёрқинроқ ёки тўқроқ бўлади. Бироқ уларнинг орасида ҳам оқ, кул ранг, қора тусли рангларнинг кўп турлари мавжуд. Энг тўқ бўёқ сифатида газ курумини ҳисоблаш мумкин. Оқ бўёқлардан энг ёрқини – цинкли оқ бўёқдир (белила).

Энг кўпроқ акс эттириш хусусиятига эга бўлган нарса – бу тоза оқ рангли предметлардир. Қора рангли предметлар эса ёруғликни кучли даражада ютувчидир.

Хроматик доирадаги баъзи бир ранглар қуёш ёруғлигида янаям ёрқинроқ тусга киради, агар унинг ўз рангги ёруғлик ранги билан мос тушса, у ҳолда янаям интенсивроқ (жадалроқ) тусга киради.

Ахроматик ранглар, аксинча ўзидаги тўйинганлик хусусиятини йўқотади, тўқроқлашади ёки қоралашади. Баъзи бир рангга эга бўлган рангдор предметлар спектр нурларининг баъзи бир қисмларини ютади, бошқаларини эса акслантиради. Бу эса рангларни *танлаб* ютиш дейилади. Масалан, қизил ранг яшил нурларни кўпроқ ва қизил нурларни камроқ ютади. Яшил ранг эса қизил нурларни кўпроқ ва яшил нурларни эса камроқ ютади.

Сунъий тарзда ёритиш доирасида спектр нурларининг сариқ-қизил қисми кўпроқ рол ўйнайди. Ўзаро мослашган (бир бирига мос тушган) рангга эга бўлган предметлар ёрқинроқ, тўйинганроқ тусда кўриниш беради, аксинчаси эса (қарама-қарши), яъни ранглари бўйича ёруғлик нурларига тескари бўлса, у ҳолда рангсизланади (ҳиралашади).

Ранг контрастлари **(ранглардаги кескин фарқланиш)**

Табиатда ранглар ҳар доим бошқа ранглар билан ёнма-ёнликда жойлашади. Демакки, ранглар бир-бирларига ўзаро таъсир этади. Бу эса ранг туслари (оттенка), ёрқинлик (светлота) ва тўйинганлигининг ўзгаришига олиб келади, бу ҳолат – **контрастлик** (рангларнинг кескин фарқланиши) дейилади.

Шундай экан, тўқроқ ранглар кўршовида бўлган ранг – ёрқинлашади, аксинча ёрқинроқ ранглар кўршовида бўлган ранг – тўқроқлашади.

Ушбу ҳодиса (ҳолат) хроматик рангларга ҳам, ахроматик рангларга ҳам характерлидир. Бу ҳолат умуман олиб қараганда (моҳиятан) иллюзиядир, яъни кўришнинг алданишидир. Бироқ, иш пайтида бу ҳақида, яъни оқариш ва қорамтирликни албатта ҳисобга олиш лозим.

Рангларнинг бир-бирларига ёнма-ён жойлашувлари туфайли нафақат ёрқинлик (светлота) ўзгаради, балки ўзаро таъсирлашиш оқибатида улар янгича тусли рангларга эга бўлади. Масалан, қизил ранг кўршовида қолган кул ранг бирмунча яшиллашган тусга киради, яшил фонда эса, аксинча, қирмизи рангли, қизарганроқ тусга киради, яъни ахроматик рангларда рангларнинг тусланиши (оттенка) юз беради. Кул ранг тусли ранглар эса ўзлари келиб чиққан ўша фонларнинг (аксинча) қарама-қарши (қўшимча) тусларига эга бўлади.

Айнан шундай ҳолатни хроматик рангларда ҳам кузатиш мумкин.

Масалан, агар сариқ ранг қизил ранг кўршовида жойлашган бўлса, у ҳолда у бирмунча яшиллашган тусда кўринади, яшил фонда эса у

қизарганроқ тусда кўринади. Қизил ранг яшил ранг кўршовида янаям тўйинганроқ кўринади. Ушбу ҳолатлар рангларнинг ўзгаришида **хроматик контрастлик** дейилади.

Спектр рангларидаги – **қизил, сариқ, кўк** ранглар – **асосий ранглар** деб қабул қилинади.

Уларни бошқа рангларнинг аралашувида олиб бўлмайди. Агарки, спектрнинг иккита чети қизил ва бинафша рангларини аралаштирсак, у ҳолда янги оралиқ ранг – тўқ қизил ёки қирмизи (пурпур) ранг ҳосил бўлади. Натижада биз кўпроқ муҳимроқ бўлган саккизта рангга эга бўламиз – булар: сариқ, оч сариқ (оранжевый), қизил, қирмизи (пурпур), бинафша ранг, кўк (синий), ҳаво ранг ва яшил.

Агар ушбу ранглар тасмасини (боғламини, тўпламини) бирлаштирсак, у ҳолда ўзгача ранглар доирасига эга бўламиз. (расм – 2).

Ранглар доираси у ерда мавжуд бўлган ранглар миқдори бўйича турлича бўлиши мумкин, масалан: 8, 16, 24 ва ҳ.к. Бизнинг кўзимиз тахминан 150 тусдаги рангларни ажрата олади (расм – 3).

Яшил, ҳаво ранг, кўк ранглар – **совуқ ранглар**; сариқ, оч-сариқ (оранжевый), қизил ранглар – **иссиқ ранглар** дейилади.

Иссиқ ранглар қуёш билан, олов билан ассоцияланади, совуқ ранглар эса муз (ях), осмон ва ҳ.к. лар билан.

Иссиқ ранглар **ранглар доирасининг** ўнг қисмида, совуқ ранглар эса чап қисмида жойлашади. Қарама-қраши жуфликдаги ранглар контрастли бўлади. Масалан, сариқ ва бинафша ранг, ҳаво ранг ва қизил, кўк ва оч-ранг, ва ҳ.к..

Контраст рангларнинг маълум бир пропорцияда аралашishiдан ахроматик рангни (кул ранг) олиш мумкин. Шу каби иккита хроматик рангни **қўшимча ранглар** дейилади.

Булар шундай қуйидаги ранглар жуфтиликдир:

- қизил – яшил;
- оч-сариқ – ҳаво ранг;
- сариқ – кўк;

- яшил – қирмизи (пурпур);

Ҳар бир қўшимча ранглар бир-бирлари билан ёнма-ён жойлашувидан ўзаро кучайишади.

Иссиқ ранглар – чиқувчи (намоён бўлувчи), яъни яқинлашувчи, совуқ ранглар эса – узоқлашувчи, яъни чуқурликка, ичкарига, қаърига кетувчидек қабул қилинади.

Ёруғ-соялар (светотень)

Ёруғлик туфайли биз предметларни нафақат рангли, ва балки ҳажмли тарзда ҳам кўрамиз. Ёруғлик билан ёритилган думалок ва каварик предметларда энг ёрқин доғ ажралиб чиқади бу – *шуъладир*. У айниқса силлиқлаштирилган шаффоф, ялтироқ ва ҳ.к. юза сиртларда аниқроқ билинади (масалан, металл, керамика, глазурь, ойна ёки шиша ва ҳ.к.).

Шуланинг рангги ёруғлик манбайига боғлиқ.

Осмондан – совуқ тусли ранг; сунъий тарзда ёритилганда эса – иссиқ ранг тусига киради.

Рангтасвир ва акварелда шуъланинг ўрнига кўпроқ ҳолларда қоғознинг оқ доғини қолдириб кетилади.

Предметнинг сояли томонини – *ўз сояси* деб юритилади. Предмет ва юза сиртга тушаётган сояни – *тушаётган соя* дейилади. Тушаётган соянинг шакли уни тушираётган предметнинг шакл-шамойили ва қирраларига боғлиқ бўлади.

Предметдаги ёруғлик ва соя ўртасидаги жойни *яримсоя* ёки *яримтон* дейишади. Яримсоя ёритилган қисмига нисбатан тўқроқ, бироқ *ўз соясидан* ёрқинроқ бўлади.

Предметларнинг бошқа сиртлардан аксланаётган ёруғлик нурларининг таъсирида уларнинг рангларининг ёрқинлашиши ва ўзгариши – *рефлекс* номи билан юритилади. Рефлекслар туфайли соялар тиниқлашади, равшанлашади, шаффоф кўринишда фазовийлашади. (расм – 4).

Предметнинг ўз рангига бундай таъсирни бошқа предметнинг ёки драпировканинг ранги кўпроқ таъсир кўрсатади. Масалан, оқ рангли кўзада (ёки хум) унинг атрофини ўраб турган қизил ва кўк рангли драпировкадан таъсир этаётган қизилроқ, хаворангроқ тусдаги ранглар кўринади.

Ўзаро рефлекс алоқаларсиз предметнинг ранги “қуруқ” ва “жонсиз” тарзда кўринади, тасвир эса текис, пластик ва рангдорлик маъносида камбағал кўринади.

Ёруғ-соя тусининг градациялари бўлган – ёруғлик, шуъла, ўз сояси ва тушувчи соя, ярим соя, ҳажмли предметларда рефлекс берилган ҳолда предметларнинг ҳажмли-пластиклик, рангдорлик, материаллик (моддийлик) фактуралик характеристикаларини, уларнинг ёритилганлиги ва жойлашган жой муҳитини акс эттирилади.

Масофага нисбатан рангларнинг ўзгариши

Ёруғлик-фазовий перспектива

Расм чизувчига яқин масофада жойлашган предметларда, уларнинг катталиги, шаклнинг характери, ҳажми, материали, фактураси, деталлари, ёруғ-соялар, ранглари ва бошқа сифатлари яхши кўринади. Ушбу предмет имкон қадар узоқлаштирилган сари ундаги ушбу сифатлар аста-секин ўзгаришга юз тута бошлайди, яъни сезиларсиз, ноаниқ ҳолга келади. Айнан мана шунинг ўзи ёруғлик-фазовий перспективанинг вужудга келиш ҳолатидир.

Ҳолбуки, ёруғлик-фазовий перспектива текислик, юза-сирт, яссиликни, натуранинг ҳажмий-пластик ёруғ-соялар, рангдорлик, материаллик (моддийлик) хусусиятларини кўрастиб бера олиш, узатиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Фазовий перспективанинг хусусиятлари нимада ?

Фазо (ҳаво) – бу газсимон моддий (материалли) муҳит бўлиб, унда чанг, намлик, қурумлар ва ҳ.к. лар каби кўпгина аралашмалар мавжуд.

Буларнинг ҳаммаси ёруғликнинг ўтишига тўсқинлик қилади, унинг рангдорлигини сочади (таркатади) ва ўзгартиради. Натижада атмосферанинг ҳолатига, предметгача бўлган масофага, предметнинг (локал) ўз ранггига таъсир кўрсатади. Предметларнинг ранги яқиндагига нисбатан узоқдан янаям нейтрал бўлиб кўринади. Ёрқин рангли предмет узоқлашганда тўқлашади, тўқ ранг эса – ёрқинлашади (расм – 5).

Узоқдан предметлар хаворангрок, бинафша ранглироқ бўлиб кўринади. Узоқлашган сари предметларнинг шакллари ва қирралари ҳам ўзгара бошлайди, қийшиқ, эзилган, ноаниқ, ёйилган кўринишга киради. Предметлар узоқдан қараганда умумлашган, юмшоқ, текис (ясси) доғ кўринишида кўринади (расм – 6).

Сунъий ёритилганда ёруғлик манбаига яқин жойлашган предметлар ундан узоқроқ жойлашган предметдан кўра сезиларли равишда ёрқинроқ, ранглари бўйича ёруғроқ кўринади.

Ёруғлик преспективасини натюрмортлар, тематик постановкалар устида ишлашда ҳисобга олиш ва ушбу ишда очиб бера олиш ўта муҳимдир.

Натуранинг умумий тонли ва рангдорлик ҳолатлари

Предметларнинг моддий-фазовий сифатларини очиб беришдан ташқари **ёруғлик** масаласи ҳам ҳал қилинади. Ёруғликнинг шарт-шароитлари ва характери (куёшли, ойли ва булутли кунлар) натурали предметларга маълум бир тарзда эмоционал кайфият беради. Айниқса бу, пейзажларда аниқ намоён бўлади.

Ҳар қандай ёруғлик манбаи предметларни англаб олиш учун шароит яратади. Масалан, ёруғликнинг кучи кам бўлган ғира-шира ёки булутли кунларда предметлар сезиларли тарзда тўқроқ тусга киради, шунинг учун куннинг турли пайтларида ёруғликнинг ёрқинлиги эрталаб ва кечқурун турлича бўлади.

Сутканинг турли вақтларидаги ёруғликнинг ўзгариши билан предметнинг ранглари ҳам ўзгаради. Масалан, хонада дераза ёнидан

узоқлашган сари ранглар ҳиралашади, булутли ёки қуёшли кунларда ёруғлик интенсивлигининг ўзгариши билан рангларнинг ёрқинлиги ва тўйинганлиги ҳам ўзгаради.

Ранглар ягоналиги, натура рангларининг уйғунлиги (колорит)

Ёруғлик манбаининг нурлари предметли моддий дунё бўёқ рангларини бирлаштиради, уларни яқинлаштиради, турдошлик ҳолатга келтиради. Натуранинг бўёқлари қанчалик турлича бўлмасин, унинг барча деталларида мавжуд бўлаётган ёруғлик ранглари уларни **колористик** тарзда бирлаштиради.

Колоритликни тушиниш учун рангли шишалардан фойдаланиш мумкин. Агар, масалан, натурага сариқ-қизил шиша орқали қараладиган бўлса, кечкурунги ҳолатга яқин бўлган таъсурот ҳосил бўлади.

Сунъий ёруғлик ёрқин намоён бўлувчи иссиқ ранглар туси (оттенка) билан, яъни тўқ тусли соялар ва ёруғлик манбаи яқинидаги ёрқин ёритилган предметлар билан ажралиб туради.

Кун ёруғлиги совуқ, бирмунча ўткир колорит эффектини беради. Ҳеч қандай ранг ёки рангли доғни бирон бир тасвирга уни умумий ранглар ҳолатига мос келтирмай туриб киритиш ярамайди. Предметларнинг ранглари ундаги ранг ва сояларга, ранглар умумийлигига турдош бўлиши зарур. Ҳолбуки, бўёқларнинг умумий ёруғлик рангига табиий тарздаги ранглар бирлашуви ишдаги уйғунлашган рангдорлик тузилишини яратишнинг асоси ҳисобланади.

Акварел рангтасвир техникаси

Техника – бу бадиий асар яратилишида восита сифатида келувчи махсус кўникмалар, услуб ва усуллар йиғиндисидир.

Универсал тарздаги рангтасвир техникаси йўқ. Ҳар бир техника ўзигагина тегишли бўлган бадиий хусусиятларга эга бўлади ва шу билан

бирга атрофдаги хақиқийлик, воқеликни, муҳитни очиб бера олишда чегараланган имкониятга эга.

Акварел, масалан, тез қуриydi, мой-бўёқли рангтасвирдагидек махсус асбоб-ускуналарни талаб этмайди.

Ўзининг декоративлик сифатларидаги кучи, кўчирилиши, ҳаракатлантирилиши мумкинлиги, материалларининг арзонлиги туфайли у айниқса рангтасвирни ўрганишнинг бошланғич босқичларида ўта зарурдир.

Акварел бўёқлар ўзининг номланишини лотинча “*aqua*” – “сув” сўзидан олган. Уларни сувли бўёқлар деб номлашади ҳам. Акварелларда сув бўёқларни аралаштирувчи сифатида хизмат қилади. Гуаш, темпера ва мой-бўёқлардан фарқли равишда акварел бўёқ қаватининг тиниқлиги, шаффофлигига, ёруғликни ўтказувчанлик хусусиятига эгадир. Шунинг учун акварел – сувда тиниқ, шаффоф бўёқлар билан битилган рангтасвирдир.

Акварел қоғозга қуюқ қаватлар билан эмас, балки суюқ, сув билан аралаштирилган ҳолда сурилади. Қисман, сувга ивиган қоғозга сингиб, у намланган юза-сирт бўйича оқа бошлайди. Сув қуриганидан кейин қоғозда юпқа бўёқ қавати қолади. Ёруғлик нурлари шу қават орқали ўтади ва оқ қоғоздан аксланиб, рангни ҳудди ичкаридан ёритгандек бўлади. Акварелда рангни тоза, бўёқ қаватини эса юпқа, тиниқ ва мустаҳкам ҳолда сақлаш муҳимдир. Битта жойни кўп маротаба чизавериш, қуюқ, қалин қатламли бўёқлар акварелнинг кадр-қимматини йўқотишга олиб келади, у “ёпик”, оғир, кўпол ва кир ҳолга келади.

Акварел сувни яхши кўради, сувнинг ортиқчалиги уни хира ва ноаниқ бўлишига олиб келади.

Акварел жудаям кўзғалувчандир. Намланган қоғозда у тезгина эрийди, ивийди, предметнинг контурларидан ташқарига чиқиб кетади ва шаклсизланади.

Сувдан тўғри фойдалана олиш акварел техникасидаги энг қийин вазифа саналади. Акварел текислик планларидаги масалаларни ечишда айниқса кенг имкониятларга эга бўлиб, у тонал-рангдор ўтишларда ўзининг

нозиклигига эгадир. Бироқ акварелда тонал имкониятларнинг диапазони кам. Шундай бўлса ҳам акварелда тоннинг зичлик ва қалинлик кучига яқинлашиш жудаям зарур эмас. Зичлик, қалинлик гуашда, темперада, мой-бўёқда муҳим ўрин тутди.

Акварелда муҳими қоғоз бўёқни ўзига яхши сингдириб олишига имкон беришдир. Қоғозни вертикал ҳолатда ушлаб бу нарсани амалга ошириш қийин, бўёқ тезгина пастга қараб оқа бошлайди, чизувчи кўп марталаб бўёқ қавати оқимининг олдини қирқиб туриши зарур, бу эса ишнинг булғанишига олиб келади. Бироқ қоғознинг горизонтал ҳолати ҳам баъзида бўёқнинг нотекис ҳолатларда туриб қолишига олиб келади ва қора, қуюқ чизиқларни пайдо қилади. Демакки, қоғоз қўйилган планшет меъёрий нишабликда, чизувчи бошқара оладиган ҳолатда жойлашиши зарур.

Акварелли расм (тасвир) қаламнинг энгилгина ингичка чизиқлари билан амалга оширилиши зарур, акс ҳолда графитнинг чанглари (қирлари) рангтасвирни булғаши мумкин.

Акварел бўёқлар

Акварель бўёқлар уч хилда бўлади:

1. Қаттиқ плиткаларда;
2. Яримюмшоқ чашкачаларда;
3. Юмшоқ тубикларда

Улар юпқа, нозик қирилган пигментлардан тайёрланган бўлиб, сувда энгилгина эрийди. Бундай талабларга “Белые ночи” ёки “Оқ тун”, “Нева” деб номланувчи бадий (рассомлик) акварели жавоб беради.

Пигмент ўсимлик, ҳайвонот ва сунъий келиб чиқишга эга бўлиши мумкин ёки турли хил тупроқ ва лойлардан ишлаб чиқарилади.

Бўёқнинг ёруғлик бардошлиги тубикларнинг этикетикасида юлдузчалар билан белгиланади: юлдузчалар қанчалик кўп бўлса, бўёқ шунчалик барқарор бўлади.

Акварелнинг баъзи бир ранглари сувда яхши эрийди, баъзилари эса аксинча қийин эрийди.

Енгил эрийдиганлари: қора, сетия, сариқ, лазур, зумрад, яшил.

Қийин эрийдиганлари: ультрамарин, оч-сариқ (оранжевый), охра.

Қийин эрийдиган пигментлар кир ва доғларни келтириб чиқаради, шунинг учун бу аралашмаларни қоғозга ва тўғридан-тўғри керакли ранглар кучини қўйиш лозим.

Акварелдаги ёрқин бўёқларни ҳар доим бошқа ранглар билан йўқотиш, хиралаштириш, лойқалаштириш мумкин, лекин бузилган кир ёки хира жойларини (участкаларни) оқартириш, ёритиш ва уларнинг ёрқинлигига эришиш мумкин эмас.

Акварел ишларни қуруқ жойда сақлаш керак, чунки улар захликдан бузилади.

Акварел учун қоғоз

Акварел учун асос сифатида қоғоз хизмат қилади. Унинг кашф этилишигача акварел билан папирус, пергамент, фил суяги ва зиғир толасидан тўқилган матолар ҳ.к. фойдаланилган.

Қоғоз тайёрлаш учун зиғир толаси, пахта, дарахт, поҳол ва ҳ.к. лардан фойдаланилади. Қоғозга оқ тус бериш учун унга – шпат, гипс, каолин, бўр, кўрғошинли оқ бўёқ (белила), ҳаво ранг, ультрамарин, лазур каби турли хил бўёқлар ва тулдирувчилар қўшишади. Унинг ёпишқоқлиги учун унли елимлагич (клеялагич), крахмал, хайвонлар елими, желатин ва ҳ.к.

Акварел учун энг яхшиси зиғир толасидан тайёрланган турли хил навли (сортдаги) ватманлар (госзнак, таршон) сувли қоғозлар ҳисобланади. Қоғознинг юза-сирти ҳам турли хил фактураларга, яъни донадорлик, ғадир-будирликка эга.

Қоғознинг фактураси акварелга рангасвири ифода, жило, равшанлик беради. Силлиқ, ялтироқ, кўп миқдорда елимланган навли қоғозлар акварел учун яроқсизроқ ҳисобланади. Унда бўёқ яхши ёпишмайди ва сирпанади. Бундай қоғозларни, улардаги ортиқча елимликни кетказиш учун бир мунча вақт сувга солиб қўйилади.

Юпка, юмшоқ, бўш, уваланувчи навли (сортли) қоғозлар ҳам акварел учун яроқсиз ҳисобланади, яъни улар сувни тез шимиб олади.

Иш бошлашдан олдин қоғознинг юза сирт қисмини сув билан ювиб олинади, ёғ ва мойли доғлардан, кирлардан тозалаш учун эса сувга бир неча томчи нашатирли спирт қўшиш мумкин. Сарғая бошлаган қоғозни кам концентрацияли водород перекисли аралашма билан ювиш мумкин.

Акварел билан ишлаш учун, қоғозни яхшиси 40x50 см ўлчамли планшетга жойлаштирган маъқул. Қоғознинг юза ёки ички томони губка ёки тампон ёрдамида намланади ва планшетга тортилади, бунда унинг четларини қотириб маҳкамлаш учун ПВА елими (клей) ёки кнопкалар фойдаланилади.

Акварел учун мўйқаламлар (чўткалар)

Мўйқаламлар (чўткалар) – қаттиқ (дағал жундан, қилдан қилинган) ва юмшоқ (олмохон жунидан қилинган) бўлади.

Шакли бўйича – япалоқ (текис), думалоқ, ўткир учли, тўмтоқ бўлади.

Жун ва қилларининг узунлиги бўйича – калта ва узун бўлади.

Катталиги бўйича – катта, ўртача ва кичик (майда) бўлади.

Катта мўйқаламлар (чўткалар) йирик форматли, катта сиртли ишларни бажариш учун зарурдир.

Ўртачаси аудиторияда, узоқ давом этувчи характерга эга бўлган ишларни бажариш учун зарур.

Кичкина, майда мўйқаламлар (чўткалар) майда деталларга ишлов беришда фойдаланилади.

Ўқув ишлари учун №10, №6, №3 рақамли мўйқаламларга (чўткаларга) эга бўлиш лозим.

Акварел учун олмохон жунгидан қилингани яхши мўйқалам ҳисобланади. У эластик, юмшоқ ва шу билан бирга мустаҳкам, чидамли ва ишда қулайдир. Мўйқаламнинг (чўтканинг) жунлари агар сув билан ювилганда ва силкиганда биргаликда бир тўп бўлиб йиғилса, демак шу жундан қилинган мўйқалам (чўтка) яхши ҳисобланади.

Иш тугатилгандан сўнг чўткачаларни иссиқ сувда хўжалик совуни билан ювиш керак бўлади. Мўйқаламни (чўткачани) сувли банканинг ичида учи билан пастка қаратиб қолдириш ярамайди. Бундай ҳолда мўйқалам (чўткача) қайирилиб (эгилиб) қолади ва ҳар тарафга ёйилиб кетади. Япалоқ, текис мўйқалам (чўтка) ювилгандан кейин юмшоқ қоғозга ўраб қўйилади, бундай ҳолда унинг куракчали шакли ўз ҳолида яхши сақланади.

Иш учун мўйқаламлардан ташқари хира доғларни кириб тозалаш учун пичоқча, босма қоғоз, латта, губка ва унга ўхшаш нарсаларга эга бўлиш лозим. Губкани қоғоздаги яхши чиқмай қолган жойларни ювиб ташлаш ёки уни намлаш учун ишлатиш яхши иш беради.

Акварел учун палитра.

Палитра қоғознинг оқ сирти билан мослаштириш учун унинг туси (тони) ҳам оқ бўлиши зарур, чунки у палитрадаги танланган рангларга қўйилади.

Палитра сифатида оқ қопламали керамикали плиткалар, тарелкалар, эмал билан қопланган металл пластинкалар, пластмассали палитралар фойдаланилади. Сирт силлиқ ва қаттиқ бўлиши лозим, чунки бўёқ унга сингиб кетмаслиги керак. Баъзи ҳолларда қоғознинг ўзи ишлатилади, бироқ у камроқ наф беради, яъни у тезда намланиб қолади, асосийси рангли бўёқ аралашмасидан – пигмент ва боғлаб турувчиларни (елимни) ўзига тортиб олади.

Палитра сифатида ойна ҳам хизмат қилиши мумкин, бунда унинг остига оқ қоғоз қўйилади. Бўёқ аралашмаси палитрадан (плиткадан, тарелкадан, ойнадан) сирпаниб кетмаслиги учун уларни саримсоқ пиёз (чеснок) ёки оддий пиёз билан енгилгина суртилади.

Акварел билан ишлаш услуби (методикаси)

1. Тонал ювиб ишлов бериш (отмывка). Гризайл. Бу техника акварел билан ишлаш ва предметларни ранглардан фойдаланилмаган ҳолда умумий

тонал ажратиш услубини эгаллаш (ўзлаштириш) учун фойдаланилади. Гризайл французча “*gris*” – кул ранг – сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу нейтрал тондаги бир хил рангли рангтасвирдир.

Ювиб ишлов бериш техникасида ёруғ-соялар тусини бериш, тасвирнинг умумий тонини бериш бирор концентрацияли аралашмали бир тони бошқасининг устига такроран бериш йўли билан эришилади. Ҳар бир навбатдаги бўёқни бериш олдинги бўёқ қатламининг қуриганидан кейингина берилади.

Ювиб ишлов бериш учун стаканда кучсизгина қилиб туш ёки акварел аралашмаси тайёрланади ва уни 5-10 дақиқа тиндириб қўйиш керак. Бироздан сўнг стакан тубида акварел пигментларининг қуйқаланиб чўкиб қолганини кўрамиз. Эҳтиёткорлик билан, аралаштириб юбормасдан аралашмани бошқа стаканга қуйиб олинади ва сўнгра ювиб ишлов беришни бошлаш мумкин.

Мўйқаламга (чўткага) олинган бўёқ аралашмаси қоғозга чапдан ўнг томонга йўналишида суркалади, бунда мўйқаламни юмшоқ ва енгил ҳаракатлантирилади. Пастки четларидаги бўёқ қолдиқлари суви сиқилган чўтка билан олинади. (расм – 7).

Гризайл техникасида предметнинг шакли бўйича тонал гарадациялар бўёқни бирданига тўлиқ кучда бериш билан эришилади, яъни ҳар бир юзасирт учун ўзининг аралашмаси тайёрланади.

Бўёқли аралашма палитрада тайёрланади. Такрорий устига чизиш ишлари ундаги бўёқ қатламининг салгина қуриганидан сўнг ва намлигида бажарилади. Иш тўқ тусдан ёрқинликка қараб олиб борилади. Предметларнинг сояли қисмларини яхшиси бирданига тоннинг тўлиқ кучи билан олингани маъқул, чунки бўёқ қатлами юпқа ва фазовий енгил бўлиши лозим. Ёруғлик, ярим соя янаям аниқроқ суриш (аралашма билан ишлов бериш) билан ёпиштирилади.

Лессировка (кўпқаватли акварел бўёқларини бериш) бирор бир иш устида давомли кўпсеансли ишлашда кенг фойдаланилади (расм – 8).

Бу усулни олиб бориш рангтасвирни ўрганиш жараёнида ўта муҳим ва етакчи рол ўйнайди. Чизишинг бундай усули узоқлашган пландаги сояли жойлар рангтасвирида тез-тез фойдаланилади.

Бир қатламли бўёқ предметни кўриниш даражасида олдинги планга суради, юпқа ялтироқ бўёқлар билан кўпқатламли лессировка қилиш предметни фазовий муҳитга узоқлаштиради, уни сояга киритади. Лессировка бархатли, бронза, олтин ранг ва бошқа тўйинган предметларни тасвирлашда фойдаланилади.

Услугбининг моҳияти – шаффоф, тиниқ, равшан бўёқ қатламларининг бирини бошқаси устидан кетма-кет тарзда беришдир. Лессировкалар билан ишлаш услуги аввал силиқ ва интенсив тонларни беришни, сўнгра эса совуқ ва камтўйинган тонларни беришни талаб этади. Биринчи чизишни анча шаффофроқ, равшанроқ бўёқлардан бошлаш керак. Улар қоғозни яхшироқ ўзлаштиради, қоғоз билан мустаҳкам бирлашади ва навбатдаги бўёқни беришда ювилиб, суркалиб кетиши камроқ бўлади. Тўқ ва тўйинган ранглар биринчи навбатда берилди.

Ишни яхшиси йирик рангли доғлардан бошлаган маъқулроқдир, масалан, ишнинг фонидан. Дастлаб бўёқлар тони ва рангги бўйича кучсизроқ ва бир-бирига тўғри келувчи ранглари бўйича берилди. Бироқ бўёқни жудаям оқарган тарздаги рангсиз тусда бериш ярамайди. Бир жойни бўёқ билан имкон қадар 3 мартадан ошмаган ҳолда ишлов бериш лозим, акс ҳолда кўп мартали ишлов бериш қоғозни эритиб юмшатиб юборади, акварел эса аниқлик, шаффофлик ва равшанлигини йўқотади, чапланган ва кўпол тарзда чиқади.

Ранг ва тонларни такрорий кучайтириш бўёқнинг қуриганидан сўнггина амалга оширилади. Кўпқатламли бўёқ бериш билан ҳажмли шаклларни ёпиштириш амалга оширилади.

Алла-прима услубида бўёқ бериш – бу услуб акварел бўёқларда ишни тез бажаришдан иборат. Керакли ранг ва тонлар бир қатламга олинган

бўёқларнинг интенсивлигидан келиб чиқади. Бу услуб асосан натура, эскизлардаги қисқа вақтли этюдларда фойдаланилади (расм – 9).

Ишни қўйилган натурадаги энг интенсив рангдан бошланади. Ишни бошлашдан олдин бўёқ яхши сингиши учун қоғоз сув билан енгилгина намланади.

Бир рангдан бошқасига енгил ўтишга эришиш учун имкон қадар тўқ ранглар тусини ёрқинларига киритиш лозим. Иш мазка ва заливкалар билан ишланади. Ранг тўшамаси бир қатламда, қайта такрорий ишлов бермасдан бажарилади. Предметларнинг шакли деталарисиз, умумлашган ҳолда ёпиштирилади. Соялар интенсив тарздаги рангда, сувли мазкада ишланади.

Ушбу рангтасвир техникасида ишланган ажойиб намунавий иш сифатида А.П.Остроумов., Лебедевларнинг ишини кўрсатиш мумкин.

Рангтасвирда яна бўёқ қатламларини хом (ишлов берилмаган) тарзда ҳам фойдаланилади (расм – 10). Бу услуб енгил, равшан тиниқ ранглар ва рангларнинг енгил ўтишига эришиш учун ёрдам беради. Рангларнинг хом (ишлов берилмаган) тарздаги услуби бўйича фойдаланиш айниқса булутли кунлар, туманли тонглар каби ҳолатларни чиқариб бера олишда ўта қўл келади. Ишни бошлашдан олдин қоғознинг юз қисми сув билан намланади, сўнгра янаям намланган сиртга керакли ранглар туси берилади.

Қоғознинг намлиги предметларнинг чегараларини юмшатади. Чизишни қоғознинг устида намлангандан кейин ортиқча сув намлиги қолмагандан кейин бошлаш керак. Ишни яхшиси тепа қисмдан, тон ва рангларнинг муносабатларини аниқлаган ҳолда бошлаш лозим. Ҳали берилган ранг қуримасдан туриб, унинг ёнидан, унга мос тушувчи, уни қамраб олувчи бошқа ранг берилади. Агар берилган рангга ўзгартириш киритиш зарур бўлса, у ҳолда улар ҳали хом рангли қатламлар шаклида киритилади.

Қоғознинг қуриш имконияти даражасида уни яна бошқатдан намланади ёки унинг остига намланган латтани ёки аввалдан намлаб

қўйилган тоза қоғозни ойнага қўйилади, бу эса унинг намлигини узоғроқ муддат сақлаб туришга ёрдам беради.

Иш пайтида кераксиз берилган бўёқларни ювиб юбориш ёки сиқилган чўтка ва губка билан олиб ташлаш мумкин.

Акварел рангтасвирида ушбу кўриб ўтилган чизиш усуллари бир-бирлари билан мос келиши учун фойдаланилади (расм – 11).

Ушбу усулларнинг бир-бирларига мос келиши рангтасвирни бойитади, уни уйғунлашган ягоналикка олиб келади.

Натюрморт акварел рангтасвири учун натура пастановкаси сифатида келиши

Натура пастановкалари дизайн билан шуғулланувчи мутахассисларни тайёрлашда таълим ва тарбиявий аҳамият касб этади. Уларнинг асосида предметларнинг шакли, ҳажми, пластикасини бера олиш, уларнинг фазовий ечимларини, ранг танлаш ва уйғунлаштира олиш ҳиссини тарбиялашдаги қонуниятларни амалий жиҳатдан англаш ва билиш кўникмаси ҳосил қилинади.

Натюрморт рангтасвири

Натюрморт талабалар ўқув жараёнида асос солувчи аҳамиятга эгадир. У ҳаракатсиз, узоқ бўлмаган масофадан онсон ва бутунлай шарх этилувчи, нисбатан хонанинг доимий ёруғлик шароитида рангтасвир билан шуғулланишга у жудаям қулай.

Натюрмортни узоқ муддат ва вазиятга қараб, предметларнинг шакли ва пропорцияларини, катталиклар нисбатлари ва уларнинг композицион алоқаларини, локал ранглар ва умумий колористик ҳолатларни, рангларнинг контрастлигини ўрганиб чиққан ҳолда чизиш мумкин. Натюрморт устида ишлаш натижасида талабаларда натурани композицион тарзда англаб фикрлай олиш ва ташкиллаштира олиш, унинг характеристикасини бир бутун тарзда бера олиш кўникмаси, уқуви ва қобилиятини ривожлантиради,

предметларнинг шаклларни, унинг моддийлигини, рангини ва гўзаллигини хис эта олишни тарбиялайди.

Шунга карамай барча предметлар ёнма-ён жойлашган ва барча тафсилотлари билан биргаликда яхши кўриниб турган бир пайтда бир бутунлик масаласини ҳал этиш айниқса мураккабдир.

К.С.Петроф-Водкинларнинг натюрморт устидаги ишларини *“рангтасвирчининг натура билан ўтқир суҳбатлари”* дан бири сифатида қараймиз. Унда сюжет ва психологизм предметни фазода аниқлаб олишни чегаралаб қўймайди. Қабул қилинаётган бу предмет, у ўзи қандай, у қаерда ва мен қаердаман – натюрмортнинг асосий талаби ҳам шундадир. Томошабинлар томонидан натюрмортдан қабул қила олишларидаги катта хурсандчиликлари ҳам шундадир.

Натюрмортни ташкиллаштиришда ва унда ишлаш жараёнида В.Н.Фавароний қайд этганидек тасвирчи: *“қўйилган предметнинг тинч ҳаётини кўра олиши ва эшита олиши зарур”*, – улар *“бир-бирлари билан қандай гаплашишмаяпти, бир-бирларига қандай муносабат билдиришмаяпти, бир-бирларига қандай таъсир ўтказишмаяпти, қандай қилиб чуқур ва ритмик муносабат ўрнатишади ва ҳ.к.”*

Натюрморт бўлғуси дизайнерлар ва архитекторлар учун яхши мактаб ҳисобланади. У кишидаги қуйидаги хислатларни тарбиялайди:

1. бадий (рассомлик) ҳис этиш ва тактни;
2. рангтасвирлик маданиятини;
3. композиция ҳиссиётини ва уни фазода ташкиллаштиришни;
4. пластик ва шоирона акцент (урғу) беришни;
5. рангни хис эта олишни.

К.С.Петров-Водкин қайд этганидек: *“Натюрморт – бу срипка этюдларидирки, – мен буни концертга киришишимдан аввал қилишим зарурдир”*.

Натюрмортни ташкиллаштиришда айнан бир схемани такрорловчи штамп бўлмаслиги зарур. Уларни ташкиллаштириш ижодий фантазияни

талаб этади. Ҳар бир муайян ҳолатда, қўйилган масаладан келиб чиққан ҳолда, қўйилган пастановкаларга ёндошиш принциплари турлича бўлиши зарур.

Натюрморт – бу қоғозга ўйламасдан туриб муҳрланиши керак бўлган предметларнинг тасодифий йиғиндиси эмасдир.

Натурага нисбатан муаллифнинг фаол муносабати, гўзаллик ҳиссиётлари унинг бажараётган ишида акс этиши зарур.

Натюрмортда фақатгина ўқув вазифаси, шу билан биргаликда ижодий вазифалар ҳам қўйилган бўлиши мумкин. Муҳими уни механик тарзда кўчирмаслик, қўйилган пастановкага худди жонсиз предметлар гуруҳи сифатида қарамаслик ва фақатгина натурага ўхшашлик томонларнигина чиқариб бера олишдангина иборат бўлмаслиги керак.

Предметларнинг моддийлиги (материаллиги) ва гўзаллигини келтириб бера олиш, уларнинг характери, рангтасвирлик пластиклиги каби сифатларни *натюрмортнинг (асл) образини* яратишлик номи билан ҳал этилиши зарур.

Ҳар бир предмет ҳаётда ўзининг “яшаш муҳитига (мавжудлик)” ва ўз мақсадига эгадир. Ўзгача шароитга жойлаштирилган ҳолда у бошқа предметлар билан умумий уйғунликка кирмай қолиши мумкин. Шунинг учун талабалар натюрморт композициясини ўзлари танлашга ва гуруҳлаштиришга ўрганишлари муҳимдир, яъни бу келгусида уларга амалий фаолият юритишларида ёрдам беради.

К.С.Петров–Водкин яратган натюрмортлар чуқур образли мазмун билан тўлдирилган, шундай бўлишига қарамасдан улар мазмун жиҳатдан жудаям содда (Расм-12).

Унинг предметлари стол, самовар, идишлар, гуллар, картошка, қора нон ва ҳ.к. Бу ўринда Ж.Милленинг “шундай чизиш керакки, оддий ва кундалик буюм нарсалар буюкликни тасвирлашларига мажбур этиш зарур. Шакллар ва рангларнинг гўзаллигини инсон учун доимий хизмат қилувчи энг оддий нарсалар ва предметлардан топиш керак” – деган сўзлари

ўринлидир. Идишлар, уй анжомлари, асбоб-ускуналар, маиший предметлар ва ҳ.к. лар – буларнинг ҳаммаси ўша предмет дунёсики, бу орқали унинг сафдошларининг ҳаёти ҳақида гапириш, уларнинг ҳаёт тарзини, қизиқиши, дунёқараши ва машғулотлари доирасини очиб бериш мумкин. Бу ерда XVII асрнинг ўша “кичик голландияликлар” нинг буюк натюрмортларини эсга олиш ўринлидир, унда ўзгача, асосий аҳамият ўша натюрмортларни тирилтиргудек, жонлантиргудек бўлган ёруғликнинг сеҳрли кучига берилган.

Ўша давр мусаввирлари (рассомлари) худди холст юзасига сочилиб кетган барча компонентларни йиғишгану асосий ва энг муҳимининг атрофига бирлаштиришгандек. Ёрқин ранглар сўнггандек.

Тузилишнинг бир бутунлиги ва ягоналигига эришган ҳолда рангтасвирчилар яқинлашган рангларда картина (бадий асар) яратишган, бироқ кўпроқ қисми кулрангда, уларнинг нозик нюансларини ҳам қайд этишган. Муҳим омил (фактор) ёруғлик бўлиб, унинг аҳамияти биринчи марта тўлиқ маънода очиб берилмоқда.

Рюмканинг нозик шишаси ва массивли бакал ўртасидаги фарқ, бакалга қуйилган винонинг қуйилганлигидаги ялтираш, лимоннинг олтинранг туси – буларнинг барчаси ўша давр мусаввирлари томонидан усталик билан муҳрланган. Эркин жойлашган предметлар ўртасидаги асосий алоқа сифатида ёруғлик хизмат қилади. Бир нарсадан бошқасига ўтган ҳолда у бутун тасвирга ўзгача жило беради.

Голланд натюрмортларининг XVII асрнинг типик намоёндалари (вакиллари) ва усталари Питер Класс, Виллем Класс Хеда, Виллем Кальф, Адриан Ван Остаде ва бошқалар саналади (Расм 13).

Натюрмортни ўрганишда бошланишига унчалик мураккаб бўлмаган ва 2-3 тагача предметларни қўйиш мумкин. Натюрмортни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида асосий эътибор композицион-пластик ечимнинг ойдинлигига, шаклнинг ранглар бойлигига, предметларнинг гўзаллиги ва материаллик (моддийлик) сифатларини очиб беришга қаратилади.

Кейинги навбатдаги босқичларга ёруғлик ва атроф-муҳит шарт-шароитларининг алмашилиши, натюрмортнинг ёруғлик манбаига ва чизувчига нисбатан фазовий узоқлашуви, шунингдек ранглар ечимидаги йиллик ва совуқ гаммаларнинг алмашинуви ёки аксинча уларнинг декоративликка алмашинуви, рангларнинг ёрқинлиги ва ҳ.к. лар ҳисобига мураккаброқ вазифаларни қўйиш мумкин.

Натюрмортларни компоновка қилишда предметларнинг катталикларини ҳисобга олиш ўта муҳим, бунда уни фони ва биринчи планда барча гуруҳлари билан бир бутунликка мослаган ҳолда амалга ошириш лозим.

Агар предметларнинг катталиклари унинг фонига тенг бўлса ва предметлар унинг чегараларига тақалиб борса, у ҳолда фазо ёки кенглик, яъни “учинчи ўлчов” йўқола боради. Предметларнинг жудаям майда тасвирлиги, аксинча, йирик фазода ёки кенгликда йўқола боради.

Эсда сақлаш лозимки, биринчи планни натюрморт қаърига жойлаштириш керак, уни кенгайтирган ҳолда биз фазо ёки кенгликни натюрмортда чуқурроқда қиламиз, предметларни эса ўлчами бўйича кичикроқ қиламиз. Ва аксинча, агар биринчи план катта бўлмаса, у ҳолда фазо ёки кенглик чуқурлашмайди, предметлар эса томошабинга интилаётган тарзда ўлчами бўйича кенгаяди.

Натюрмортда композицион марказ тез-тез ва кўп ҳолларда бир неча предметлардан иборат бўлади, бунда улар гуруҳлашган ҳолда ранглари, ритмлари, ёрқинлиги билан ўзига жалб этади. Композицион марказ фаол тарзда ранглар, ёруғлик, деталлар билан ишлов берилади, контрастлиги билан ажралиб туради. Бошқалари эса, яъни узоқлашиб борувчи предмет ва фон камроқ фаолликда бўлиши ва энг асосийсига бўйсиниши зарур, акс ҳолда тасвирнинг бўлакларга ажралиши ва ола-чипорлик юзага келиши мумкин.

Натюрмортни акварел техникасида бажариш услуги

1. Тахминий чизматасвирни предметнинг компоновкалари билан бажариш, предметларнинг пропорцияларини, конструктив тузилиши ва характерини аниқлаш.

2. Дастлабки чизишда йирик предметларнинг **тонал-ранглар** муносабати ва натюрмортнинг колористик ечимини ҳосил қилиш учун фон белгилаб олинади.

3. Ранглар ечими ҳал бўлгач, тезгина тони, ранги ва иссиқ-совуқлиги берилади.

4. Ҳар бир предметда шаклдан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли ёруғлик, ярим тон, соя, рефлекс белгиланади.

5. Фонларни тушириш ва драпировка қилиш ранглар ва тонларнинг енгилгина ўтишлар орқали кенгқамровли заливкалар билан бажарилади.

6. Олдинги план предметларининг шакллари моделиштириш, бу эса деталларни мазкалар билан ёпиштириш воситаси орқали уларни олдинги планга силжитиш учун зарур бўлади.

7. Тон ва рангларнинг бирданига контрастлигига йўл қўймаган ҳолда ундаги ўтишларнинг енгиллиги, юмшоқлиги ҳисобига орқа планни умумлаштириш.

Иш пайтида асосий эътибор ёруғлик таъсири остида предметларнинг рангларининг ўзгаришига қаратилади, яъни бу натюрмортнинг колористик ягоналигига катта таъсир кўрсатади, предметларнинг рангини мураккаблаштиради, бойитади.

Натюрмортнинг олдинги плани ҳам кўпроқ эътиборни талаб этади. Унга пластик маънода аниқ равшан ишлов берилиши керак, ранглар билан шакл бериш, композицияга киритиш учун ёруғликни аниқлаш керак.

Ишнинг якуний қисмида натюрмортнинг умумий тонал-ранглар ва пластик ҳал этилишига аниқлик киритиш, унга хусусийликни бўйсундириш – яъни ортиқча ёрқин ва турли хил доғларнинг, контрастлик ва бир бутунликни бузувчи доғларнинг йўқлиги ёки аксинча жарангдорлик,

рангларнинг тўйинганлиги, контрастликнинг йўқолиб қолмаганлигига иқдор бўлиш учун яна бошқатдан қайтиш зарур, чунки буларнинг ҳаммаси тасвирнинг ифодалилигини бузади.

Умумийликдан хусусийликка ва хусусийликдан умумийликка – натюрмортнинг кўпроқ ифодалилигини қидиришнинг йўли шундайдир.

Натюрморт – рассомликнинг алоҳида мавзуи бўлибгина қолмай, у рассомнинг бошқа ҳамма шакллари: мазмунли композиция, портрет, манзара, интерьерлардан қолишмайдиган тўлиқ ва мазмунли бўлган сурат шаклидир. Борлиқ қиёфасини ўзида яхлит, тугал акс эттирган санъат асари ҳамиша катта бадиий мазмунга эга бўлади, шу билан бирга унинг моҳияти ташқи мазмуни билангина чекланиб қолмайди.

Натюрморт устида ишлаётган рассом руҳий нуқтаи назаридан энг арзимас икир-чикирларни ҳам тасвирлайди, умумлаштиради, нарсаларга шакл бераркан, бир нечта нарсани оддий таққослашга нисбатан уларни чуқурроқ тассаввур этиб, муайян мазмун бағишлайди. Шунинг учун ҳам санъатнинг бошқа турларига нисбатан рассомликнинг бу соҳасида ҳам даврни ҳис эта билиши талаб қилинади, ҳис этганда ҳам баъзи ўринларда ёрқинроқ ва аниқроқ ҳис этиш керак бўлади.

Нарсалар олами – инсон оламидан иборат, бу оламки инсон ўз қўли билан яратган, шакллантирган. Бу эса кўриниши жиҳатидан оддий туйилган натюрмортни чуқур мазмунли жанрга айлантиради.

Чекланган рангтасвир

Рангтасвирни яхши эгалламаган талаба, уни безашдаги уйғунликни, ранглар (парда, мебель, шкаф ранг турлари) ни бир-бирига монанд, мос яхлит кўринишига бўлган муносабатни тиклай олмайди.

Албатта талабада “чекланган ранг” ибораси нима? – деган савол туғилиши таббий ҳол. “Чекланган ранг” шуки ишланадиган натюрмортни ранги турли ранг жиоларидан, ранго-ранг товланиб кўринишидан қатъий

назар талаба уни “чекланган” икки-уч хил ранг бўёқ коришмасида топшириқни бажариши шарт.

Бу ранглардан фойдаланишдаги маромни жиловлаб, талабани палапартиш иш юритмасликка рангга бўялган эҳтиёткорликни уларнинг тусланишини тартибга солади.

Чекланган ранг ва улар ёрдамида турли-туман кўринишига мойил жиҳозларни тасвирлашда (безашда) ўзига хос яхлит ранг уюшма талаби (рангларни ҳам ўз вазифалари) га мос равишда рангларни қўшиб уни ишлата олишларига имкон яратади.

Одатда ташвиқот тасвир (плакат)лари чекланган рангда яратилади. Бунга сабаб шу плакат сарф харажатининг оммага кўплаб ишлаб чиқаришда унинг таннархи қийматини арзон бўлиши ҳам чекланган рангга боғлиқдир.

Талаба яна шуни яхши билиш керакки, дарс топшириғи бу ўқув ишларидир, булар асосан машқ вазифасини ўтайди. Ҳаётда учрайдиган жуда кўп муаммолар мавжудки, бу тасвирий, бадий муаммоларни хал қилиш учун рангларни қайси ерда қандай йўсинда йўналишда ишлатилишини олдиндан билиши керакдир.

Ранг билан ишлаш узоқ муддатли иш тажрибасига боғлангандир, уни ўқитувчи томонидан талабаларга мисқоллаб берилади, аммо бу мисқол тошини кўпайтириш талабадаги қобилят даражаси – ақл фаросатга жуда ҳам боғлиқдир. Бундай маром ўлчамини талабаларга беришда ҳеч қандай тарозида ўлчанмайди, бундай тарозининг ўзи йўқдир, бу ташқаридан қидириладиган нарсас эмас, у ҳар бир рассом қалбига жойлашган сезгидан, ақл идрокидан, қобилят махсулотидан пайдо бўладиган тарозудир. Талабаларни ўқитиш даврида рангларни аниқ кўринишларига, буюмнинг рангини, атрофдаги буюм рангларидан қай жиҳатдан фарқ қилишини ҳис эта билиш керакдир.

1-курснинг биринчи топшириғи – “Гризаль (бир ранг унинг оч ва тўқ туслари) билан ишланган натюрморт” бўлиб, унинг асосий вазифаси бўёғи

хар-хил бўлган буюмларни ранг ва тус жиҳатидан фарқланган ҳолда бир ранг билан уйғунлика олиб келишдир.

Бу биринчи натюрморт оддий, яъни нарсалар сони ҳам безаклари ҳам кам бўлиши керак. Натюрмортнинг асосий аломати, энг йирик ҳажм ҳисобланиб, унинг теварагига шакли ва бўёғи турлича бўлган икки-учта кичикроқ буюмлар қўйилган бўлади, улар безатилиб, бир текисда нафис ишланганлиги билан композицион жиҳатидан мувозанатлаштирилади.

Одатда натюрмортнинг асосий нарсасини орқароққа, орқа томонини тўсиб қўймаслик учун унинг кичикроқ қисмларини олдинга жойлаштирилади. Бу билан бир оз бўшлиқ ҳам вужудга келтирилади. Натюрморт ишланаётганда буюмларни бўёқларига қараб, уни оч ёки тўқлиги миқдорини рангидан яққол ажрата билишни ҳисобга олиш зарур. Масалан: оқ нарсалар қора фонда жуда яхши кўзга ташланади ва аксинча, қора нарсалар оқ деворда яққолроқ кўринади. Тус қарама-қаршилигидан ташқари ранглар бир-бирига зидлиги ҳам бор. Иссиқ бўёқларда ранглар бир-бирига зид бўлиши мумкин, масалан, тўқ қизил фонда жигар ранг ҳажм. Худди шунингдек, (совук) бўёқларда: тўқ ҳаво ранг фонда ёрқин мовий буюм.

Иссиқ-совуқлик қондаси бўйича ишланган натюрмортлар ранги кескин фарқ қиладиган бўлади; ёқимли нарсалар хира фонда ёки аксинча қўшимча ранглар қарама-қаршилигининг кескин фарқи энг кучли бўлади; яшил фонда қизил ранг, бинафша фонда сариқ ранг, жигар ранг фонда кўк ранг жуда кескин фарқ қилади. Агар натюрморт ранглар қарама-қаршилигида ишланган бўлса, унда 1-2 бўёқли таъкидлар киритилади, яъни ёрқин бўялган кичикроқ буюмлар ёки безаклар ишланади, улар таққослаш учун зарур, шунда бошқа ранглар бир мунча мураккаб хал қилинади.

Рангларнинг бир-бирига тамоман қаршилигига ўхшаш натюрмортда ёруғлик ва қоронғулик (соя) бўлиши мақсадга мувофиқдир. Натюрморт ёрқин бўёқларда чиқиши учун бошқа ҳамма рангларни оқартириб юбормаслик ва хаддан ташқари қорайтириб юбормаслик керак.

Бу вазифа ёндан тушадиган ёруғлик билан уддаланади, у ёруғлик тушаётган соя томонни муносиб ранг бериб кўрсатишга имкон беради, талабанинг ҳажмий фикрлашига ёрдам қилади. Ёқимли ёки хира рангга эга бўлган, ёндан тушадиган ёруғлик ҳамма нарсаларни ёритади: агар ёндан тушадиган ёруғлик туссиз бўлса, ҳамма нарсалар нурда совуқроқ кўринади ва ранглар қарама-қаршилиги қонунига кўра, бутун соя иссиқроқ бўлиб қолади (иссиқ ёритилганда эса аксинча бўлади). Акс этиш нарсалар ўртасида ранг алоқасини ўрнатади. Тушаётган соялар ҳам нарсаларнинг ёрқин бўёқларига ўралишда қатнашади. Бу омилларнинг ҳаммаси натюрмортнинг алоҳида бўлақларининг ўз рангларини бирлаштирувчи муҳитни вужудга келтиради ва умумий уйғун жозоба яратишда қатнашади. Биринчи топшириқ таништириш вазифасини бажаради, у талабанинг касб тайёргарлиги савиясини аниқлаб беради ва мазкур ўқувчи билан ишлашда ўқитувчи олдига муайян вазифаларни қўяди.

1-курснинг иккинчи топшириғи – “Яқинлаштирилган рангларда ишланган натюрморт” бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳар қайси рангнинг ўзига хос алоҳида хусусиятларини, нозик томонларини, бир нарсани иккинчисидан бир оз ажратиб турадиган арзимас фарқни топа билишдир. Бу натюрморт ён томондан ёруғлик тушиб турган ёрқин нарсалардан иборат бўлади.

Агар олдинги топшириқда ранг ва тус қарама-қаршиликлари яққол акс этиб, тус қарама-қаршиликлари ва бутун мураккаблик яхлит бир нарсани уйғунлаштиришдан иборат бўлган бўлса, бу натюрморт бошида ишланишидан уйғунлашган ҳолда бўлади – унда ҳеч қандай кескин ранглар ҳеч бир қарама-қаршиликлар йўқ. Ҳаммаси рангларни ажратиб олиш қийин бўлган ва туси яқин нарсалар асосида қурилади. Бу топшириқ талабани босиқ қилиб қўяди, унинг рангларини жуда нозик кўз билан кўришга, ўхшаш рангларни бўёғи, туси ва ашёси бўйича ўхшаш нарсаларни ҳамма вақт таққослашга ўргатади. Ҳар қайси нарсанинг ўз рангини таҳлил қилишдан

ташқари, талаба унинг шаклини бўёқ билан қоплаши ва нурнинг ҳаво муҳитини бера олиши керак бўлади.

Бу вазифани уддалаш учун талаба ишлаётганда эркин ранг ва тус муносабатлари усулидан фойдаланиши керак. Ҳар қайси нарсанинг шаклини ясаётганда уни бошқалари билан таққослаши лозим; сояларнинг ҳамма ранги яқинлаштирилган нарсалар сояси билан таққосланиши, хира рангларни хира ранглар билан, нурларни нурлар билан, оқ доғларни оқ доғлар билан, акс этишлар билан таққослаш зарур ва хоказолар. Агар бу усулга амал қилинмаса, чалғиб кетиш мумкин, чунки ҳамма ёруғ ва айниқса оқ нарсалар нгур манбаи таъсирида нихоятда берилувчан бўлиб, хилма-хил ранг-туслари ва акс этишлар билан қоришиб кетади.

Нозик фарқлар ва алоҳида томонлар умумий ранг-тус кўринишига бўйсиндирилиши лозим. Бўёқларнинг бир-бирига умумий мос келишида суствик ва оқимтирлик бўлишидан қочиш учун натюрмортга озроқ ранг ва тус таъкидлари ишлатиш лозим, улар умумий ранглардан ажралиб қолмаслиги учун бироз бўлиши керак.

Бу топшириқнинг бир кўриниши: оқ нарсалар рангли фонда оқ безакда бўлишидир. Бундай ишланганда ҳар қайси нарсанинг оқлиги яна ҳам кўпроқ ажралиб туради. Бу ҳолда оқ ранглар катталики ва миқдори жиҳатидан устунлики қилиш, фон эса уларни ажратиш кўрсатишга ҳизмат қилиши лозим.

1-курсдаги учинчи топшириқ – “Иссиқ рангларда ишланган натюрморт” бўлиб, у бўёқларнинг хилма-хил ранглар (ер ранги бўёқларини назарда тутди) нур ёнида тушиб туриши керак.

Бу топшириқнинг асосий вазифаси бир мунча иссиқ рангларни ёқимлилиги камроқ ранглар билан таққосланади асарнинг ранг тузилишини асосан иссиқ рангларда кўриш ва кўрсата билишдан иборат. Ўз ўзидан ер бўёқлари: ҳар хил оч қовоқ ранг, буғдой ранг (охралар) ва тўқ жигар ранг (умбралар) шоколад (қорамтир жигар) ранг бўёқлар майин ер ранглардан иборат бўлиб, улар орасида ёрқин ажралиб турадиганлари бўлмайди, ҳаммаси бир-бирига уйғун равишда қўшилиб, бир-бирини тўлдиради (10

фоиз қўшимча ранглар ишлатиш мумкин). Бу натюрмортни ишлаётганда унинг ранг тузилишини аниқ хал қилиб олиши керак. Орқа томон (тус)га қараб сўндирилган бу ранглар томошабинга аниқ кўринадиган бўлиши лозим. Рангни жонлантириш учун бу топшириқда қўшимча рангдан бир оз киритилади. Иссиқ ранг бўёқлар асосий мавзусини кўпроқ аниқлашга хизмат қилади. Лекин совуқ ранг бўёқнинг таъкиди кичик (оч) роқ бўлиши керак, ишланаётган иссиқ ранг бўёқлар билан тўқнашиб кетмаслиги лозим. Талабанинг вазифаси уни, натюрмортнинг ранг тузилишига сингдириб юборишдан иборат.

Бу топшириқ бажарилаётганда хилма-хил бўёқларнинг ўша таъкидидан фойдаланиши мумкин, лекин ранглар бирмунча ёрқин ва рангбаранг чизиқли бўлиши керак. Масалан: сариқ ер бўёқлари кўпроқ охралардан ташкил топувчи натюрмортга, тўқ сариқ деярли тоза қовоқ сариқ ёки лимон сариқ ранглардан кичикроқ доғ солинади. Бундай ёрқин рангнинг бўртиб туриши бошқа ҳамма сариқ рангларни “сўндиради”, уларнинг бўёғини мураккаброқ ва моддийроқ тусга айлантиради, талабани керакли тусдаги бўёқлар қоришмаси тўғрисида кўпроқ ўйлашга мажбур этади.

Ёндан нур тушиб туриши натюрмортнинг рангларига муайян таъсир кўрсатади. Чунончи, совуқ рангдан нурда шаклланган натюрмортнинг бутун иссиқ ранглари совуқ тусга киради. Иссиқ ранг жилоси ёритилганда эса соялар совуқроқ бўлиб қолади. Аслига қараб астойдил ишлаш, рангларни кўра билиш ва ўз этюдида уларни ҳаққоний тасвирлай олиш талабанинг кўп нарсаларни тушинишга мажбур этади. У нарсалар атрофидаги энг очик ранглар ҳам мураккаблашибгина бормай, совуқроқ бўлиб қолишини ҳам англайди. Бу топшириқнинг бошқача кўринишлари ҳам бўлади. Улар бир хил ранг таркибий қисмларидан ташкил топган натюрмортлардир. Масалан, қизил рангнинг хилма-хил туслари ишлатилади (деярли жигар рангдан қизил рангнинг бинафша ранггача бўлган товланишлари). Сариқ, яшил рангларда ишланадиган натюрмортлар ҳам шундай вазифа қўйилиши мумкин ва х.к.

Талабанинг вазифаси натура (асли)даги мавжуд рангларнинг энг нозик томонларини бутун бойлигини кўриш ва тасвирлай билишдан иборатдир.

1- курсдаги тўртинчи топшириқ – “Совуқ ранглар билан ишланган натюрморт” бўлиб, бўёқларнинг яшил, кўк, зангори уюшмасидан иборат. Нур ёнидан тушиб туради. Бу иссиқ хилма-хил рангларда ишланадиган қўшалок натюрморт у билан ўхшаш вазифаларга эга. Иссиқ рангларда ишланган натюрморт тўғрисида айтилган гапларнинг ҳаммаси бу топшириққа тўла таалуклидаи. Унинг кўринишлари хилма-хил бўлиши мумкин. Бу мавзудаги энг оддий натюрморт совуқ рангларни турли бўёқлар таркибий қисмлари: ҳаво ранг, бинафша ранг, яшил ранглардан иборат. Ҳаво ранг унинг турлари ва тусларидан иборат ёки фақат бинафша рангларда ёки бўлмаса совуқ яшил рангларда ишланган натюрморт тасвири чизиш топшириғи мураккаброк бўлади.

Бўёқлари ажралиб турмайдиган натюрморт тури ҳам бўлиши мумкин. Масалан кулранг – сўниқ рангнинг қора кулранггача ишлатилгани бўлади. Бу топшириқларга ҳам қўшимча ранг таъкидлари киритилади: сарик, қизил жигар ранг ишлатилади. Бу ерда “очиқ ранг” таъкидларининг аҳамияти ҳам мумкин.

Туслар товланишини кучайтириш учун натюрмортга бир оз оқ ва қора рангларни ишлатиш мумкин.

Талабанинг вазифаси мана шу қўшилмайдиган ранглар совуқ муҳитда қўшимча ранглар қонуни бўйича қандай қилиб иссиқ тус олишини кўриши ва тасвирлай билишидан иборат. Талаба бу топшириқда иссиқлик-совуқлик қонунларини яққол кузата олиши мумкин. Дарс хонасида нур кўпинча хира бўлганлиги учун, барча совуқ бўёқлар хира нур билан ёритилган ҳаво ранг, совуқ яшил ранг, бинафша ранг бўёқлар нурда деярли ўзлигича қолади, лекин сояда иссиқлик қонуни бўйича улар ўзларининг кучли совуқ рангини йўқотади. Иссиқ ранг бўёқларга: жигарранг, иссиқ яшил ерсимон ранглар киради. Бу натюрмортларда нарсанинг атрофидаги орасида туриши, нарсаларнинг акс бериш алоқалари ва хоказолар яққол кўзга ташланади.

Талабанинг вазифаси натюрмортдаги бир таркибийқисм рангини бошқаси билан таққослаш, улар ўртасидаги ранг ва тус жилваларидаги фарқни топишгина эмас, балки шу билан бирга ҳар қайси нарсанинг ранг бўёғи ёритилишига ва унинг нарсалар орасида туриши ҳамда маконга қараб қандай ўзгаришини ҳам диққат билан ўрганишдан иборатдир. Иссиқ ва совуқ бўёқларнинг нотўғри алмаштирилиши рангнинг сўнишига, унинг ифлосланишига олиб келади. Шунинг учун соя, ярим соя ва акс этишлардаги ранг-баранг чизиқли сўниқ бўёқлардан ташкил топган натюрмортнинг ҳамма белгилари иссиқ бўёқлар касб этади ва шу тарзда ўзининг ўткир ранг-баранг чизиқли товланишини йўқотади.

Дераза олдидаги ёқимли нур бундан мустаснодир, унда қуёш нури тўғридан тўғри натюрмортга тушади ёки жуда иссиқ қуёш ботишидаги ёруғликда ҳам шундай унда нур иссиқ бўёқларга айланади, соялар совуқ бўлиб қолади. Лекин бу сўниқ сояларда одатда дарс хонасининг нарсалари бўшлиқ муҳити акси сифатида иссиқ жилвалар пайдо бўлади.

Бешинчи топшириқ – “қўшимча бўёқларда ишланган натюрморт”. Унинг асосий вазифаси бир-бирига рақобат қиладиган қизил билан яшил рангни, жигарранг билан ҳаво рангни, сариқ ранг билан бинафша рангни уйғунлаштиришдан иборат. Табиатда учта асосий ранг: қизил, сариқ ва ҳаво ранг мавжуд. Қизилни сариқ ранг билан қўшиб жигарранг олинади, сариқни ҳаво ранг билан қўшиб – яшил, қизилни ҳаво ранг билан қўшиб – бинафша ранг ҳосил қилинади. Бу рангларнинг ҳар қайсиси яна ўзининг таъкидли қўшимча рангига эга: қизил рангда – яшил, ҳаво рангда – жигар ранг, сариқда бинафша ранг қўшимчалари бўлади. Ҳар қайси ранг ўзининг қарама-қарши рангини қўзғотади. Бу қонунни аниқроқ тушиниш учун оқ нарсани қизил фонга қўйиб кўрамиз – у яшилроқ тусга киради. Ана шу оқ нарса жигарранг фон (тус)да кўкишроқ бўлиб қолади. Сариқ фон (тус)да эса бинафша ранг қиёфасини олади. Тўқ бўялган фон (тус) ўз ранги аксини нарсага беради, муайян жойларда, улар улар жуда кучли бўлиши мумкин, лекин нарсанинг асосий ранги қўшимча ранга қараб тортади. Лекин қизил ранг туслари жуда

кўп бинобарин ҳар қайси қизил ранг учун қўшимча яшил туслар мавжуд бўлади; қизил қанча қалинроқ бўлса, унинг қўшимча ранги шунча хирарок бўлади; агар қизил жигар ранг мойил бўлса, унинг қўшимча сўниқ – яшил туси ҳаво рангга мойиллашади. Агар қизил сўниқ бўлса, яшил ранг иссиқ бўлади ва х.к. Талабанинг вазифаси алоҳида ранг қоришмалари нур-ҳаво мухитига жойлаштириш йўли билан натюрмортнинг умумий бўёқ тузилишида қўшимча тузилишида қўшимча рангларнинг энг юқори жилосини топишдан иборат.

Қўшимча ранглар қонуни рассомликда ранг уюшмаси ёрқинлигининг уйғунликда яхлит кўринишда бериш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

1-курснинг иккинчи семестрида дастур 4 та топшириқдан иборат: нур қаршисидаги натюрморт ва манзарали тусдаги учта натюрморт.

“Нур қаршисидаги натюрморт”нинг асосий вазифаси нур ва соя, ранг ва тус муносабатларини нурда, сояда, қора нарсада, шу нурда акс беришда нарса рангини ўзгаришларини кўриш ва тасвирлай билишдан иборат. Бу натюрморт одатда паст тагликда бевосита ойна олдида, баъзан дераза тагида жойлаштирилади. Нур қаршисидаги ёритиш натюрморт бутун ранг бўёқларини кескин ўзгартиради. Агар ён томондан ва тўғридан нур тушиб турганда нарсанинг асосий қисми ёритилган, шуъла ўртароқда турган бўлса, акс шаффоф ёритишда нарса бутунлай соя билан қопланади, шуълалар унинг сояларига кучаяди, шарпа нарса теварагида нурланишни ҳосил қилгандек бўлади. Паст баландликда ёрқин рангли ва акси кучли тушадиган нарсалар жойлашган ёруғ сирт яхши кўзга ташланади. Одатда бу натюрмортни ёруғ ва сирланган ялтироқ нарсалардан тайёрлайдилар, чунки нур қаршисида бўёқ қуюқлашади., нарсанинг деярли ҳамма ери қорароқ бўлиб қолади, шунинг учун қора бўёқлар бериш асарни қора чиқишига олиб келади. нур манбаига яқинроқ жойлаштирилган бу иш бошқаларига қараганда кўпроқ ёруғ таъсирига учрайди. Чунончи, бу топшириқни бажаришда иссиқ-совуқ, ёқимли – сўниқ бўёқлар қонуни аввалги натюрмортлардагига нисбатан

якқолроқ бўлади. Бу усул хилма-хил ёритиш (куёш нарида бўлишда ва хоказоларда ёритиш) ҳолатларини синаб кўради, бу эса ишда қўшимча қийинчиликлар туғдиради, уни очиқ манзара (плёнер) шароитига: нур ёрқинлиги, акслар, шуълалар жилваланиши, соялар кескинлиги ва уларнинг бир уриниш давридаги узгарувчанлиги шароитига яқинлаштиради. Бу топшириқ талабани аввалги тапшириқлардагидан фарқ қилувчи янги шароитга солиб қўяди. Бу натюрморт нарсалар ёруғлик – бўшлиқ муҳитига теваарак –атрофга кўпроқ боғлиқ.

Талабани вазифаси натюрмортнинг ўта нозик тузилишини бера билиш ва унинг нур-соя жилвалари орқали ягона яхлитлигига эришишдан иборат.

Шиша бўёқлар: гулдонлар, бўялган ва тиниқ шишадан ишланган идишлар нур қаршисида жуда қизиқ кўринади – бундай натюрмортлар талаба олдига мутлақо янги рассомлик вазифаларини қўяди – у буюмни бетакрор ранг-баранг жилосида кўра билиши керак.

Дераза тағлигига қўйилган натюрмортда нарсаларнинг деразадаги шарпаси янада қуюқро бўлади, уларнинг туси қуюқлашади, хатто оқ нарсалар нур қаршисида ойна орқасидаги бўшлиқдан қоронғироқ кўринадилар. Бу топшириқнинг энг қийин тури деразадан анча узоқда нур-соя муҳитда жойлашган манзара тасвирланган натюрморт ҳисобланади.

Талабанинг вазифаси манзарани натюрмортга бўйсиндириб бу иккисини узвий қўшиб юборишдир. Бу топшириққа очиқ ҳаво (плэнер) да ишланадиган рассомликка ўтиш босқичи сифатида қараш мумкин.

Чекланган макондаги сўнгги натюрморт “Ганчли буюм иштирокидаги натюрморт” бўлиб, у натюрмортлар устида ишлашни ниҳочсига етказди ва одам калласини тасвирлаш босқичига ўтиш ҳисобланади.

“Ганчли буюм иштирокидаги натюрморт” бевосита жонли шакл каллани тасвирлашга ўтишдан олдин ишланади.

Бу топшириқнинг мақсади – ганчли каллани нафис ишлаш, унинг хусусияти, ўлчовларини ҳисобга олиш, одам калласини ҳайкалтарошлик анатомияси билан, уни кучайтиришлар билан амалиётда танишишдан иборат.

Бу топшириқнинг мақсади талабани жонли одам калласини тасвирлашга яинлаштиришдир.

Бу топшириқда ҳажмли маром (жозибали) вазифалардан ташқари калланинг ўзига хос шаклини рассомлик воситалари билан яратиш: унинг хусусияти ва кўринишини бериш, туслар, ёқимли-сўниқли қонунларини ҳисобга олиб ҳажмли ва бўёқли тавсифи, бўёқларни ўзаро таъсири яқинлаштирилган ва қўшимча бўёқлар ҳамда рассомлик саводининг бошқа кўникмаларини намоён этишдан иборат. Бу кўникмаларни талабалар бир мунча оддий натюрмортларда ўзлаштирганлар. Бу топшириқларда шунингдек нур-соя муҳити ва унда нарсаларнинг жойлашганлиги ҳамда ганчдан ишланган калла рангини натюрмортнинг бутун ранглар тузилиши билан боғлаш вазифаси қўйилади.

Бошқа материаллар (ёғоч, тош, темир ва ҳк.)да ишланган ҳайкал каллалари бўлган натюрмортлар бу топшириқнинг бошқа кўринишлари бўлиши мумкин. бу натюрмортларда юқорида айтилган вазифалардан ташқари яна бир вазифа қўйилади: рассомлик воситалари билан ҳайкалларнинг хом ашёларини ҳам тасвирлаб бериш керак бўлади.

Манзарали тусдаги натюрмортлар

Дастурнинг услубийлиги юқори малакали манзарали амалий санъат рассомларини шакллантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида ўқувчиларни рассомликка ўргатишни назарда тутди.

Рассомлик санъати кафедраси ўз ишида ўзбек, рус ва жаҳон ҳаққоний тасвирлаш мактаби анъаналарига таянади. Бу анъаналарни бизнинг рассомлик санъати амалиёти ҳаётига олиб кираётган барча илғор янгиликлар билан тўхтовсиз бойитиб боради, санъатдаги ҳар хил бетартиб (реакцион) йўналишлар таъсирига қарши курашади. Шу билан бирга манзарали – амалий рассомликка ихтисослашувнинг ўзига хос хусусияти илмий манбага таянган ҳолда рассомликнинг ўқитишга муайян таъсир кўрсатади. Манзарали натюрмортни ишлашда газламалар сопол идишлар, нақш кашталар, палак ва

шу каби манзарали амалий санъат буюмларини ишлатишнинг ўзиёқ ёрқин манзарали натюрмортни вужудга келтиради. талабаларни бўёқлар ва ҳайкалтарошлик санъатининг умумий уйғунлиги, ўткир, таъсирчан композиция вазифалари устида кўпроқ ўйлашга, изланишга мажбур этади. Талабаларда ҳажмли – маконли тафаккурни ривожлантиришга қаратилган асосий вазифалардан ташқари илмий (аслига ўхшаш) рассомлик дастури манзара хусусиятидаги бир қанча вазифаларни ҳам назарда тутати. Булар манзарали муҳитдаги кийинган шакл қиёфаси, тасвирни бадиий қайта ишлаш куллийётидаги миниатюра ва бошқалардир. Бу топшириқларда ўқувчилар олдида асарни яъни талаба асардаги умумий ранг қурилишини умумийлигига эришиш, ҳажм ва маконни аниқ-пухта қилиб хал этиши тасвирий қисқаришлар бир текислигини наққошликда фойдаланишни кучайтириш лозим бўлади.

Бу топшириқлар устида ишлаш талабаларнинг бўёқларининг жилваланишига ўткир таъсирчан композицияга аслига нисбатан жонлироқ ижодий ёндашишга ўргатади, манзаралилик ва ижодий ҳаёлотни ривожлантиради, бу эса амалий – манзарали санъат соҳасидаги рассомликнинг шакилланиши учун зарурдир. Илмий услубга таянган рассомлик дастури бу топшириқларни мантиқан изчил равишда мураккаблашиб боришини назарда тутати. Бу мавзудаги дастлабки топшириқлар аниқ ифодаланган ёрқин бўёқли суратлар қора нарсалар ёрдамида бажарилади. Кейин ёрқин бўялган кучли иссиқ ёки совуқ ранг фон (тус)га ишлатилади. Манзаралиликнинг айрим белгилари киритилиши кучайтириб борилади: натюрмортлар (гулдон ва нақшли нарса ва матолар) фон (тус) да ишланади. Бу мавзудаги топшириқлар талабалар ишларида манзаралиликни тақозо этади.

Мақсад талабаларнинг ёрқин ранглар уйғунлиги асосида манзарали тусдаги натюрморт яратишдир. “Композициядаги ёрқинлик шуки, бир шакилга қараганингда, у бошқаларга жавоб бераётган бўлади, яъни ҳамма биргалашиб ашула айтаётгандек”, деган эди, П. Чистаков. 1-курс 2-

семестридаги учта охирги топшириқ “Манзарали натюрморт” габағишланади. Уларнинг асосий вазифаси – мураккаб бўёқларда ишланган асарни ҳамма рангларда уйғунлаштириш, ҳажм ва макон вазифасини аниқ ҳамда пухта ҳал этиш, суратлар бир текислиги ва нақшлилигини кучайтиришдан иборат.

Манзарали – амалий ихтисослашувнинг ўзига хос хусусиятига жавоб берувчи бу топшириқ талабада манзарали тафаккурни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, талабани бўёқларнинг манзарали жилваларига, чизиқли расмлар таъсирчан композиция кўникмаларига ўргатади, аслига нисбатан жонлироқ асар яратишда ижодий ёндашишни назарда тутаяди.

Манзарали натюрморт тузиш

Унинг кўринишлари жуда хилма-хил: иссиқ бўёқларда ишланган “манзарали натюрморт”, ёрқин нарсаларнинг қора (тус)даги расми, нур тўғридан тушади. Совуқ бўёқларда ишланган “манзарали натюрморт”, қора нарсаларнинг ёруғ фондаги расми, нур тўғридан тушади. Нақшли фон (тус)да “манзарали натюрморт”, нур тўғридан тушади. Манзарали натюрмортлар ҳохлаган бўёқларда қарама-қарши иссиқ совуқ, қўшимча, ҳатто яқинлаштирилган бўёқларда бажарилиши мумкин. Тепаликнинг баландлиги ҳар хил. Ҳатто кенг маконли натюрморт бўлиши мумкин. Ҳаммаси қўйилган вазифалар ва уларнинг қандай ҳал қилинганлигига боғлиқ. Энг мураккаб натюрморт – қарама-қарши бўёқли нақшлари кўп, фон (тус)га ҳам нарсаларнинг ўзига ҳам жимжималар ишланган натюрморт ҳисобланади. Талабанинг вазифаси барча таркибий қисмлар ва гулларни яхлит қилиб уйғунлаштиришдан иборат.

Манзарали натюрмортнинг ўзига хос хусусияти

Манзарали натюрмортда нур-ҳаво муҳити, кўриниш нарсаларнинг жойлаштирилиши, майдончадаги нарсаларнинг акси ва табиий тегиб туриши каби ҳамма вазифалар манзарали тусдаги вазифаларнинг олдига тушолмайди. Бу вазифалар нарсаларнинг жой-жойдалиги, расмларнинг аниқлиги,

маконнинг чекланганлиги, ёрқин бўёқларнинг таъсирчанлиги, гулларга бойлиги, бир текислиги, вазмин композиция ва умумий уйғунликдан иборат.

Манзарали натюрморт ўзига хос хусусиятга эга. У ўзининг айрим томонлари билан аввалги топшириқлардан кескин фарқ қилади, шу билан бирга талабанинг аввалги натюрморт дарсларида ўзлаштирилган рассомлик саводи (натюрморт тузиш) қонунлари билан чамбарчас боғланган мантиқан ана шу қонунлардан келиб чиқади. Талабалар олдинги топшириқларда иш олиб борган ранглар, бўёқлар расмлар композициялар, яхлит кўриш, уйғунлик, умумий бўёқлар каби тушунчаларнинг ҳаммаси манзарали натюрмортни ишлаш услубида аввалгидек аҳамиятли бўлиб қолаверади. Манзарали натюрмортда композиция яхлит кўра билиш, умумий ранглар ва ҳажмли шакллар уйғунлиги вазифалари биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ранг ва бўёқлар қуюқроқ бўлиб қолади; чунки улар қўшни нарсалар акси тушиб хиралашганда, бўшлиқ муҳитга қўшилиб кетмаган. Нарсалар бой ранг ва бўёқлар ёрқинлигига эга бўлади. Шунинг учун ранг ва бўёқ доғлари аниқлиги кучаяди, нарсаларнинг расми равшан сезила бошлайди, буларнинг ҳаммаси асарнинг яхлитлиги ва жилоси таъсирчанлигининг вужудга келтиради. Расм чизиш бўйича бошқа топшириқлардагига ўхшаб бунда ҳам бўёқ биринчи даражали аҳамиятга эга. Манзарали натюрморт бўёқлари мураккаб бўлиши, умумий уйғунлик, ёрқинликка эришиш учун ранг қоришмалари аниқ топилган бўлиши керак. Талабанинг натюрмортдаги бой бўёқларни кўра олиш ва кўрсата билиш қобилияти асарнинг ёрқинлиги билан белгиланади. Бироқ манзарали натюрмортда ўзининг алоҳида хусусиятлари бор: безаш, рангларни яхлитлиги бу хусусиятлар фақат ана шу манзарали топшириқ учун хосдир.

Текисланганлик тушунчаси (яссиликни)ни тасвирлаш манзарали натюрмортда биринчи даражали аҳамият касб этади. Бироз ранги хиралашганлик ҳолатидаги нарсалардаги соялар, умумий бўёқ кучини бузмайди. Нарсалар аниқ ифодаланган силует (шарпа) ҳисобига расмга

караганда кўпроқ чизилганга ўхшаб қолади. Шуълалар ва тушаётган соялар майинлашади ёки деярли йўқолади. Нарсанинг ҳажми, шакли худди қабариб чиққандек ишланади – ҳаммаси ясалган бўлади, лекин бўртиб турмайди, ҳаммаси бироз яссиланиб умуман текисланган бўлади. Шунингдек маконга муносабат ҳам ўзгариб кетади. Ҳамма нарсалар томошабинга яқинлашаётгандек бўлади, бундан натюрморт манзарали қўшимчага яқинлашиб тасвир ифодаси деярли бир юзага ишлангандек чиқади.

Ҳажм ва маконнинг қисқа ва аниқ ишланиши “Манзарали натюрморт” учун характерлидир. Расм кўпроқ жонли бўлиши учун баъзан контур чизик (шаклни ифодаловчи нукталардан иборат чизик) ишлатилади.

У нарсанинг умумий қоматини, кўринишини (шарпасини) таъкидлаб туради. Чекка чизик натюрморт бўёқларига қараб хоҳлаган рангда бўлиши мумкин. Масалан: қўшимча ранг чекка чизиғи бир-бирига зид рангларни кучайтиради, шунингдек у чекка чизик таъкидлаб кўрсатилаётган нарса рангини яна ҳам аниқлаб жонлантиради. “Контур – чекка чизикларни қўллаш жонли шаклни ўрганиш натижасидир” деган эди П. Чистяков.

Манзарали натюрмортни ишлашнинг муҳим белгиларидан бири тасвирга безак (нақш, гул) ишлашдир, безак нақшлар фон (тус)га ҳам нарсаларнинг ўзига ҳам ишланади. Ранги жонли, бўёқларга бой нақш бутун натюрмортнинг чизикли бир текислигига сингиб кетади ва улар билан тасвирда яхлит уйғун композиция ҳосил қилади.

Манзарали натюрмортни ишлаш

“Манзарали натюрморт” топшириғи устидаги иш аввалги топшириқлардаги тартибда аслига қараб тасвирлаш қоидасига қараб олиб борилади.

Бўёқлар мураккаблиги, композиция уйғунлиги, умумий хилма-хил рангларга аввалгидек аҳамият берилади. Ранг ва бўёқ янада бойроқ бўлиб қолади, шарпалар яққолроқ кўзга ташланади, бунга нарсалар бир мунча аниқ ифодаланиш ҳисобига эришилади. Расмнинг бир мунча яққоллиги нур ҳаво муҳитига сингиб кетмаган нарсалар шарпасини ўзига хос тарзда кўрсатади.

П.Гоген “Аввал ва кейин” деган китобида шундай ёзган эди: “Ҳар бир нарсанинг шарпасига эътиборли бўлинг: шаклни аниқ чиқиши – қўлни сира ҳам ўз холига ташлаб қўймаслиги натижасидир”. Қўшимча рангларнинг кескин фарқ қилиши асосида асарда жуда аниқликка эришиш мумкин. қўшимча рангнинг контур чизиғи ҳам натюрмортнинг асосий бўёқларини шундай жойлаштиради.

Натюрмортда ранглар ва чизиқлар бир текислигига сингиб кетадиган безакдан фойдаланиш яхлит уйғун композиция яратади, шунингдек ҳажм ва макон текис чиқади, бу топшириқни манзарали қўшимчани ҳал этишга яқинлаштиради.

Талабанинг асосий эътиборини натюрмортнинг ранг тузилишининг уйғунлаштиришга қаратилган, бундай бой ранглар, безак, ўткир расм ва таъсирчан композиция умумий уйғунликка, ягона жозибага бўйсиндирилган бўлади. Манзара ҳисини ривожлантириш амалий-манзарали ва миниатюра санъати рассомлари учун зарурдир.

“Манзарали натюрморт” топшириқлари устида ишланганда талабалар асосий манзара қоидалари билан илк бор танишадилар, бу қоидаларни улар кейинги манзарали тусдаги бошқа топшириқлар устида ишлаганда ўзлаштириб давом эттирадилар ва уни чуқурлаштирадилар.

“Маконли тусдаги натюрмортлар”

Маконли тусдаги натюрморт топшириқлари устидаги иш талабаларнинг рассомлик саводи асослари негизида қурилади. Бу асосларни улар чекланган маконли асарлари устидаги амалий ишлари жараёнида эгаллаган эдилар. Маконли натюрморт топшириқларида талабалар амалда чизиқли ва бўшлиқ манзара қонунларини, томошабиндан узоқлашган сайин нарса ва унинг рангида бўладиган ўзгаришларни ўрганадилар. Бу топшириқларда нарса муҳити энг муҳим вазифалар бўлиб қолади, бу вазифалар билан талабалар чекланган маконли натюрморт устида ишлаганда танишган эдилар, лекин маконли тусдаги натюрморт топшириқларида бу муаммолар биринчи даражали аҳамият касб этади. Э. Делакура рассомликда

муҳитнинг мавқеини шундай таърифлаган эди: “Биз атрофдаги нарсаларга, хоҳ манзара хоҳ интерьер бўлсин, қараган вақтимизда улар орасида қандайдир боғлаб турувчи нарса борлигини пайқаймиз, бу уларнинг ўраб турган муҳити ва ҳар хил акс этишлар оқибати ҳисобланади, улар агар шундай дейиш мумкин бўлса, ҳар бир қандайдир умумий уйғунликка олиб келади. У ўзига хос мафтункорлик бағишлайди, суратларни бусиз тасаввур қилиб бўлмайди.”

Кенг маконли натюрмортлар маконни тасвирлаш вазифалари билан боғлиқ дастлабки топшириқлардир.

Маконли натюрморт

1. Биринчи режа (план) ёритилган;
2. Иккинчи режа (план) сояда (ён томондан ёритилган)

Бу топшириқларнинг ҳар қайсиси мазкур ишда олдинга қўйилган вазифани аниқ ифодалаши керак.

Чунончи, олдиндан режа (план)да ёритилган натюрмортда биринчи режадаги таркибий қисмларни шундай танлаш керакки, иккинчи режага ранглар ва бўёқлар “тушиб турмасин”. Масалан: биринчи режада фақат жуда ёрқин нарсалардан ташкил топган ранглар, иккинчи режада бутунлай қора нарсалардан иборат ранглар биринчи режанинг иккинчисига нисбатан ёрқин ранглар билан ажралиб туриши талабаларнинг ишларида ранглар тузилишини ифодалаш таъсирчан чиқишини белгилайди.

Бу натюрмортда иссиқ ранглар ҳусусиятидан фойдаланиш мумкин. Бу хил ранглар томошабинга яқинлашиб кетади, совуқ ранглардан ҳам фойдаланиш мумкин, улар маконга сингиб кетади. Агар биринчи режа иссиқ ранглардан, иккинчиси совуқ бўёқлардан тузилса (бу ерда режа ибораси буюмларни бизни кўзимизга яқинлиги ёки аксинча узоқлиги назарда тутилган) бунда талабаларнинг ишларида маконни бера олиш вазифаларини бажаришга ёрдамлашади. ён томондан ёритиш нур-соя воситалари билан нарсалар ҳажмини беришга кучли таъсир этади. Ўқувчилар ишларидаги

маконни биринчи ва иккинчи даражали режа соя ва нурларнинг кескин фарқ қилишида ҳам кўрсатиш мумкин.

Макон топшириқлари қўйилганда ранг ва бўёқ вазифаларидан ташқари натюрморт таркибий қисмларини шундай танлаш керакки, биринчи режадаги нарсаларнинг ҳажми, шакли ва туси иккинчи режа ҳажмлари ва маромларидан кескин фарқ қиладиган бўлсин.

Бундан ташқари режалардан бири (кўпинча биринчи режа ҳажми, ранги, маъноси ва хоказолар бўйича устин бўлиши керак – бошқа режа доимо бўйсиниши лозим.)

Режаларнинг ранг, ҳажмли шакллар аҳамияти бўйича бир хиллиги натюрморт композициясини таъсирчанлигини бузади.

Маконли натюрморт, гулли фон (тус)

(ён томондан ёритиш)

Бу натюрморт нурга тўғри қўйилади, гулли фон (тус)да томошабиндан бир оз нарида бўлади.

Талабалар вазифаси натюрмортни маконга жойлаб рассомлик воситалари билан уни тасвирлашдан иборат. Бу топшириқнинг энг қийин томони шундаки, гулли тусни ўзига хос тарзда чизиш керак, токи у натюрморт билан маконга сингиб кетсин, унинг гуллари муҳитга узвий боғланиб кетсин, томошабиндан қанча масофа турган бўлса, шундай ораликда кўринсин. Маконли тусдаги ҳамма натюрмортларнинг асосий вазифаси нур-ҳаво муҳити орасидаги нарсаларни бера билишдир. Талабалар амалда бўшлиқ манзара қонунларини, шунингдек нарсалар узоқлашган сари уларнинг ҳажми ўзгаришини ўзлаштиришлари керак. Бу натюрмортларда талабалар ўзлаштирган билим ва кўникмаларини мустахкамлайдилар ва уларни маконли вазифаларни хал этиш борасида янада ривожлантирадилар. Амалий ишда бу топшириқлардан фарқи композицияни хал этишда кўринади: нарсалар ҳажми ўзгаради, ҳамма нарсалар майдароқ бўлиб дарс хонаси интерьерига таркибий қисм сифатида узвий кириб кетади. Композиция турли нуқталардан хилма-хил бўлиб кўринади, чунки бу

шароитда интерьер таркибий бўлакларини: иш дастгоҳлари, тагкурсилар, эшиклар, деразалар ва хоказоларни яхлит холда қизиқарли жойлаштириш бўлади.

Бундай ишларда ҳар қайси ўқувчининг ижодий тасаввури (фантазияси) кучлироқ намоён бўлади. Масалан: орқа режага бошқа нарсани ёки ишлаётган талабани жойлаштириш мумкин. Лекин ҳамма холларда шундай композиция ва тасвирнинг шундай ҳажмини топиш керакки, унда натюрморт асосий бўлиб қолиши, атрофдаги нарсалар эса унга иккинчи даражали фон ва муҳит бўлиб хизмат қилиши лозим. Бундай ишларда ҳар қайси ўқувчининг ижодий тасаввури (фантазияси) кучлироқ намоён бўлади.

Интерьер бўшлиғини кўрсатишда ёритиш катта аҳамиятга эга: у нарсалар ранги ва бўёқлари талқинига таъсир қилади, макон вазифаларини хал этишга ёрдамлашади. Чунончи, биринчи режада ёрқин ёритилганда иккинчи ва учинчи режа интерьернинг хиралашган муҳитида қолгандек бўлади. Ҳажмнинг кичикроқ бўлиши натюрморт яхлитроқ чиқишига олиб келади: ранг ва бўёқларнинг кескин фарқ қилиши, ёруғ ва соя томонларнинг аниқ кўриниш, кучли акс беришлар – ҳаммаси бир оз камаяди. Муҳитнинг умумий туси билан бирлашади ва атроф макон билан боғланиб кетади. Нрсалар томошабиндан қанча узоқда жойлашган бўлса, уларга нур-ҳаво муҳити қонунлари шунчалик кучли таъсир қилади, нарса қанча яқин бўлса, маҳаллий ранг шунчалик ёрқинроқ бўлади. Бу натюрмортларда талабалар макон тусидаги вазифалар билан биринчи марта танишадилар, уларни бажариш кўникмалари ва тажрибасига эга бўладилар. Бу топшириқлар натюрморт билан интерьер ўртасидаги оралиқ ҳисобланади. Кейинчалик, интерьерда одам шакли мавзусидаги топшириқни бажаришда ривожлантирадилар.

Акварел (сувда қориладиган бўёқ) сувли бўёқлар билан ишланадиган тасвирий сурат турларидан бири ҳисобланади. Акварель қадим замонлардан маълум эди. Миср папирусларида Моварауннахр мўъжаз (минатюра) тасвирларида ва Византия миниатюраларида ҳам акварель ишлатилган.

Дюрер аквареллари ўрта асирлардан буён маълум. Уйғониш даврларида акварел кўпинча фрескаларга ва дастгоҳли санъатга ҳомаки сурат (эскиз)лар ишлаш учун фойдаланилган. Бехзод, Рафаэль, Рубенс ва бошқа рассомларнинг акварел бўёқ билан ишлаган расмлари сақланиб қолган.

Озарбайжонлик минатюрочи ва хуснихат устаси Содикбек Афшарий ўз тажрибалари тарихи китобида 12 асрда сувли ранг-бўёқлар ҳақида шундай ёзади: «Агар сен, сувли краска тайёрлашингда, елим кам қўшилган бўлса, бундай рангбўёқ қуригач тўкилиб кетади, борди-ю елимни ҳаддан зиёд қўшиб қўйилган бўлса, ранг бўёқ қуриб елим юзага чиқиб қолади. Демак, меёрини топиб олишининг керакдир» А.Ю. Қозиев (қўлёзма китобларни безаш китоби 13-18 аср) Содикбек яна шуни маълум қилади. «Агар ишлаган ишингни кимдир ёғлиқ қўли билан ушлаб олди дейлик, сенуни аста-секин суякдан олинган елим билан ювиб ташлагин ва қуригач устидан ўша аввалги ранг бўёқ билан қопла, ранг бўёқ ўз аслига келгандан сўнг текислаб қўй.»

Ёғлиқ доғларни олиб ташлайдиган яна бошқа усуллар ҳам бор деб ёзади. 16-17 аср хуснихат устаси Мир Имад Казвин «Одаб ул-машқ» номли китобида: «Озгина ўлмаган оҳакни олиб, доғ бўлган ерга сепилади, устидан тоза оқ қоғоз қўйиб, текис тош билан бостириб қўйилади, қарабсизки бироз вақт ўтгач доғли жой ўз аслига келиб қолади». Булардан бизга шу нарса маълумки, сувли бўёқлар билан Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан мулоқатда бўлганлар, аммо диний ақидаларни нотўғри талқини туфайли, ранг-тасвир давомчилари камайиб кетган. Европада 17 асрдан бошлабгина, акварел Моварауннахр –Бухоро, Самарқанд минатюра мактаблари.Навоий даврида аввал Англияда, 19 аср бошидан эса Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам рассомликнинг мустақил тури бўлиб қолади. Акварел рассомлиги Россияда жуда бой анъаналарига эга. У Россияда 18 асрда пайдо бўлади. 19 аср бошидан эса А.А.Иванов, К.И.Брюлов, Федотовлар асарларида юксак даражада ривожланади. 1880 йилда Россияда биринчи «Акварелчи рассомлар жамияти»га асос солинган эди. Бу жамият ҳар йили акварелчи рассомларнинг кўргазмаларини ўтказиб туради. Рус рассомчилигининг

И.Е.Репин, И.Суриков, А.Серева ва М.А.Врубель, И.Левитон ва бошқа ҳамма ажойиб усталар санъатининг турли жанрларида акварел рассомчилигининг дурдоналарини яратганлар. 19 аср охири 20-аср бошларида акварел рассомлигида хилма хил ижодий оқимлар жуда кўп эди. Улар ҳаммаси бир бўлиб Россия акварел рассомчилигини ривожлантиришга таъсир қилган. Бизнинг давримизда акварел мустақил яхшигина ишлаб чиқилган ҳам ашё ҳисобланади. Бугунги кунда ўзбек рангтасвир усталарининг кўпчилиги акварелда ижод намуналарини яратмоқдалар.

«Акварел кўзни аниқ бўёққа, қўлни тўғри ва дадил мўй қалам тортишга, ақилни эса ранг қонунларини ҳисоб-китоб қилиш ва чуқур тушунишга ўргатиши керак», -деган эди П.П.Чистяков. Биринчи курсда ранг тасвирчи рассомликка ўргатиш акварелдан бошланади.

Акварел билан ишлашни яхши мустаҳкам қоғозда амалга ошириш, қоғоз планшет (тахтача)га албатта тортилган (елимланган) бўлиши керак.

Иш катталиги одатда 60 х 80 см ҳажимдаги қоғоз варағида бўлади. Акварел қоғози маҳкам бўлиши, бир неча қатлам суртиб расм солишга чидаши, юваётганда бужмайиб кетмаслиги керак. Юпқа, сувни ўзига оладиган қоғоз акварелда узоқ ишлаш учун ярамайди. Акварел рассомлиги учун энг яхши маркали қоғоз ватман ҳисобланади.

Акварел мўйқаламлари майин, ўткир учли юмшоқ бўлиши керак. Улар учун колонок (ёввойи ҳайвон) ҳили энг яхши ашё ҳисобланади. Акварел бўёқлари сувда эримайди. Бу ҳол юпқа қоғозга ишлов беришда алоҳида тиниқлик боғишлайди. Қоғоз сиртига бир мунча қулоқ ранг берилса унда акварел тугайди (иш бузилади).

Акварел усулидаги яна бошқа бир қийинчилик акварелда кўп қатлам бўёқ суртиб уни тузатишлар қилишликдadir. Иш қатъий муайян тартибда олиб борилади. Олдин бир мунча ёруғ ранглар берилади, очик қолади. Кегин аста-секин тобора қулоқ ранглар берила боради. Тузатишлар қилмаслик учун, тасвирда аниқ чизиб иш пухта ўйланган ҳолда очиб берилиши керак. Ёруғ жойлар бўёғини ниҳоятда аниқлик билан олишга

ҳаракат қилиш лозим. Ишнинг асосий ранг бўёғини тасвирини аниқлаб олиш учун кичикроқ ҳажимда бўёқда дастлабки этюд қилиб кўриш лозим.

Бундай этюд узоқ давом этадиган ишда ранг ва бўёқларни бир мунча аниқ топишга ёрдам беради. Акварелда узоқ ишни услубий олиб бориш учун лессеровкалар (қуриган жойларга юпка бўёқ бериш) қўлланилади. Лессеровкалардан фойдаланиб бирмунча аниқ рангни топиши мумкин, бунда бир бўёқ қатлами устига иккинчиси усталлик билан қоплаб берилади, бўёқ ифлосланмаслиги учун уч хилдан ортиқ бўёқни аралаштирмаслик керак.

Бу ҳолатда лессеровкалар ёрдам беради. Лекин лессеровкаларни ишлатишнинг махсус тартиб қонунлари бор. Лессеровка усули бўёқлар тиниқлигига асосланган, ана шу тиниқлик туфайли улар тагигача кўриниб туради. Бу ҳислат рангларни зўрайтиради. Лессеровка – бу умумлаштирувчи, ранглар ўйғунлиги усули, бой ранглар, ёрқин акс беришларга тўла қуюқ соялар усули айниқса «очик ҳаво»да рассомчилик юмшоқ фазо (бўшлиқ) план (режа)лари усулидир. Этюд устида ишлаш пайтида баъзан айрим жойларни ювишга ёки рангини юмшатишга тўғри келади. Бунинг учун губка (юмшоқ ишқалагич) ишлатилади. Лекин тузатишларга ҳам эҳтиёжлик билан муносабатда бўлиши керак, акварел асарнинг янгилигича, бўёқ қатламни тиниқлигига путр етказмаслик лозим (акварел озодалиги билан чиройли).Акварел усулида ишни деталлаштириш ҳам осон эмас.

У бадий тасаввурда аниқликни, ранг беришда ниҳоятда пухталиқни ва нарса ҳажимли шаклни зўр билишини тақозо этади.

Тафсилотлар енгил туширилиш аниқ, ишончли чиқиши керак.

Ана шундагина у нарсанинг бадий таъсирчанлигига жавоб беради. Тансилот бўёғи жуда аниқ бўлиши лозим, чунки акварел усулида тузатишлар қилиш мумкин эмас. Буюмни бир йўла бўёқ бериб ишлашга ҳаракат қилиш лозим. Бир неча йўла қайта тузатилган жойлар ўзининг ўткир тасвирий рангларини йўқотади, бу ҳол бутун ишнинг сифатини бузади.

Қисимлаштиришнинг техник усули мўйқалам тартиб бўёқ бериш ҳисобланади, мўйқалам тортилаётган бўёқ рангидан ташқари унинг йўналишига ҳам эътибор бериш лозим. Шаклни кўпроқ таъкидлаг учун штрих (ингичка чизик) ишлатилади.

У мўйқаламнинг ўтқир учида берилади, унинг ёрдамида ишдаги майда деталлар тасвирланади.

Акварелдаги қисқа муддатли этюдлар учун ҳўллигида ишлаш усулини қўллаган яхши. Бу усулда тасвирланиш жиҳатидан жуда қизиқарли иш чиқади, бўёқлар таъсирчан қўйилган бўлади.

Бу усул бир бўёқ қатламини иккинчисига қўйиш қондасига асосланган бўлиб, нозик ранг ёғдуларини жилосини мужассамлаштиради. Акварел усули бу ишни тез бажариш ва рангларни яхши сезиш билан биргаликда олиб бориладиган иш усулидур.

Акварелни яхши билиш. бу ишни яхши чиқишига кафолат бўлиши демакдур. Акварел бўёғида ишлаш, жуда завқли, унинг жилваси ишлаётган рассом жилвасига, унинг чехраси очиқ бўлишига бир ишорадур.

Натюрмортни тузиш бўйича асосий тавсиялар

Фазовий – йиғимлик ечими

Ҳар бир топшириқ қўйишни натюрмортнинг асосий мавзусига аниқ жавоб бериши, ўзига тегишли вазифаларга ўқитиладиган рассомлик санъати дастурига мувофиқ бўлиши керак. Натюрмортларни тузишга таъсирчанлиги асос қилиб олиши керак; натюрмортни ташкил қилувчи ҳамма нарсаларни иложи борица шакли ва муносабатлиги жиҳатидан хилма-хил қилиб олиш, унинг ҳамма таркибий қисмлари бир-биридан кескин фарқ қилиши керак. Таъсирчанликнинг асосий воситаларидан бири аниқ ва пухталиқдир. Натюрмортнинг ҳар бир белгиси ўз олдига қўйилган вазифаси, у хоҳ асосий бўлсин, хоҳ иккинчи даражали вазифа бўлсин, унсурлар талабга мувофиқ ўрнашиши керак.

Натюрмортда нарсалар кўпайиб кетмаслиги лозим, чунки ортиқча унсур асосий муҳим нарсанинг қабул қилинишини сусайтиради, умумий композиция уйғунлигини беради. Натюрмортни тузиш карама-каршиликларнинг кескин фарқ қилишининг ўзаро таъсири асосига яхлит уйғунлиги бирга бўлган ҳолда қурилиши керак.. Натюрморт композицияси асосида унинг алоҳида қисмлари мувозаноти ётади, бунда натюрмортни ташкил қилувчи нарсаларгина эмас, балки у билан бирга тасвирланаётган манонинг бир қисми ҳам ҳисобга олинади. Ҳар бир натюрмортда композицион марказ бўлиши керак, яъни мазкур асарнинг моҳияти ғоясини ифодаловчи асосий нарса бўлиши керак. Ҳажмли шакллар жиҳатидан бу, одатда натюрмортнинг энг катта ҳажми ҳисобланади, у барча таркибий қисмларидан устунлик қилиб туради. Одатда бу нарса ўқи бўйлаб натюрмортнинг тик ўқи бўлиб хизмат қилади. Натюрмортнинг ёрқин тузилишида асосий марказий бўёқ доғининг ажратиб кўрсатиш унинг атрофида эса бошқа рангларни тақсимлаб т шундай тенглаштириш керакки, томошабинни эътибори аввал ана шу асосий ранг доғда бўлиши керак. Натюрмортнинг ана шундай асосий ҳажмли шакллар ва рангли маркази бўлиб фақат битта нарса эмас, балки нарсалар гуруҳи хизмат қилиши ҳам мумкин.

Натюрмортнинг бутун композицияси ранг ва ҳажмли шаклларнинг муносабатлиги муайян маромда қурилади, улар бир бўлиб натюрмортнинг асосий композицион мақсадни ифодаловчи ягона бир тизимни ташкил этади. Натюрмортларни композицион қуриш муқобиллари ниҳоятда ҳилма-хилдир. Чунончи, айтайлик, натюрмортдаги ҳамма нарсалар бирон-бир геометрик шакл: учбурчак, пирамида, айлана ва ҳақозо шаклни олган бўлиши, диаганал турган бўлиши, ётиқ ёки тикроқ бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Ҳар бир натюрморт муайян ёрқин бўёқларда ишланади, у мазкур топшириққа жавоб беради.

рангларни уйғунлиги қатъий ўйланган бўлиши керак, чунки натюрмортга сингдирилган ранглар уйғунлиги талабалар ишларинг ранглар

уйғунлигини белгилайди. Натюрморт ишлаш учун ўйланган муайян ёрқин ранглар вазифани яхлит жозибали чиқишини белгилайди.

Натюрмортга берилган рангларда ёрқин бўёқ таъкидлари яққол кўриниб туриши керак, шунингдек бу ишдаги энг иссиқ ва совуқ ранглар икки қутб сифатида барча оралиқ рангларни ушлаб туриши керак.

Натюрмортнинг энг ёрқин рангларидан энг қорасигача бўлган ранглар тузилиши худди шундай тақсимланади. Бу ранг ва тусларнинг бутун товланиши натюрмортнинг умумий композицион қурилишига чамбарчас боғланиб бир текисдаги муайян таъкидларни ҳосил қилади, чизикли ва ҳажмли шакиллар билан узвий боғланиб кетади. Натюрмортнинг ҳамма ранглари аниқ «ўқиладиган» бўлиши, яъни ранг ва бўёқларни ажралиб туриши керак. Нарсаларнинг яққол кўринишига натюрморт туси таъсир қилади, масалан ёрқин нарсаларни янада ёрқинроқ кўрсатиш учун қора фон (тус) ёрдам беради ва аксинча. Қўшимча ранг фони (туси) нарса рангини таъкидлаб кўрсатади, яқинлаштирилган ранг фони (туси) нарсани бўшлиқда узоқлаштиради. Фон (тус) иштирокида натюрмортларни қўйишда унинг мазмун ифодаси катта роль ўйнайди, у натюрмортни ташкил этган нарсаларнинг ранг ва тус хусусиятларини кўпроқ бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади.

Натюрмортни қўйишда макон вазифалари ўқитиладиган рассомлик дастуридан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Масалан; айтайлик узоқ маконда кўрсатиш нур-ҳаво муҳитини оқилона топиш қондаси асосида бўлади, манзарали тусдаги натюрмортлар эса одатда чекланган маконга эга бўлади. Ҳар қайси нарса (беистисно ҳамма топшириқларда) маконда ўзининг муайян жойига эга бўлади.

Шундай қилиб, натюрмортнинг ҳамма таркибий қисми бутун натюрмортнинг текис композициясига бўйсиниб, нарсаларнинг изчил равишда жойлаштирилишида қатнашади. Ёритиш ҳам натюрмортни қўйишда муҳим роль ўйнайди, хилма-хил ёритиш нарсалар ранги ва тусини талқин қилишда туб ўзгариш киритади. Чунончи, ён томондан тушадиган

ёруғлик нур оқимтир ва қорамтир бўёқлар воситасида нарсаларнинг хажмини кўрсатиб бериш учун кўпроқ шароит яратади, тўғридан тушадиган ёруғлик манзарали тустдаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради, қарши нур талабалар олдига нур-ҳаво муҳити вазифаларини қўяди.

Натюрмортларни яратишда тагкурси сатҳини паст-баландлиги баъзида хилма-хилликлар яратади, яъни натюрморт қўйиладиган тагкурси турлича баландликда нарсаларни ҳар хил узоқликдан кичрайтириб қўриш имконияти талабаларнинг ишларида янги композицион муқобилларни яратади. Рангли ва ҳажмли шакллардан ташқари натюрмортлар ўзининг мавзулари билан ажралиб туриши мумкин.

Уларнинг буюмлари ўсимлик ва мевалар, амалий-манзарали ва халқ санъати асарларини, одамларнинг уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ва спорт жиҳозлари ва ҳоказолардир.

Ўқув натюрморти мавзулари, ижодий натюрмортга солиштирганда бир мунча шартли тусда бўлади.

Ўқув натюрмортларида нарсаларни танлаш ва уларнинг ҳажмли шакиллар алоқаси ўқув мақсадидан келиб чиқади, улар асосан мазкур топшириқда қўйилган муайян касб вазифаларини ҳал этишга талабаларнинг касб саводи кўникмаларини ўзлаштиришларига қаратилган бўлади. Бироқ бу топшириқларда ҳам нарсалар алоқаси бузилмаслиги керак.

Натюрмортни ташкил этувчи ҳамма таркибий қисмлар ягона услубда сақланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Натюрмортларни яратишда ўқувчилар сонини ҳисобга олиш керак ва талабалар иши учун иложи борича кўпроқ композицион жиҳатидан қизиқ нуқталар яратишга ҳаракат қилиши лозим. Натюрмортлар тузаётганда улар тушириладиган қоғоз ҳажми тўғрисида, уларнинг ушбу ҳажмига тўғри келиши ва қамрови тўғрисида ўйлаш керак, ранг ва туси хилма-хил бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ранглар уйғунлиги билан бирлашган ягона ажралмас яхлит куй таратувчи нарсанинг жозибасини ташкил этиши лозим. Сиз ҳар хил мусиқа асбобларидан

таралаётган умумий куй сеҳрига бир эътибор бериб кўрингчи. Шунга мувофиқ натюрморт рангини умумий оҳанги бир мақсад, умумий ранг аслининг моҳияти жилва сочиб туриши керак. 15 асирнинг ўрталаридаёқ флоренциялик рассом Ченнино Ченнини рассомлик санъати бўйича асарида ўзига қараб ишлашнинг биринчи даражали аҳамияти тўғрисида ёзган эди: «Эсингда бўлсин, санъатга зафар дарвозаси орқали киришда энг яхши етакчи йўл-бу ўзига қараб расм чизишдир. У ҳаммасидан ҳам муҳимроқдир: унга астойдил меҳр қўйсанг бўлади. айниқса расмдан бировз қониқиш ҳосил қилаётган бўлсанг. Мунтазам, ҳар куни бирон нарсасиз, чунки бу мақсад йўлида сира арзимас бўлиб туйиладиган нарсани ўзи йўқ, бу сенга катта манфаат келтиради».

Ўқитиладиган рассомлик дастури ўзига қараб чизиладиган расмларнинг узлуксиз қатори тарзида тузилган, шакли, ранги ва маконни ҳал этиши бўйича бир мунча оддий топшириқлардан бўёқлари, ҳажмли шакллари ва маконни кўрсатиш жиҳатдан анча мураккаб вазифаларга томон мантиқий изчиллик бўлиши назарда тутилган.

Композиция, ранг ва тус қонунларини, шунингдек ҳажмли шакл ишлаш вазифалари - нарсаларнинг шакли ва мунтонасиблиги, бўёқ билан шаклни бўяш бўёқ ва шаклнинг узвий боғлиқлигини ўргана боради.

Талаба олдида манонни кўрсатиш ва нур-ҳаво муҳитини тасвирлаш вазифалари туради, ўзига қараб ишлаш тажрибаси орқали ўқувчи касб маҳоратини буюмни аниқ тасвирлаш услубини ўзлаштира боради. Рассомликни машқ қилиш талабада уйғунлик ва манзарани тасвирлаш лаёқатини, мунтоносаблик ҳисси, ижодий-ҳаёл (тахайюл) юргизишни ривожлантиради. Рассомлик таълимини талабада яхлит кўриш қобилиятини тарбиялашга ёрдам беради. «Биз муайян қонунлар асосида қурамиз. Кўришга ўрганиш ана шу қонунларни ўрганишдир, -деган эди Гёте – Нарсани тасвирий манзарага айлантиришни, яъни кўринаётган нарсани тасвирда сатҳни тўлдирган манзара сурати (картина)га айлантиришни

ўрганишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси расмларнинг ўзига хос тасвирий тилини ташкил этади, бу санъатнинг алоҳида туридир».

Ўзига қараб чизиш бу, буюмнинг расмни шаклини ўхшатиш эмасдир, бу натюрмортни бўшлиқдаги бадиий ҳолатини сезиш сезиш – шу сезгини ички ҳиссиёти орқали тасвир тилига кўчиришдир. Тасвир тили у шундай тилки, бу тилни нутқини фақат ижодкор шахс онгли ҳиссиёти, бадиий руҳи кучигина билиб олиши мумкин.

Сиз мусиқа эшитаётганда, ҳеч ҳам уни ёзилган «нота»сига эътибор бермай тинглайсиз, фақат шу соҳани мутахассислари уни ҳар бир нотасига эътибор бериб тинглашади. тасвирда ҳам ана шундай жараён мавжуддир.

Реал борлиқ, унинг рангли ҳажмини шакллари ва хилма-хиллиги –бу асосий уйғун жозибалилик доимо таълимнинг асоси ҳисобланади. унинг ёрдамида тасвирланаётган нарсанинг сурат ҳолатининг ҳаққоний хомаки нусхаси (этюди)ни яратади.

«Сурат чизиш нур-соя, мутаносиблик ва узоқдан кўриниш билан бирга энг зарур ҳисобланган бўёқни тасвир ифодасини ўз ичига олади. Ҳайкалтарошликка мутаносиблик худди рассомликдагидек қўлланилади. Узоқдан кўриниш шакллари билан белгилаб беради: нур-соя тусга мувофиқ берилган ёруғлик ва қоронғуликни жойлаштириш йўли билан аниқлашни билдиради, бўёқ тасвирга жонли ҳаёт кўринишини бағишлайди» (Э.Делакруа)

Бўёқ сурат чизиш уни ифодалашнинг асоси, муҳим воситаси ҳисобланади. Бўёқ тушунчаси ранглар тушунчасидан ажралмасдир ва ҳажмли шакл яшаш вазифалари билан чамбарчас боғлангандир. Хомаки тасвир устида ишлаш жараёнида, амалда, рангларнинг иссиқ, совуқликларига қараб ўзаро таъсири вазифаларини ўрганади, кескин фарқланадиган, яқинлаштирилган ва қўшимча ранглар тушунчалари билан танишади, маконда бўёқларнинг ўзгариши, нарсанинг ўз рангига ва муҳитнинг таъсирини ўрганади. Ҳажмли шакл материал ва маконни рангида тасвирлашга бўёқ ва ранг муносабатларини аниқ ифодасини бериш билан

эришилади. Ранг материалга сирли тарзда сингиб кетиб, нарсанинг яхлит уйғунлигида ўз ўрнини олган пайтидагина у бўёқ бўлишдан тўхтайди. Умумий бўёқ қурилишини аниқлаб олиш учун жуда фойдалидир.

Қизиқарли композицион кўринишни топгач, талаба ишнинг навбатдаги босқичи расм чизишга киришади.

Рассомлик дастури бўёқ ва шаклнинг узвий боғлиқлигини назарда тутиб тузилган. Ҳажмли кўринишни ривожлантириш масаласи рангларни кўриш билан чамбарчас боғлиқдир.

Расм чизиш асосий қисмдан бошланади, катта предметларнинг ўйланган композицияга мувофиқ жойлаштириб, нарсаларни бир-бирига мутаносиб қилиб ва буюмларнинг ичидаги мувозанатни сақлаб чизилади, нарсаларнинг мавқеини хусусиятлар ва тузилиш чизиқли қисқариш тасвири очиб берилади. Ишда тажрибага эга бўлиб, муайян кўникма ҳосил қилгач, талабалар мўйқаламда чизишлари мумкин, бундай расм кегинчалик асарнинг бўёқ ранг тузилишига узвий боғланиб киришиб кетади.

Юқорида айтилганлардан ташқари қаламда чизилган расм яна бир муҳим вазифани –натюрморт композициясини бажаради. Реалистик рассомлик санъати табиатнинг ўзи мукаммал яратилган деган қоидадан келиб чиқади. Табиат бирдан-бир илҳом манбаидир. Лекин бу деган сўз табиатдан нусха кўчириш кераклигини билдирмайди. Табиатнинг мукаммал қилиб яратилганлигини нимадан иборатлигини тушуниш ва уни рассомлик ёрдамида ўз асарига кўчириш керак бўлади. Табиатда ҳеч нарса алоҳида бўлмайди, ҳаммаси бир-бири билан боғлангандир, ана шу яхлитликни тушуниш ва буюмларнинг тасвирий алоқасини кўрсата билиш керак. Аслини чизиш керак, яъни бутун ўша мураккаб тизимни туза билиш лозим, лекин аввал кўриш, кейин эса ана шу кўрганлардан рассомлик воситасида яхлит уйғун асар ярата билиш талаб қилинади.

«Рассомлик катта ақлий меҳнатни талаб қилади, -деб ёзган эди Леонарда да Винчи, - чунки зарурий рассом аҳлини табиат ўзининг ақлини гавдалантиришга ва акс шу табиат билан санъат ўртасида воситачи

бўлишга мажбур этади, бунда биз нарсаларни қандай асбоблар асосида кўришимизни, бу қандай конунлар асосида юз беришини ўрганиб борамиз».

Рассом воқеликни кўради, лекин уни ўз эстетик идрок қилиш орқали, ўзининг гўзалликни англаши орқали тасвирлайди. Рассом бўлиш учун «кўзга эга бўлиш», яъни рассомлик мактабидан билим олиб ўтиш керак. Кўриш, билиш ва ишлай билиш – ташқи оламни билишнинг бу уч босқичи, бевосита кузатишдан умумлаштиришга ва ундан асосий жараён ҳисобланган амалиётга ўтишдан иборат. Рассомлик санъатининг эгаллаш - ҳар қандай шакл, ҳар қандай ранг ва материални, ҳар қандай маконда тасвирлай билиш демакдир. Яхлит кўра билиш рассомликни моҳиятини ташкил этади. Кўра билиш ва кўрганларни асарда бера билиш қобилиятини эгаллаш – ўзига қараб расм чизишнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Композицияни топиб ва қаламда расм чизгач, талаба асари бўёқда ишлашга киришади, лекин ишлашдан олдин асарнинг расм тузилишини кўриш ва ишни бўёқда қандай чиқишини ўйлаб кўриш керак. Аслида кўрилган нарсанинг тасвир ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур этиш, рассом тасаввурида тасвирнинг тўғри, аниқ моҳияти ранглар уйғунлигида ҳосил бўлади. Аслидаги ранглар уйғунлиги нарса ёки ҳодисанинг тасвир ҳолатининг берадиган бўёқлар йиғиндисидир. Э.Делакураа ўз кундаликларида бўёқ устида ишлашни шундай таърифлаган эди: «Рангларнинг ёрқин берувчилар, яъни тасвирнинг ҳамма жиҳатларини бир бутун яхлит қилиб бирлаштирувчи рассомлар дарҳол ва аввал бошдан ўз санъатларига хос бўлган ҳамма муҳим нарсаларни белгилаб олишлари керак. Улар меъмор лой, мармар, тошни қандай ёпиштирса бўёқни шундай беришлари керак; уларни ишлаган хомаки ишлари меъмор хомаки режасига ўхшаб мутаносиблик манзара жозибаси таъсир (эффект)ни ва бўёқни ўз ичига олиши керак».

Дастлабки босқичда манзара ва бўёқнинг ўзаро таъсиридан иборат тасвирлар (расм) рассомнинг маҳорат даражасига қараб охирги якунига бир

мунча ёки бироз яқинлашиб қолади: лекин мана шу бошланиш палласидан кегин бажарилиши керак бўлган нарсаларнинг деярли ҳаммасига аниқ замин қўйилади!

Талаба аввал нарсани ҳаёлида «ўйлаб» қандай ишласам экан дея кўриши, умумий ранглар уйғунлигига бўйсундирилган бўёқларнинг хилма-хил жилваларини тасаввур этишга уриниб кўриши керак.

Рассомликнинг асосий ифодаси воситачи ранг ҳисобланади. Ранг устида ишлаш-рассомликка ўрганиш жараёнида энг муҳим ҳисобланади. Делакура шундай деб ёзганди: «Картина (рasm)нинг биринчи фазилати шундай бўлиши керакки, томоша қилинг, у кўзни қувонтирадиган бўлсин».

Ҳар ким рангни ўзига алоҳида қабул қилади: баъзиларни иссиқ ранглар ёқимли туйилади. баъзиларга совуқроқ. Талаба тасаввури қанчалик нозик бўлса, у ўз асарида иссиқ ва совуқ бўёқларни шунчалик хилма-хил бера олади. Бўёқлар кучи рассомлик имкониятларини белгилаб беради. Атрофимизни ўраб турган ҳар бир нарса ўз маҳаллий рангига эга (локал – лотинча «Locus» сўзидан) бироқ табиатда бу ранг ёритилишига, нарсанинг маконда узоқлашиш –яқинлашиш даражасига қараб, шунингдек атрофдаги бошқа бўёқлар таъсири остида доимо кўриниши ўзгариб туради. Ранглар ўзаро таъсирнинг муҳим жиҳати рангларнинг бир-бирига зидлик қонуни ҳисобланади. У шундан иборатки, ҳар бир ранг ўзидан кескин фарқ қиладиган рангни, яъни ўзининг қўшимча рангини чиқаради. Рангнинг атрофидаги ранглар таъсирида ўзгариш хусусияти бизнинг олдимизга шундай вазифани қўяди: рангнинг ўзигина топиш керак эмас, балки бошқа ранглар таъсирида қандай ўзгаришини ҳисобга олиш керак.

Асарни катта ранг муносабатлари билан кўра билиш услуби, яъни асардаги ҳамма нарсаларни доим солиштира бориб бир йўла чизиш заруратини таққослаш ана шундан келиб чиқади. Рассомликда рангларнинг тўғри берилган нисбати. бинобарин, иссиқ ва совуқ бўёқлар ўртасида топилган мувозанат рангнинг ўз аниқлигига қараганда беқиёс даражада каттароқ аҳамиятга эга. Табиатда ҳамма нарса бир-бирига зидлик асосига,

иссиқ ва совуқ ранглар кураши негизига курилган, бинобарин рассом вазифаси, биринчидан, мазкур натюрмортда иссиқ ва совуқ бўёқлар устунлигини аниқлаш. иккинчидан, уларнинг аниқ нисбатини топиш ва бу рангларни ўз асарининг ёрқин бўёқларида мувозанатлаштиришдан иборат бўлади. Ишни ранг ва бўёқ жиҳатидан энг жонли доғлардан бошлаш мураккаброғларини ишнинг кейинги босқичларига қолдириш керак. Ранг устидаги ҳамма иш тусни ўрганиш топшириқлари билан яқиндан боғланган. «Тус – бу мазкур бўёққа сингиб кетган ёруғлик миқдори демакдир» - деб ёзганди Г.Шегаль. Тусни аниқ топа билиш маҳорати ҳар қандай рассом учун зарур бўлган биринчи шартдир. Ёрқин ранглар етишмаса иш бўш чиқади, қўполликка йўл қўйилади. Шунинг учун асарда керакли ёрқин рангни топиш аслидаги барча мураккаб муносабатлар натижасини тўғри англаш демакдир. Этюдни катта ранг ва тус муносабатлари асосига қургач, талаба ишнинг навбатдаги босқичларига ўтади; шаклни нур-соя қонунлари асосида, бўёқ бериб ишлаш, ёнидаги бошқа бўёқлар таъсирида рангнинг ўзгартириш, нарсани муҳит орасига жойлаштириш ва чизиқли манзара ҳамда ҳаво бўшлиғи ёрдамида манонни кўрсатишга киришади. Ҳар қандай нарсанинг ҳаётдаги тузилишига келиб чиқиб ва унинг шаклини атроф макондан ажратиб қўйилган. Ҳажм сифатида талқин қилиб, мўйқалам билан тушириладиган ранг текисликлари билан ҳаётда мавжуд ҳажмли шаклни яшаш мумкин. Бу текисликлар ҳар қайсиси ўз нозик фарқига эга бўлиб, талабаларга шаклни пухта қилиб ишлаш имконини беради, муҳими эса онгли ишлаш, у ёки бу ҳажм нима учун айнан шундай шаклда ясалишини тушуниб чизиш имконини беради.

Мўйқалам тортиб бўёқ беришнинг ўзи бўёқли текисликни кўрсатади, унинг катталиги мўйқалам ҳажмига боғлиқ. Рангтасвир устида ишлаётганда талаба ҳажмли шаклдаги ранг беришни аввал атроф муҳит шароитидаги нарсаларнинг шаклини кўрсатиб беришга хизмат қилиши кераклигини ёдда тутиши лозим. Рассом буюмни тасвирлар экан унинг шакли, ҳажмини ҳис этиши ва мўйқалам билан ана шу шакл сиртидан юргандек бўлиши керак.

Шундай қилиб мўйқалам тортиб бўёқ бериш шакли, йўналиши ва характери нарсанинг шакли ва унинг сирти тузилиши феъл-атворига боғлиқдир. Рассомликда нур катта аҳамиятга эга, совуқ рангли нур булутли кунда, иссиқ ранглиси эса бўёқ- нур қуёшли ва иссиқ кунда қуёш ботаётганда аҳамиятли ва ҳоказо.

Нур ҳар бир нарсанинг ўз рангига жонли таъсир қилади. Буюмни совуқ нур билан ёритаркан, у бир-бирига зидлик қонуни бўйича унинг соясига иссиқ ранглар бахш этади, борди-ю иссиқ нур билан ёритилса унинг сояси совуқ кўламча ҳосил қилади.

Шаклни рассомлик воситаларида кўрсатишнинг асосий қонуни иссиқ-совуқлик, яъни икки манба - иссиқлик ва совуқликнинг тўхтовсиз кураши ҳисобланади, уларни сезиш қийин бўлган қарама-қарши кураши бир-бирига оқиб ўтади.

Нурланиш акси таъсирида жозибалашадилар. Иссиқ-совуқлик шаклини бўёқ билан беришнинг асосий қонуни ҳисобланади, чунки ҳар бир нарсанинг ранги ёруғда, сояда бир хил эмас, оч рангда акс эттирилганда у шакл билан чамбарчас боғланган бўлади ва шакл билан бирга ўзгаради.

«Рассомликнинг бутун сири – соя ва оч рангларда. Ёруғлик умумий ранглар уйғунлигини фақат тўлдиради. Соя ва ярим соялар олтин ва кўмиш балиқлар жилва қиладиган аквариумдир. Рембранут соя ва оч ранглар аҳамиятини тушуниб, уларга ишлов беришга алоҳида эътиборни қаратган.

Ундаги ранглар уйғунлигининг сири ана шундадир». Натюрморт бирга алоҳида бўёқларнинг тасвирий мувозанатида ёритишнинг мавқеи (характери)да катта роль ўйнайди. Ёритиш энг кўп акслар беришга ёрдам қилиши керак. Бўёқлар акс бериши туфайли нарсалар муайян нур-ҳаво муҳитига чўмибгина қолмай, ўзаро узвий боғланиб кетади ҳам. Бу ҳол ҳар қандай композиция учун зарурдир. Нрсалар жойлашган муҳит, у ёки бу ҳолда ёритиш, ён-атрофидаги нарсалар акс бериши туфайли рангга таъсир қилиши бу шароитларнинг ҳаммаси қўшимча рангларнинг ўзаро таъсирида янада бойиб мураккаблашади. Ён-атрофдаги нарсанинг рангли

акс этиши сифатида акс бериш рассомликда уйғунлик ва яхлитликка эришишнинг энг зўр воситаларидан бири ҳисобланади. Узоқдан кўриниш конунларига кўра натюрмортни ўлчам (режа)лари бўйича тўғри жойлаштириши, маконда бўёқнинг ўзгаришини ва нарсаларнинг муайян муҳитда жойлашишини бера билиш керак.

Натюрморт устида ишлашда туснинг рангларини ифодалаш катта аҳамиятга эга, тусни тасвирланаётган нарса бўёғига қарама-қарши қўя билиш ҳажмли шаклни кўрсата олиш имкониятгагина эмас, шунингдек макон узоқлигини тасвирлашга ҳам боғлиқдир.

Шаклни бундан кейинги бўёқ бериш ишлашни ҳисобга олиш иш бошида натюрмортга танланган куюқроқ ранглар, шунингдек маконга оид ва бошқа вазифалар чизиш жараёнида мураккаблашиб боради. Бўёқ қай вақтда бўёқ деб аталиши мумкин? У қачонки яхлит нарсанинг уйғунлигида ўз ўрнини тасвир таркибида эгаллаб, хомашё (материал)га ўтган пайтда.

Бутун иш давомида тасвирланган ранг ва бўёқларнинг тўғрилигини доим текшириб бориши керак. Топшириш таққослаш йўли билан амалга оширилади, яъни ҳамма соялар, соялар билан, ҳамма оч ранглар оч ранглар билан солиштирилади ва ҳоказо.

Солиштириш учун яқинлаштирилган рангларни танлаб олиш керак. Одам ўз кўзини машқ қилдириши керак, бунинг учун ёруғлик кучига ва рангга бўялганлигига қараб бир-бирига яқин ранг бўёқ алоқаларини нозик боғлаб унинг ҳамоҳанг тафаввутларини ахтариши лозим. бунинг учун яхлитликни текшириш мақсадида доимий машқ қилиш зарур бус-бутун нарсани кўра билиш керак. Кўрганда ҳам бир вақтда асли (натура)ни ва унинг нусхасини кўра билишдир.

Ҳамма тузатишларни бажариб бўлгач ишнинг охириги босқичига умумлаштиришга киришади, ўзининг ранг ва бўёқлари жиҳатидан уйғун бўлган тасвирни яратишга киришади, бунда айрим бўёқлар ранглар яхлитлигига келтирилади ва бир-бири билан яхлит боғланади. Умумий нарсанинг бундай ва уйғунлигига бўлакларни пухталаб ишлаш, таҳлил

орқали умумийлик жозибалилик (синтез)га келиш йўли билан иш охирида эришилади. Бутун ишнинг услубий қоидаси умумийдан алоҳидага ва яна умумлаштиришга келишдан иборатдир.

Бутун санъатнинг асоси унинг уйғунлигидир. Тасвир устидаги ишнинг яқунловчи босқичида бўёқли ва пластик уйғунлигини яратишга интилиш лозим, бундай уйғунлик асарни бадиий ифодали чиқишини таъминлайди.

Поль Гоген ўзининг «Аввал-кегин» китобида шундай деб ёзган эди: «Зиддиятни эмас уйғунликка, тўқнашувни эмас ҳамаҳилликни изланг... Сизда ҳамма нарса осойишталик ва руҳий тинчлик билан нафас олсин».

Ҳамма ранглар нисбати топилганда, асарда бўёқларнинг жонли жилваси пайдо бўлиши – муסיқий оҳангдошликка ўхшаш уйғунлик бўлиши керак. Натижада қоғозда аслининг айна нусхаси эмас, балки бадиий ифодаси бўлган иккинчи ҳаёт жонланади. Натюрмортга ишланган муайян ёрқин ранглар яхлит бўёқлар жозибасини беради. Натюрмортнинг ёрқинлиги аслидаги ранглар бойлиги ва талабанинг ана шу аслидаги бой рангларни кўра билиши ҳамда тасвирлай билиши билан белгиланади. Нафислик, келишганлик, мутаносиблик ранг-тасвирни асосий либоси бўлмоғи керакдир.

Иш тамом қилингандан сўнг талабалар ишларидаги ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилувчи кўриш ўтказилади. Ўқитувчи мазкур топшириқ бўйича талабалар билан яқинловчи суҳбат ўтказди. Тугалланган ҳамма ишларнинг кўздан кечирадилар, айрим ишларнинг фазилати ва камчилиги ҳар қайси ўқитувчининг умумий услубий йўналиши муҳокама қилинади. Инсон- деган азиз номга урғу беришимизнинг боиси шуки, улуғ инсон , улуғ ижодкор деган номга содиқ бўлиши керакдир. Шу тарзда маданият саройларининг юксак савияда қурилиши оддий кишиларнинг дид ва тафаккурларининг ривожини учун манба бўлади, бу ижоджорларнинг юксак парвозлари учун ҳам аҳамиятлидир. Ҳалқимизда бир ибора бор, «Бирини кўриб шукр қил, бирини кўриб фикр қил». Ўқитиш жараёнида шу

нарсага яна бир-бор амин бўлдики, ўқитиш методикаси, амалий ишлар билан бирга, уларни ривож ва бадий даражаси устида ҳам фикр юритишимиз. ҳозирги замон талаби бўлиб қолади. Чунки тараққиёт юзидан кун ривожланиб юксалиб бормоқда.

Перспективанинг ранг тоналлиги

Перспективанинг ранг тоналлиги, рассомнинг фикрича шунинг исбот қилиши керакки, биз тасаввур қилаётган форма, унинг ҳажмли ва рангидан катий назар, кўзимизга кўринишини ўзи ажойибдир. Демак бизнинг (расм) кўзи, ҳаётдаги бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг шундай, ёритадики. у худди рассомнинг тасаввури туфайли амалга ошаётгандек бўлиб туйилади. Тасвирий санъат рассомлари кўп йиллардан буён шунча иқдор бўлдиларки, қанча яралган қоида ва қонунлар инсон тафаккурдан четга қолмагандур.

кўз кўрган барча ҳодиса ва воқеалар рассом кўзидан ҳеч маҳал четга қолмагандир, у бу расм ва рангтасвирларни бир системага солиб, теория яратишдаги, ўз мавқеини тиклаш ва қоида ва вонунлар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Живопис ҳақида Леонардо да Винчи шундай ёзади: «Живопись перспективанинг онаси». Бу иш жиҳатидан тўғри деб айтишимиз мумкинки, теория перспектива художникларнинг иш фаолияти билан боғлиқдир. Леонардо ўз кузатишларини 3 поғонага бўлди: ўзгариш қонунларининг таъсири натижасида, шу нарса маълум бўлдики, одамни тасвирий ифодаси бир-биридан узоқлашган вақтда. содир бўладиган қонуни чизиқли перспектива деб атади. Бу ерда у шуни амалда тутиши, ҳаво қатлами қуршовида одам танасини бир-биридан ранг жиҳатидан фарқ қилиши ҳаво перспективаси ёки ранглар перспективаси кабиларга бўлди.

Леонардо бундай ўзгаришларни кузатар экан, шу нарсага амин бўлдики, одамни табиатда қандай ҳолатда тургани, нималар уни туришига таъсири ҳақида фикр юргизишини исботлай берди.

У ўзининг кузатишидан шунга амин бўлдики, чизиқли перспектива қонуни тўғри ва ҳаққоний қонун эканини исботлади.

Перспектива – бу предметни чизиш қоидаси. у терсликдаги ўзгаришлар, қисқаришлар натижасида юзага келадиган жисмни ҳолатига қараб, рассомни ишлашига ва натурани ўз кўринишини қисқариб боришига айтилгандир. Буни бошқа томондан оладиган ёбўлсак, перспективани ўзгариши бу қонуний бўлганлигини ҳисобга олиб, унинг ўзгаришидаги ҳолатини қонун деб ҳисобга оламиз. Геометрик буюмлани перспектива ёрдамида қисқариши у, бизнинг ҳам мақсадимиз, чунки бу қисқаришсиз буюмларни тасвирлаш мумкин эмас. Шунга қарамасдан бу йўл геометрик буюмлар ўзгаришига сабабкордир.

Рассомлар бу йўлга амал қилиб, ўзгаришларга ва геометрик буюмларга ўз дунё қарашлари орқали бўйин эгадилар. Аммо рассомлар ўз расмларида бу қоидага шундай амал қиладиларки, чизиқли перспектива бу рассом ёки архитектор учун энг керакли қоида асосидир.

Амалда қўлланилиб келаётган перспектива уни биз рассомлар ўз ишларимизда қўллаб амалда иш юритиб келмоқдамиз. бу биз учун тасвир учун энг керакли қоидалардан биридир. Бу қоидалар яралганига 5 асрдан ортиқ вақт ўтдики қоидалар ўз кўринишлари ва методларини қандай бўлса, шундайлигича сақлаб келмоқдалар.

Яна шуниси ажойибки, бу қоидалар, чизиқли перспектива ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини сақлаб иш бериб келмоқда. Леонардо да Винчи теориясига қараб иш тутадиган бўлсак, расм ва рангтасвир чизиқли перспективага бўй синади. Уни қисқариши ва ўзгариши шу қоидага асосдир.

Мавзулар бўйича назорат саволлари ва вазифалар

1. Тўғридан-тўғри тушувчи ва акс этувчи ёруғлик ўртасидаги фарқи нимада?

Вазифа: Ёруғлик ва сояга нисбатан ранглари бўйича ёрқин предметлардан мураккаб бўлмаган натюрморт ташкил этиш.

2. Ранглар доираси ўзида нимани намоён этади? Хроматик ва ахроматик ранглар қандай сифатларга эга? Қандай рангларни асосий ва қўшимча ранглар дейилади?

Вазифа: Асосий ва қўшимча рангларга нисбатан натюрморт.

3. Фазовий перспективалар қонуниятларини санаб ўтиш.

Вазифа: Бир-биридан узоқлашган бир неча предметлардан иборат натюрморт.

4. Ранглар ва ёруғлик манбаининг ёруғлиги кучи билан келтириб чиқарилган натюрморт колоритининг характерли хусусиятлари қандай?

Вазифа: а) натюрмортни табиий ёруғликда бажариш;

б) натюрмортни сунъий ёруғликда бажариш;

5. Акварель билан ишлашнинг асосий услубларини санаб ўтиш.

Вазифа: а) Алла-прима услуби билан натюрморт бажариш.


б) Хом усулуб бўйича натюрморт бажариш.

в) Лессировка билан натюрморт бажариш.

6. Образли натюрморт нима?

Вазифа: а) маълум бир муайян гаммада ва турли хилдаги предметлар танловида натюрморт бажариш.


б) декоратив натюрморт.



- 1) 3 та асосий ранглар қоришмаси: а) Рангларнинг ўзаро товланиши;
б) Тўйинган ранглар; в) Ёруғлик ранглари




- 2) 8 та асосий ранглар




- 3) 24 та ранглардан ташкил топган айлана ранглар




4) Ёритилган шаклнинг асосий ва кайтарилувчи ёруғлик схемаси




5) Ёруғлик ва соя ўзгаришининг шартли шкаласи, фазовий шароитда кўриниши



6) Ҳаво перспективаси билан ишланган манзара



7) Архитектурада ишланадиган ранглар коришмаси билан чиқадиған иш усули



8) Кўп қиррали ранглар билан ишлаш
(лессировка)



9) “Алла прима” методи билан
ишлаш



10) Хўл қилиб ишлаш методикаси



11) Аралаш қилиб ишлаш методикаси




12) К.С. Петров-Водкин “Эргалабки натюрморт”



13) Голланд усулидаги натюрморт



14) Кўп ранглар билан методикаси



14) Шу ишни давом эттириш методикаси




HATIOPMOPT





МАНЗАРАЛИ ТАСВИР





ПОРТРЕТ

Бородина М.Р., Тё А.В.

III-БЎЛИМ: ҲАЙКАЛТАРОШЛИК

*Билимни эгалламай туриб, амалиётга
қизққан киши худди пулсиз ёки компоссиз
денгиз саёҳатига отланган денгизчига
ўхшайди. У ҳеч қачон қаерга сузаётганини
билмайди. Билим - капитан, амалиёт зса-
аскарлар.*

Леонардо Да Винчи

Хайкалтарошлик тасвирий санъатнинг асосий турларидан бири сифатида борлиқни ҳажмли уч ўлчовли шаклларда акс эттиради. Хайкалтарошлик асарлари ўрни, бажарадиган вазифаси, ишланиш услуби ва кўринишига қараб турлича бўлади: улар асосан думалоқ ва бўртма (рельеф) кўринишида. Думалоқ хайкалларни ҳар томонолама айланиб кўриш мумкин, улар тагликка ўрнатилади. Рельеф хайкаллар одатда бирор юзага бўрттириб ишланади; уларни фақат олд томондан кўриш мумкин. Рельефнинг барельеф, горельеф турлари фарқланади. Хайкалтарошликда хом ашё сифатида ёғоч, тош, гранит, мрамор, металл, бетон, ганч кабилардан фойдаланилади. Хайкалтарош асарнинг мазмунига ва қўйиладиган ўрнига қараб хом ашё танлайди.

Ушбу бўлим хайкалтарошлик шакллари лой ва гипсдан бадиий шакллантириш алифбосига, бу соҳанинг дастлабки малакаларини мустақил эгаллаш имкониятларига, хайкалтарошлик машғулотларининг бошланғич ва асосий давларида хом ашё ва асбоблар билан танишишга бағишланади. Шунингдек нусхани гипсга кўчиришни мақсад қилган ҳолда хайкалнинг лойдан бирламчи қолипни ясаш усули тақдим этилади. Бу - мўлжалланган ишнинг биринчи қисми. Ишнинг иккинчи қисмини муаллифлар хайкалтарошлик шакллари бадиий лойиҳалашга, бунинг учун зарур бўлган абстракт фикрлаш малакаларини шакллантириш масалаларига бағишлаш ниятидалар.

ХАЙКАЛТАРОШЛИК ХОМ АШЁЛАРИ, АСБОБЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР. УСТАХОНАНИ ЖИҲОЗЛАШ.

Лой

Қадимий машхур афсонада Овидий Прометей тупроқдан илк бор инсонни ясаганини тилга олади. Қадимги Рим рельефларида Прометей кўлида ёғоч асбоб ушлаган ҳолда ўзи яратган инсон шакли ёнида тургани, ёнида тупроқ, учун қўйилган сават тасвири сақланган.

Лой - бу одатда хайкалтарош учун ижодий тасаввуридаги ғоясини мужассамлаштирувчи энг биринчи ва асосий хом ашё. Лой хом ашёлар ичида энг ишловга берилувчани бўлиб, унда шакл тўлақонли сезилиб туради. Шунинг учун лой билан ишлаётган хайкалтарош кўпроқ бармоқлари билан ясайди, лойнинг қаршилигини яхши ҳис этган хайкалтарошлар уни енгиш учун қанча мушаклар кучи сарф этилишини ҳис этадилар. Хайкалтарош хом ашёни сеза бориб, шаклни худди кўриб тургандай қабул қилади.

Бир куни Анатолий Франс Огюст Роденга ўзининг хайкалчаларидан бирини кўрсата туриб: “Мана импрессионизмнинг аждоди. Лой ҳали илиққина, куёш нуридан эмас, балки ҳароратли бармоқлардан. Ҳар бир санъаткор лойни жўшқинлик билан яхши кўради, у бармоқлар орасида ёнади” - деган эди.

Хайкалтарош кўлидаги лой - бу дастлабки хом ашё, бироқ ундан фойдаланаётганда у ҳар доим ўз асарининг якуний хом ашёсинда тасаввур қила олиши керак.

Тупроқнинг келиб чиқиши

Тупроқ соф ҳолида ёки қум оҳақтош, шаффоф ва бошқа минераллар аралашмаси ҳолида барча геологик даврларда тоғ жинслари катламларини

ҳосил қилади. Соф тупроқ зарралари кристалл тузилишга, кристаллар эса нозик олти қиррали япроқчалар шаклига эга. Текширишлар кўрсатадики, турли жойлардаги тупроқ кристалларининг катталиги турлича. Тоғ жинслари - механик ва кимёвий емирилиш таъсирида бузилади, чақик тош, шағал, қум парчаларига айланади. Тупроқ ана шу чақик жинслардан ҳосил бўлади, таркибида дала шпати, шаффоф ва бошқа минераллар бўлгани тупроқ каолин деб аталади. Ўзбекистонда бундай тупроқ Ангрен ва бошқа жойларда мавжуд.

Лойнинг қайишқоқлиги.

“Лойнинг қайишқоқлиги” бу унинг яшаш давомида ёриқлар ҳосил қилмай ўзгара олиши ва шаклни саклай олиш хусусиятидир.

Хайкалтарошлик тупроқлари.

19-асрнинг 30-йилларида Бадий Академияда хайкалтарошлик ишлари учун кўкимтир тупроқ ишлатилар эди. У тупроқлар Пулково тоғидан қазиб олинар эди, кейинроқ уни графиня Кутайсова ерлари (Шлиссельбург остонаси)дан келтирила бошланган.

Ҳозир хайкалтарошлик ишлари учун турли - сариқ-кўк, кулранг-кўк, кулранг, кўкимтир, сариқ, кулранг-сариқ, кулранг-оқ, кумушсимон ранглардаги тупроқлар ишлатилади. Яшаш учун ишлатиладиган тупроқларнинг ранги муҳим аҳамиятга эга. Органик аралашмалар билан ифлосланган тупроқ эҳтиётсизлик билан ювилган қўлларда тери касаллигини пайдо қилиши мумкин. 1 куб метр ёпишмаган тупроқнинг оғирлиги 300-500 кг.

Лойни ясашга тайёрлаш.

Лой тайёрлашнинг бир неча усуллари бор. Баъзи хайкалтарошлар тупроқни олдиндан майда бўлақларга бўлиб, унга бир неча марта сув сепишади. Ҳўл тупроқ дастлабки 2-3 кун давомида бир текис қўлланиши учун бир неча марта яхшилаб аралаштирилади. Сўнг бир хилликка ва қайишқоқликка келтириш учун унга ёғоч тахта устида ишлов берилади.


Хайкалтарош А.С. Голубкина лойни қуйидагича усулда тайёрлашни тавсия этади: куруқ тупроқни қути (яшик) ёки бочкага солинади, устидан айрим бўлақлар сувдан оролчалар каби чиқиб турадиган қилиб сув қуйилади. Уч кунлардан сўнг лой ишлаш учун тайёр бўлади. Дастлаб у етарлича қайишқоқ бўлмайди, бироқ жуда кизик, кутилмаган хом ашё намуналарини беради: хар эҳтимолга қарши идишдаш қўл урилмаган лойнинг бир чеккасини тегмаган ҳолда сақлаб қолиш керак. Кейинча у энг қайишқоқ хом ашёга айланади, факат идиш ичида текис ётмай, гўё ишлашга олинганда ўйдим-чуқур ва кудуқчалар ҳосил қилган бўлсин. Шунда идишда турли қаттиқликдаги - энг юмшоқдан энг каттиқгача бўлган лой ётади.

Тайёрланган лой катта танлаш имконияти бўлиши учун керагидан бир меча баробар кўп бўлиши керак. Ишга чуқур муносабатда бўлинганда сизнинг қўлингиз ишлаётган ишингиз шаклига қараб у ёки бу лойни ўзи ажратиб олади.



А.С Голубкина таклиф қилаётган лой тайёрлаш усулини энг тўғри деб ҳисоблаш керак, чунки у хайкалтарошнинг бу хом ашёга бўлган талабига мос лойни олиш имконини беради.

Хайкалтарош учун лой - бу унинг баъзи зичлик ва қайишқоқлик “гамма”сига эга бўлган палитраси. Иш бошида масалан: юмшоқ лой керак, иш охирига бориб - лой қуюқлашиб – аста-секин қаттиқ бўлиб боради, бу эса хайкал учун керакли майда бўлақларни тайёрлаш имконини беради. Табиат яратган қайишқоқ хом ашёларнинг ичида энг яхшиси бўлган лойгина ана шундай. алмаштириб бўлмайдиган хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бу хусусиятлар лой билаи пластилин орасидаги сезиларли фаркларни ҳам белгилайди.



Металл дастгоҳ



Подшипник билан айланувчи тахтали тўрт оёқли дастгоҳ

Хайкалтарошнинг энг қимматли “асбоби” - бу унинг қўли. Шунга қарамай бармоқлар санъатига тайёр асбоблар ҳам ёрдам беради. Мукаммаллаштирилган металл дастгоҳ.

- а) турли шаклдаги хайкалтарошлик қаламлари;
- б) ёғоч дастали халқалар.


Колипдан ишлов берилаётган буюмга нуқталарни кўчириш асбоби.

Масштаб тўри бўлган нусха кўчириш ромкаси.

Хайкалтарош фойдаланадиган юқорида айтилган асбоблардан ташқари катта ишларни бажариш учун ҳар бир устахонада турли темирчилик ва дурадгорлик асбоблари бўлиши керак:

- тахтани юризонтал аниқ қўйиш учун *ш а й т о н* хизмат қилади, чунки жуда кичик оғиш ҳам йирик хайкалларнинг мувозанатига салбий таъсир этиши мумкин;
- *қўрғошин шокул* вертикални топиш ва мустахкамлашда, шунингдек барча ишни қуришда ёрдам беради;
- ёғоч ғўла ва тахталарни арралаш учун *арра*.

узул тахта (планка) ва тахталарни арралаш учун “тулки думи” арраси;
турли катталикидаги темир ва симларни қисиш, уларга кейинча керакли
шакл бериш ва ҳоказолар учун *исканжа* ишлатилади.





Колип ўлчамларини кўчириш учун паргарлар

Колипларни мутаносиб тарзда катталаштириш учун паргарлар

Лойни ишлаш учун ёғоч болғалар

Металл болға

Катталаштирилаётган нусха МАСШТАБ ТЎРИ



Масштаб тўри

“Хайкалнинг ифодалилиги кўпроқ ғоя ва хом ашёнинг бир-бирига мослигига боғлиқ”, - дейди хайкалтарош С. Т. Коненков.

Ҳар бир хайкалтарошлик хом ашёси ўз хусусиятларига ва факат унгагина хос имкониятларга эга. Шунинг учун хайкалдаги образ ечими кўпроқ ўз хусусиятларини ўзининг табиий гўзаллигини намоён қиладиган танланган хом ашёга боғлиқ. Санъаткорнинг вазифаларидан бири хом ашёнинг ҳам хайкал ясашга оид, ҳам безак сифатидаги хусусиятларини тўлиқ намоён қилишдир.



Гипс

Гипс - энг қадимий хом ашёлардан, уни хайкатгарошликда қўллаш, жуда қадим даврларга бориб тақалади. Қадим мисрликлар гипсдан хайкалтарошлик ва қурилиш хом ашёси сифатида фойдаланган. Археологик топилмаларга кўра эллин ва Рим даврларида гипс хайкалтарошлик мақсадларида кенг қўлланилган деб ҳисоблаш мумкин. Бизгача хайкалтарошларнинг бармоқлари излари тушган кўплаб хомаки ишлари етиб келган. Бу ишларнинг айримлари кейинчалик бошқа хом ашёларда ишланган хайкаллар учун нусха вазифасини бажарган. Уларнинг кўплари мустақил асл асарлардир.

Плинийнинг ёзишича, Лисистрат биринчи бўлиб одам юзини гипсда яратган ва қолип ясаган, у қолипга мум қуйиб, кейин шакл яратган. Милоддан аввач I-асрда Римда хайкалларнинг гипс қуймалари айниқса кенг тарқалган. Шунингдек мурдадан ниқоб олишда ҳам гипсдан фойдаланилган. Хайкалтарошлар устахоналарида портрет хайкаллар яратишда гипс ниқоблар кўргазмали ёрдамчи манба вазифасини ўтаган. Гипсни саноатда ишлаб чиқариш 12-13-асрларга тўғри келади.

Гипс қўлланишининг оддийлиги билан ҳам қолип тайёрлашда, ҳам хайкал қуймасини тайёрлашда тенги йўқдир. Гипс - хайкалтарошнинг ўз асарини лой ва пластилиндан кейинги кўрадиган дастлабки хом ашёсидир. Хайкалтарош ҳар қандай юмшоқ материал билан ишламасин, асарини у албатта гипсга кўчиради, маромига етказди, шундан кейингина бирор бир катъий материалда яратади. Гипс шунингдек қолип тайёрлашда ҳам нодир хом ашёдир.

Нам гипс билан ишлаш учун металл асбоблар. Гипс режаларни текислаш учун резина курак. Гипс учун чўмич. Лой хайкалга сув пуркайдиган асбоб (пуркагич). Қискич.



НУСХА КЎЧИРУВЧИ АСБОБ

Қолип тайёрлаш

Қолиплаш ишлари вазифаси - нарсадан олиб тайёрланган нусханинг энг аниқ негативини, яъни унинг тескари рельефини олиш. Колиплар уларда ярим қуриган, тахтақачланган нусханинг кўп миқдордаги тайёр маҳсулотини ёки бир маротабалик қўймасини олишга хизмат қилади. Қолип тайёрлаш учун хом ашё танлаш улардан олинadиган нусхалар миқдорига, шароитга, улардан фойдаланишга ва нусха ишланган хом ашёга боғлиқ.

Қолипларнинг асосий турлари.

- гипсли бирламчи (бир маротабали);
- соф бўлакли гипсли (кўп маротабали);
- елимли - желатинали (кўп маротабали);
- тоза формапастли (кўп маротабали);

- оммавий ишлаб чиқариш учун цемент (бетон)ли;
- ёғоч ва метали.

Қолип қуйиш усулига кўра қуймалар содда, ўртача мураккаб ва мураккабга бўлинади.

Содда қолиплар – текис, тўрли бўлмаган қуймалар учун одатда бир бўлакдан ёки “чиғанок”дан иборат.

Ўртача мураккаб қолиплар бир мунча мураккаброқ қуймалар учун бир неча “чиғанок”лар ва қўшимча бўлаклардан тузилади.

Мураккаб қолиплар - барча мураккаб қуймалар учун бир неча ҳажмли ва кўп бўлаклардан иборат алоҳида қолипланган қисмлардан иборат.

ХАЙКАЛ ҚОЛИПИНИ ТАЙЁРЛАШ

Умумий қоида

Қолип тайёрлаш хайкалтарошнинг билиши на дунёқарашининг ҳажмли шаклда ифодалаш воситасидир.

Одам танаси тузилиши - суяк тизими, унинг бўртиқлари, мушаклар билан озми-кўпми қоплангани ва тери ости ёғ тўқималари билан юмшатилогани, мушак турлари, унинг ҳажми, унинг ҳаракати ва йуналишини белгиловчи ва ҳоказолар ҳақида ҳамда расм ва инсон танасининг бадий тасвири ҳақида билимларга эга бўлган санъаткор асбоблар ва хом ашёдан фойдаланиб яшашга киришиш мумкин.

Яшаш деганда оддий ўхшатиб яшашнинг тушуниш керак эмас. Агар кенг эстетик дунёқарашга, атрофлича умумий маданиятга эга булган санъаткорда ифодаламоқчи бўлган фикр, ғоя бўлса, қолип яшаш уларни бадий таъсирчан очиб бериш воситасига айланади. Хайкалтарош учун расмда шуғулланишни яна бир бор таъкидлаган ҳолда Микеланжелонинг “Расм - ҳайкалнинг сояси” деган сўзларини эслатиб ўтамиз. Фақат расмда тўхтовсиз машқ қилган бўлажак *хайкалтарош* чизиқлар ёки текислик орқали нурсоя уйини воситасида нисбатлар ва ҳаракатларни тўғри кўра олади.

Расм бўлажак хайкалтарошнинг кундалик, ҳар соат, ҳар дақиқалик машғулотига айланиши зарур. Унинг ёнида ҳар доим қалам ва чизгилар учун дафтар бўлиши керак, ўз олдига мақсад қилиб қўйган нарсани тасвирлашга интилиш атрофдаги нарсалар ва мавжудотлардаги мавжуд муҳим бўлакларни илғаб олиш малакасига айланиши лозим.

Бўлажак хайкалтарош эстетик туйғуларини ривожлантириш учун тез-тез музей ва бадиий кўргазмаларга бориши, замонавий реалистик хайкалтарошлик асарлари билан танишиши лозим. Санъат асарини, айниқса, хайкалларни узоқ муддатли кузатиш кўзни шакллантиради, уни кўриш орқали нисбатларни белгилаш ва масаланинг ҳажмли ечимини аниқлашга ўргатади.

Мадомики машҳур, ажойиб хайкаллар дунё бўйлаб тарқалиб кетган экан, уларни кўриш ва ўрганиш мумкин эмас, уларнинг ўрнини маълум даражада бадиий альбомларда аниқ наشر қилинган репродукциялар коплайди.

Хайкалтарошни бадиий тарбиялаш ва ижодкор шахс сифатида шаклланишини ниҳоясига етказиш учун эстетика масалалари, хайкалтарошлик асарларига оид, машҳур санъаткорлар ҳаёти ҳақидаги адабиётларни кузатиб бориш зарур. Санъат тарихи соҳасига оид асарларни ўқиган ўқувчилар хотирасида турли мамлакатлар маданиятининг умумий хусусиятлари муҳрланади.

Етук санъаткор унинг ижодий заковати, замонавий бадиий кадриятлар билан яқин бўлмоғи учун ҳам - тўхтовсиз расм чизиши, музейларга бориши, ўқиши лозим. Уларнинг гўзаллигидан илҳомланган санъаткор замонавий воқеликни жонли образлар ва мукаммал шаклларда акс эттирган асарлар яратади.


БОШНИНГ БАДИЙ АНАТОМИК ГИПС ҚОЛИПИ БЎЙИЧА ЯСАШ

Бош - қулоқ, бурун, оғизнинг, кўз пластик - анатомик бўлақларини гипс қолипини ясашда 2 та тахта: бири нусхани қуйиш учун, бошқаси ишлаш учун керак бўлади.

Асбобларга келсак, бошлашда 2та хайкалтарошлик қалами ва халқали хайкалтарошлик қалами етарли. Ўта ингичка, оғир металл ва кескир асбоблардан фойдаланмаган маъқул. Бироқ фойдаланиладиган асбобларга катта эътибор бериш керак эмас; ҳар ким ўзига бир мунча тўғри келадиган асбобни эрикин танлаши мумкин. Ясаш асбобларини танлашда хайкалтарошлар диди ҳар хил. Айримлар, масалан ҳайкалтарош Роден, асбоблардан фақат санъаткорнинг қўли етмайдиган жойларда фойдаланишни тавсия этади, унинг фикрича, фақат қўлгина санъат асари учун муҳим бўлган керакли майинлик ва ҳиссий таъсирчанликни бера олади. Бошқалар, масалан: хайкалтарош Бурдель аксинча, йирик режаларни фақат асбоблар ёрдамида яратиш мумкин, қўл ўзининг юмшоқ кучи билан уларни текислайди ва ўчиради деб ҳисоблайди.

Ишлаш усуллари турлича тушуниш билан боғлиқ бўлган бу фарқлар уларни ифодалаётган у ёки бу санъаткорнинг етук санъаткор бўлишига ҳалал бермайди. Тўғри, инерт моддага тегаётган қўллар бадий ғояни нозикроқ тусларда ифодалаши мумкин. Уларга қуйиладиган биринчи лой бўлақ қаттиқроқ кейингилари бир мунча юмшоқ бўлиши керак, лекин модда қуриганда ичида дарзлар ҳосил қилиб кичрайиши (торайиши)ни ҳисобга олиб, лой жуда яхши аралаштирилган бўлиши керак, акс ҳолда ишни бузиб қўйиши мумкин. Шунинг учун лой қўяётганда уни бутун ишни ушлаб турадиган тахталалар орасига куч билан босиш керак. Ушбу кўрсатмалардан кейингина бажариш учун энг енгил бўлган бош бўлағи - қулоқни ясашга киришамиз.

Қулоқ (қулоқ супраси).



Тағлиққа лойни қўйиб, умумий тарзда қулоқ супрасининг қулоқ ўлчовлари ва жойланишига риоя қилган ҳолда чегарасини белгилаб оламиз. Лой қўйиб бориш йўли билан ҳажмли эскизни тугатамиз, бунда қулоқ супраси оғишини ҳисобга олиб, умумий шаклга амал қилган ҳолда ишни олдиндан, ёндан ва тўртдан учга бурилган ҳолатини кузатилади.

Кейин бўлақларга киришамиз, яъни қулоқ таркибига кирувчи гажак, тескари гажак, қулоқ супрасининг ўзини, чорпоя, тескари чорпоя ва ҳоказоларни бармоқлар билан ёки хайкалтарошлик қалами билан-кесамиз ёки қўшамиз. Ёруғликни бир неча марта ўзгартира бориб ва доимо ишни - ҳар томондан кузатиб, бу бўлақларнинг шакл ва рельефининг ўзаро муносабатини тўғрироқ баҳолашимиз мумкин. Охирида ўлчамларни паргар (циркуль) билан текшириш лозим. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, қулоқ тузилиши турли одамлардагина эмас, балки бир шахснинг ўзида ўнг ва чап қулоқлари орасида ҳам турличалиги кузатилади.

Қулоқ динамик ифодали шаклга эга, уни билиш ва ўрганиш керак. Бу ишни йирик масштабда бўлақларни яхлитга буйсиндирган ҳолда бажариш керак.

Бурун (бурун устун).


Тағлиққа лойни қўйиб, нусханинг умумий шаклига риоя қилиб, хайкалтарошлик қалами ёрдамида ишнинг ўртасидан вертикал чизиқ чизиб оламиз. Сўнг буруннинг асосида ва қаншаридаги қалинлигини белгилаб оламиз. Лой қуя бориб, биз гипс қолип асосида бурунни йирик ҳажм ва шаклда яратамиз. Кейин бўлақларни шакллантириш лозим; бурун

устунининг суяк қисми соясини ва бурун тешиклари ва бурун учи режаларини бирмунча диққат билан кузатиш зарур.

Бунга нусхани ҳар томондан - олдидан, ёндан, тепадан пастга ва тўртдан учга бурилиши тарзида диққат ва эътибор билан кузатиб, ўлчамларни паргар ёрдамида текшира бориб эришилади.

Оғиз (лаблар соҳаси).

Қулоқ ва бурунни яшасини баён қилганимизда айтганимиздек оғиз ҳажми гипс андозадаги умумий шаклни ҳисобга олган ҳолда ҳосил қилинади; оғизнинг маркази ва лаб чизикларини белгилаш учун вертикал ва горизонтал чизиклар ўтказилади. Горизонтал чизикда гипс нусхадаги оғиз бурчаклари оралиғидаги масофа паргарда ўлчаб белгиланади. Шундай масофа кейин лой эскиздаги горизонтал чизикда ҳам белгиланади. Сўнг тахта ва нусхани ён томонига буриб, майда лой бўлақлар ёрдамида лаб чегараси ўстирилади, мушаклар анатомияси, хатто дастлаб шаклни йириклаштирган ҳолда ундаги барча бўртиқ ва чуқурчалар нусхадагига солиштириб борилади.




Тахта ва нусхани 180° ёнга буриб, доимо ҳажм чегарасини текшириб турилади. Бу томондан текширгандан сўнг, ишни яна аввалги ҳолатга келтирилади, олдиндан кўз ташланади ва лаб соҳаси шаклини аниқланади. Нусха ва иш доимо бир бурчакдан кузатилиши лозим, бироқ ёруғлик бир неча бор ўзгартириб турилиши керак: ёндан кучли ёритишда рельефни кузатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, ишлаётганда бўлакларга берилиб кетмай, аксинча бутунни, умумий хусусиятни бой бермаслик керак. Доимо расмнинг умумий чизиғини, хатто айрим бўлакларини йириклаштириб кузатиб бориш керак. Кўз олдимизда гипс нусха тургани ва расмга бағишланган бобда айтилган анатомик маълумотларни ҳисобга олиб, сўнгги ишловда ишни текислашимиз мумкин.

Кўз (кўз атрофи ва қовоқ).

Кўзни гипс нусхадан яшадан олдин аввало (аввалги бўлакларни яшаш баёнида гапирилган) барча тайёргарлик ишларини бажармоқ зарур.

Лой қатламида кўз белгиланади, сўнг керакли чегарага мослаб лой қуйилади. Шу тарзда нусха ҳажмига ўхшаш иш жараёнида ўсиб борадиган бир мунча кичик ҳажмга эга бўламиз. Йирик режада қош ости ёйи эскизини тугатиб кўз соққаси ва қовоқ ҳажмига тенг бўлган лой миқдорини қуямиз. Худди шундай тарзда қош ҳажми ва шакли ўстирилади. Кўз чуқурчасининг ички ва ташқи бурчаклари оралиғини ўлчаб олиб, ишимиздага масофани, юқори ва қуйи қовоқнинг эркин чегарасини яшаш асносида шунингдек кўз чуқурлигини максимал очилишини белгилаймиз. Кўзни яхши яшаш учун, энг аввало кўз расмини чизишни яхши ўзлаштириш зарур.



Кўз бу осонгина яратиладиган бўлакдек туюлади гўё, бироқ аниқ чизиқлар, режа ва ҳажмга асосланган ҳажмни тўғри бера олиш учун ўта синчиклаб кузатиш зарур.

Ишлаш давомида ўхшашлик ва хусусиятларини ҳажмли шаклларда ҳаққоний ифодалаш учун нусхага ҳам, ишга ҳам ҳар томондан (олдидан, пастдан, юқоридан, ўнгдан ва чапдан, ёнидан ва шу кабиларга) доимо қараб туриш керак.


Аввал айтилганидек, кўз соққасининг энг юқори нуқтаси кўз қорочиғи даражасида жойлашган. Бу бўртиқ юқори қовоқ учун хусусиятли лотин ҳарфидаги 8 шаклини беради, бу айниқса кўзга юқоридан қараганимизда яққол кўринади.

БОШНИ ГИПС НУСХА БЎЙИЧА ЯСАШ

Бўлажак ҳайкалтарош маҳоратини оширишда бош ва бюстларни гипс нусхадан ясаш муҳим босқич ҳисобланади.

Бошловчи шаклни асосий бўлаклари билан ва нисбатлар қонунни ўзлаштириши керак, бунда классик грек бошини ёки услублаштирилган нусхани гипс нусхаси сифатида танлаш ҳатодир.

Шаклларни соддалаштиришга ўтишдан олдин бошловчи юздаги ҳар бир белгиларни фарқлашни ўрганиши, унинг анатомияси ва хусусиятларини билиши шарт. Акс ҳолда унинг бадиий шаклни сезиши бузилади ва у кўп нарсаларни ўргана олмайди. Дид ва англаш қатор ишланган этюдлар ва машқлардан, барча даврлардаги реалистик санъат асарларини давомий кузатишлардан сўнг ҳосил қилинади; фақат шу тариқа кўз аста-секин ёш ҳайкалтарошга ҳеч бир таълим бера олмайдиган, тинимсиз меҳнатда орттириладиган малака керакли етукликка эришади. Антик ҳайкалдаги соддалиқ баъзиларда бошловчилар учун, улардан нусха кўчириш фойдали деган нотўғри фикр туғдирди. Ҳақиқатда эса шаклдаги бу соддалиқ мураккаб уйғунлик натижасидир, унга санъаткор уни ривожлантириб бориш жараёнида эришади. Антик ҳайкал шарпасини яратаётган шахс унинг моҳиятини тушунмаган ҳолда нусха кўчирса, албатта бузади.



Шунинг учун биз устахонани барча даврлар ва барча мамлакатлар реалистик хайкалтарошлик асарлари билан безашни маслахат берамиз: ҳамиша улар кўз олдида бўлганда бошловчи хайкалтарош уларнинг гўзаллигини тушунишга яқинлашади. Агар ижодкор улардан тўғридан-тўғри кўчирса, кейинчалик уни билмай ва тушунмай жонли нусхага ўтганда, унинг иш мазмунига ва ўзининг миждозига мос керакли ифода воситаларини топа олмайди.

Бошловчи санъаткорнинг шахсияти фақат у маҳоратнинг асосий элементларини эгаллагандан кейингина ривожланиши мумкин.

Ҳар бир маҳоратни ўзлаштириш босқичи ўзининг педагогик маъносига эга. Шу тарзда бош анатомиясини ўрганиб, ўзига хос ҳажмдор шаклли, яхши қурилган ва ифодали нусхани танлаб олиб, уни гипсдаги нусхасини ясашга киришамиз. Мисол учун Микеланжело яратган Моисей бошини олиб кўришимиз мумкин. Бу бошнинг анатомияси аниқ ифодаланган, масса равшан жойлашган, тузилиши мукамал. Иш бизни шаклни тўғри тушунишга ва яратишга олиб боради. Ҳайкалтарош Ф.И. Шубин яратган режа ва вазминдор ҳажмли шаклда аниқ ифодаланган И.Г.Чернишев боши бунга бошқа мисол бўла олади.

Жонли нусхадан ясашга ўтишдан олдин бу бошларни яшаш давомида шарпа ва ҳажмни қуриш, уларнинг мувозанати ва нисбатларини аниқлашни ўзлаштирамиз ва уни қуриш малакасига эга бўламиз. Гипс нусхадан паргар ёрдамида бўлаклар ифодалилигини ўзгартирмай туриб қанча керак бўлса, шунча ўлчаш имкониятлари мавжуд.

Услубий бажариш учун иккита дастгоҳ керак. Гипс нусха бир дастгоҳга биз ишлайдиганимиз билан баравар баландликда жойлаштирилади. Бу эҳтиёткорлик жуда зарур, акс ҳолда кескин қисқартириш (ракурс)да нусха кўриниши бошқа нуқтаи назардан бошқача бўлиб, у шаклни ўта бузилишига олиб келади. Темир ёки ёғоч қобирға лой билан тўлдирилади.

Асбобларга келсак, келсак бир ёки икки хайкалтарошлик қалами, халқа, паргар ва ёғоч болға ва албатта, яшаш учун тоза ва яхшилаб аралаштирилган лой керак. Сийрак ва ёпишқоқ лой бармоқлар ёки асбобларга ёпишади, яшаш учун аввалдан ишлов берилган бир неча бор пишитилган лой яхши хом ашё ҳисобланади.

Қобирғага тахтачаларни мустаҳкамлагач, ёпишқоқликни ошириш учун уларни хўлланади. Лой ҳар бир тахтачага ва қобирғанинг темирига тухум катталигидаги бўлақлар ҳолида жойлаштирилади, бунда қобирға доимо иш ўқининг ўртасида бўлиши керак.

Тахтачаларни лой кўп миқдорда қуйиладиган жойларга ўрнатади. Шу тарзда бош - нусхадан бироз кичикроқ чўзиқ шакл ҳосил қилинади. Лойни тахтачаларга зич қилиб қўймоқ керак. Тахтачалар лойда яхши мустаҳкамланади ва таянч вазифасини ўтайди.

Ҳосил қилинган чўзиқ шаклга бўйин учун асоси тахтада бўлган устун кўринишида лой қўямиз, бунда қобирғани имкони бориша ўртада бўлишини кузатиб бориш керак; акс ҳолда шаклни яшаш давомида у ташқарида бўлиб қолади.

Гипс нусханинг ҳаракатини тўғри беришда шоқулдан фойдаланамиз, унга иш жараёнида тез-тез мурожаат қиламиз. У шакл ва ҳаракатни жойлаштириш ва текширишга, ўқни ва ҳар томондан унинг шарпасини яратишга ёрдам беради, нусхадаги бўртма ва чуқурчалар ишимизга тўғри ўтказилади. Шу тарзда бурунни жойлаштириш, вертикал ўққа нисбатан юзнинг йўналиши, оғиз (лаб атрофи)нинг ўрни ва ҳоказоларни кўрамиз. Шу усул билан биз бошнинг барча таркибий қисмларини ўрганамиз.

Умумий силуэтни олдиндан, ёндан, тўртдан уч қисми бурилишида ва оркадан яратишга уриниб кўрамиз, нусха ва тасвирни бир нуктадан туриб тез-тез айлантириб кузатиш лозим бўлади. Ҳаракат ва ҳажмли шаклни йирик режада тўғрилигига қаноат ҳосил қилгач, паргар (циркул) ёрдамида текширишга ўтишимиз мумкин. Кўз орасидаги масофани, пешона текислиги ва ҳажмига нисбатан жойлашиш чуқурлиги, уларнинг бурун бўртиғига нисбатини, бурунни лаблардан масофаси, даҳаннинг ва бош чўзиғининг нисбатлари ва шу кабиларни текшираемиз. Шунингдек калла шаклини унинг дўнгликлари билан кузатиш керак.

Текширишда кузатишлар натижалари асосида ишни таҳлил қиламиз. Паргар билан фақат ҳаракат ва нисбатларни беришни ўзлаштиришда фойдаланишни маслаҳат берамиз. Гипс нусхани узоқ вақт давомида диққат билан ўрганиб, шаклни унинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳаракатларини англаб олгач, уларни ўз ишимизга ўтказишга ҳаракат қиламиз. Фақат бир қанча гипс қолипларда нусха кўчириш машқларидан сўнгина жонли нусха (натура)дан ишлашга ўтиш мумкин. Юқорида ясала бошланган ишни давом эттириб, нусханинг ҳақиқий ўлчами (аввал йирик ҳажмлар, кейин бўлаклар)ни яратамиз.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб шуни айтаемизки, эскиз даврида бошланган иш ўлчамлари ҳақиқийсидан кичик бўлиши керак. Бизнинг диққатимиз умумий шакл ва тавфсилотсиз ҳаракатга йўналтирилган бўлиши керак. Бунда бошнинг бўйинда, бўйиннинг елкада ва ҳоказоларни жойланиши имкон қадар тўғри бўлишини кузатиш зарур.

Қулоқ (қулоқ супраси) яхлитнинг бўлаги сифатида

Қулоқни нусхада эгаллаган ўрнида яшаш учун қулоқ супраси жойлашишини, қулоқ тузилиши, унинг юздаги бошқа бўлаклар билан ўзаро муносабатларини ўрганиш зарур. Маълумки, қулоқ кесими, аниқроғи унинг чорпоysi бурун, пешона, оғиз ва даҳанни ўлчашда асос нуктаси ҳисобланади. Агар қулоқ воқеликдагидан жуда баланд ёки жуда қуйи, яқин ёки узоқ

жойлаштирилса, бу юздаги бошқа хусусиятларнинг мувозанати ва ўлчамларининг нотўғри бўлишига олиб келади. Кулоқ, ўки қия бўлиб, ёндан каралаётган бурун йўналишига деярли параллел эканлигини эслатиш муҳим. Кулоқнинг юқори чегараси қошнинг энг юқори нуқтаси билан бир горизонталда бўлса, кулоқ супрасининг қуйи чегараси бурун тешиклари бўйлаб ўтган горизонталда бўлади.

Кулоқ супрасининг узунлиги турлича бўлиши мумкин, бироқ у асосан юқорида айтилган горизонтал чизиқлар орасадаги масофага мос бўлади. Аёллар кулоғи одатда эркакларникига нисбатан кичикроқ бўлади.

Айтганимиздек, кулоқнинг ташқи кўрниши жуда турлича бўлиши мумкин, бунинг устига у фақат турли одамлардагина эмас, балки бир одамнинг ўзида ҳам ўнг кулоғи чапига ўхшамаслиги мумкин. Шунинг учун алоҳида диққатни барча режага қаратиш керак.

Олдиндан кўраётган юздаги кулоқ чегарасини жуда аниқ белгилаб олиш керак. Агар кулоққа бош ҳажмига нисбатан керакли ҳажм берилмаса, кулоқ тўла бўлиб, нусха юзи ўта ингичка бўлиб қолади.

Бошнинг юқориси билан кулоқ супрасини фақат олд томондангина эмас, орқа томондан ҳам жуда яқин бўлишидан қочиш керак; калла қобиғини кулоқ гажаги четидан ажратиб турувчи чегарани айниқса диққат билан белгилаб олиш керак, худди шундай тарзда кулоқ супрасининг ўзини чуқурлиги ва чегарасини аникланади.

Шунингдек ёндан кўринишда ўнг ва чап томондаги фарқларни аниқлаб олиб, юздаги ички ҳиссиётларни ифодаловчи чизиқларга урғу берилади.

Нусхани тепадан кўриниши режаларни тўғри жойланишини белгилаш ва текшириш учун муҳим. Агар кўз билан чамалаб ўлчаш қониқарли натижалар бермаса (баъзан энг тажрибали кўзлар ҳам адашиши мумкин), паргар ёрдамида ўлчашга ўтамиз. Хатто кўз билан чамалаб ишни кўра олганимизда ҳам, бу усул ёрдамида ўлчамларни текшириб кўриш зарар қилмайди. Паргар ёрдамида текшириш оддий кузатиш давомида кўз илғаб

ололганларни тўлдиришга ёрдам беради. Бу текшириш давомида ишни ҳам, нусхани ҳам турли ракурслардан кузатиб ва нусханинг имкон қадар ҳаққоний чегарасини ярата бориб зарур тузатишларни қилиш керак.

Бошни йирик режада кўриб олганимиздан кейингина бошнинг дастлабки нусхаларини жиддий ишлашга киришамиз. Бошни фақат олдиндан эмас, шунингдек ёндан, орқадан ва тўртдан уч бурилишда кузатиш керак, бошни яхлит тушуниш учун уни барча бурчаклардан энг майда икир-чикирларигача ҳисобга олган ҳолда кузатиш керак. Машҳур япон рассоми Хокусай (1760-1849) “бош мингта қиёфага эга” деганда тўла ҳақли эди. Бу билан у чексиз ифодаси билан бир қаторда бошга улкан ҳилма-хил контурлар хослигини айтмокчи бўлади.

Бош бўлақларини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида расм ва яшашга бағишланган бўлимларда айтилган бўлса ҳам, яна бутуннинг бўлаги сифатида бу мавзуга қайтиш ва шу ўринда маълумотларни тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз. Немис археологи Винкельман (1717-1768) кулоқ қадимий юнон бошлари ичида кўп, атрофлича ўрганилган бўлак деб таъкидлайди.

Агар одамни орқасидан қулоғига қараб таниш мумкинлигини ҳисобга олинса, кулоқни ясаётганда уни орқасидан ҳам, олдидан ҳам, ёндан ҳам бирдай диққат билан яратиш керак.

Кулоқни керакли ўринга жойлаштириб, яшашни давом эттирамиз, унинг яхлитлиги ва режалар қурилишидага уйғунлиги, шакл ва расм хусусиятларини таъкидлаган ҳолда кулоқ супрасидаги ботиқ билан уни ўраб турган бўртиқлар орасидаги муносабатларни белгилаймиз.

Бош бўлақларини таърифлаш, у қанчалик тўлиқ бўлмасин, етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Фақат бевосита танишиш ва кузатиш бош нусхасини тўғри яшашга анча яхши ёрдам беради.

Бурун (бурун устун) яхлитнинг бўлаги сифатида

Керакли ҳажмларни ошира бориб, бошқа бўлақларда қилинганидек бурун расмини олдиндан ва ён томондан жуда аниқ кузатиш керак. Нусхани

қуйидан кузатганимизда бурун тешиклари шаклини аниқлаймиз, бунда асосан бурун тешикларини бўлиб турувчи тўсиқ калинлилигини ва бурун тешиклари шаклини белгилаймиз.

Бурун тўсиғининг ўта калинлиги ёки жуда ингичкалиги бурун асоси шаклига таъсир этади, унга мос кўриниш беради.

Буруннинг ташқи чегарасини диққат билан ясасак, бурун тешикларининг ички юзасини осонгина шакллантира оламиз.

Бурун тешиклари билан ҳосил бўлган режалар муҳим қисмлардир, уларни турли одамларда турлича бўлишини ва у жинс, ёш ва ҳоказоларга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда аниқ ишлаб чиқиш керак.

Агар бурун ҳажмининг юзасидаги хусусиятлар нусхада керагича кескин ва аниқ бўлмаса, унга ён томондан ёруғлик йўналтириб уларни юзага чиқаришга ҳаракат қилиш керак.

Шу тарзда буруннинг тузилишидаги сезилар-сезилмас режалар мувозанати, нурсоя кескинлиги туфайли аниқ ажратиб кўрсатувчи рельефи ҳосил бўлади.

Бурун тешикларининг ташқи қанотлари деб аталадиган қисми бу қанотларнинг қуйи қисмидан бошланувчи ва уларни яққол кўрсатувчи икки ёйсимон чуқурлик билан чегараланган. Бу чуқурликларни аниқ яратиш расми аниқлашга ёрдам беради ва бошга жонлилиқ бағишлайди.

Эътибор билан кузатсак, ён томондан бурун шарпаси юқори лаб билан бурчак ҳосил қилмайди, туташган жой бу ўтишга турли кимсаларда турлича майинлик бахш этувчи эгилган чизик ҳосил қилади.

Бошқа бўлақларда бўлгани каби бурун тешикларини яшашда ҳам нусханинг фақат ҳажмли шаклини эмас, балки унинг руҳий ҳолатини ҳам тушуниш талаб қилинади. Шаклни кескинроқ ёки бир мунча аниқроқ қайта яратиш бурун, бурун тешикларининг қуйидан кўриниши айрим руҳий ҳолатларни беришда юздаги ифодалилиқни ажратиб кўрсатади. Бошнинг ифодалилиги бурун тешикларининг ҳаракати, яъни уни кўп ёки кам кенгайишига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Кенг, гўё кўп ҳавони тортаётган

бурун тешиклари бошга руҳланганлик, ғайрат ва шиддатга тўла кўриниш беради. Ортиқча кенгайтирилган бурун тешиклари - юзнинг қўшимча ифода хусусиятлари бўлиб, ҳиссиёт, яшовчанлик ҳақидаги фикрларни туғдиради. Қиррали режалар бурун тешикларини бурчакли тасвирлаш асабийлашганликни ифодалашга ёрдам беради.


Нусха хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг юзга берадиган ифодалилигини ҳисобга олган ҳолда бурун тузилади. Бурун тешиклари улар ҳақиқатда нафас олаётгандек таассурот туғдириши керак.

Иш ва нусхани уларнинг бирортасига ортиқча туриб колмасдан ҳар томонга айлантириб туриш керак, шу тарзда биз уйғун ва жонли яхлит тузилишга эга бўлишимиз мумкин.

ХАЙКАЛТАРОШЛИК НУСХАЛАРИНИ ҚОҒОЗДА ЛОЙИХАЛАШ

Лабнинг хайкалтарошлик нусхасини лойиҳалаш.

Лабни лойиҳалаш - юқори ва қуйи лаблардан иборат кўринишга эга бўлган табиий қулф тузилишини таҳлил қилиш: юқори лабнинг қуйи лабнинг чуқурчаларига мос учта (ўрта ва икки ён) “думбоқча”лари. Қуйи лаб думбоқчалари (улар иккита) - юқори лабнинг уч думбоқчалари орасидаги чуқурчаларга аниқ киради.




Шу тарзда биз юқори ва қуйи лабларнинг бирикишидан ҳосил бўлган маҳкам қулфнинг тузилишини кўрамиз. Ўрта чизик шарпаси ишнинг шу тузилишига боғланган. Бундан ташқари, ўрта чизик таҳлили уни текисликка оид бўлмай, балки юқори жағ ҳажмини такрорлаб гўё токи (арка) ҳосил қилишини кўрсатади. Қуйи лаб думбокчалари лаблар ёйи таянадиган шаклларда давом этади. Иккита гул устунсимон шакллар қуйига туширилади, улар орасидаги бўшлиққа даҳан понаси туташади.

Қулоқ супрасининг хайкалтарошлик нусхасини лойиҳалаш

Иш қулоқ супрасини таҳлил қилишдан бошланади. Бунда энг аввало қулоқ супраси бошга мустаҳкамланадиган ўқ чизиғининг қиялигини аниқлаб олиш зарур.

Қулоқ супрасининг тузилиши асосини товуш эшитиш тешикчаси атрофида жойлашган ўзига хос чуқурча (воронка) ташкил қилади: гажак, тескари гажак, қулоқ чорпояси ва тескари чорпоя ва қулоқ солинчаги (юмшоғи).


Бу барча тузилиш товуш тўлқинларини эшитиш тешикчасига йўналтириш учун мўлжалланган. Гажак ва тескари гажак чуқурчанинг юқори қисмига жойлаштирилади, бунда бир-бирига қарама-қарши кўтариладиган ва чиқадиган ҳаракатлар ҳосил қилади. Бу барча тизим юмшоқ шаклдаги қулоқ солинчага ва каттиқ шаклдаги қулоқ чорпояси ва тескари чорпоя билан туташади.



Нусханинг ўзига хос барча нисбатларини сақлаган ҳолда талаба абстракт ва маконга оид фикрлаш фазилатларини, шаклни ўқий олиши ва унинг моҳиятини тушунишини намоёиш этади.

Одам кўзининг хайкалтарошлик нусхаси қолипни лойиҳалаш

Кўзнинг ҳажмли шаклининг таҳлили талабадан ишдан 2 босқични ажратиб олишни талаб қилади: 1- кўз ботиғи ёки қаттиқ суяк халқаси билан ўралган кўз косасини лойиҳалаш; 2 - тухум шаклига эга бўлган ва кўз ботиғи тузилишига кирувчи кўз соққаси шакли. Унинг қиялиги ва бурилиши кўз қарашининг ҳаракат ўқиға боғлиқ.




Бу тухум кўз соққаси тузилишини такрорловчи юқори ва қуйи қовоқнинг майин тўқималари билан ўралган. Қовоқнинг кўз юза юзасининг юмалоғи бўйлаб қиладиган барча ҳаракат бурилишлари бир неча аниқ бурилишларга эга бўлган қатъий геометрик тузилишга бўйсинади. Қуйи қовоқ ўз ҳаракати билан юқорисидагининг остига чўзилиб кетади. Кўзнинг горизонтал ўқи одатда кўзнинг ташқи бурчаги томонга қия бўлади, жойлашиш баландлигига кўра ҳам у ички бурчагига нисбатан бир мунча қуйида жойлашган. Лойиҳалашда буни ҳисобга олиш керак ва тузилиш асосини бурундан пастга ёноқ суяги томон қия текисликда белгилаш лозим.

Биз хайкалтарош фойдаланадиган бир қатор асбоб ва жихозларни баён қиламиз, ваҳоланки санъатнинг барча турлари билан шуғулланмайдиган хаваскор рассом ёки хайкалтарош факат айримларигагина муҳтож бўлади. Бироқ хаваскор ҳам уларнинг фойдасига қаноат ҳосил қилиши, уларни билиб олиш учун улар билан ишлашни бошлаши керак деб ҳисоблаймиз. Вақти билан унинг назарии ва амалий билимлар доираси кенгайганда улардан фойдаланиш зарурияти туғилади.

Буриннинг хайкалтарошлик нусхаси қолипни қоғозда лойиҳалаш.

Ишнинг бошини бурун шакли қурилишининг нисбатлари ва тузилишини таҳлил қилиш ташкил



килади. Ундан бурун Т кўринишидаги шаклга эга эканлигини, горизонтал - тўғри эмас, балки юқори жағнинг бўртиқ юзасига таянганини кўрамиз. Шунинг учун буруннинг асос нуқтаси ёки илдизи бурун қанотларига нисбатан анча юқорироқ сатҳда ётади. Буруннинг орқаси баландлик муносабатида пешона текислига билан боғланган. Юз ва пешона текислиги унга бурун тузилиши ҳам туташадиган ўзига хос поғона ҳосил килади. Бу билан боғлиқ ҳолда буруннинг ён текисликлари пешона асосидан қанотларига томон бурама бурилиш ҳосил килади. Тик текисликдан нишабликка мос. Бурун қанотлари буруннинг асосий танасидан бир мунча фарқ қиладиган ўзига хос ҳажмга эга. Бурун асосининг қуйи, кенг қисмида қанотлар шакли учбурчакнинг асосига яқинлашади. Бунда ўзига хос нисбатларни эсдан чиқармаслик керак. Классик ўлчовларда қанотлар ёйилиши бурун девори узунлигининг 1/2 ни ташкил килади.

ОДАМ ХАЙКАЛИНИ ЯСАШ

Содда нарсалар натюрмортлар, ўсимликсимон нақшлар ва юз бўлақларини ясаш, бош ва бошни тана (торс)нинг юқори қисми билан ясаш ва уларнинг бирга қўшиб бор ғайрат билан ясамай туриб, тўғридан-тўғри одам хайкалини ишлашдан бошлаш жуда катта хато бўлар эди. Бу одийдан мураккабга томон бўлган изчиллик жуда муҳим.

Яланғоч шаклни ясаш билан бир вақтда инсон танаси ва унинг ҳар бир ҳаракати тузилишини тушуниш учун пластик анатомияни ўрганиш зарур.

Ясаш жараёнини тахминан ва умумийгина қилиб баён қилиш мумкин, албатта. Бироқ муҳим ҳолатлар борки, хаваскор хайкалтарошлар ишига хос бўлган тез-тез такрорланувчи хатолар ҳақида айтилганидек, улар ҳақида ҳам алоҳида гапириш мумкин.

Одам хайкалини яланғоч нусхадан ясаш билан таништириш учун 1 м ўлчамда бажариладиган (тинч ҳолатда турган тана баландлиги назарда

тутилади) этюдни танлаб оламиз. Бу табиий баландликнинг ярмидан бир озгина ортиқ-барча бу ерда айтиладиганлар табиий баландликнинг ярмига тенг этюд ўлчамига тааллуқли бўлади.

Дастгоҳ ва ускуналар

Кўчириладиган нусха учун дастгоҳ ҳаракатсиз асос - стол ва томонлари 0,7 дан 1,0 м гача бўлган айланувчи тахтадан иборат бўлади. Дастгоҳ баландлиги шундай жойлаштирилиши керакки, кўчириладиган нусха бўйининг ўртаси хайкалтарош кўзи билан барабар ёки ундан 10-20 см паст бўлсин. Юқори тахтани осон айлантириш учун бир-бирига туташган юзалар рандалаб силлиқланган бўлиши керак. Улар орасига доира шаклидаги фанер ёки столга ва айланувчи тахтанинг қуйи сатҳига текис туника қоқилиб ва у бирорта мой билан мойланса дуруст бўлади.

Табиий баландликнинг ярми булган 1 м ўлчамдаги хайкал яшаш учун улама оёқли дастгоҳ қулай, ишлаётганнинг бўйига қараб ва этюд ўлчамидан келиб чиқиб оёқлар ёрдамида дастгоҳни кўтариш ёки тушириш мумкин. Кенглиги 60 мм ва қалинлиги 25 дан 35 мм гача бўлган чорқирра улама оёқлар жуда мустаҳкамдир. Дастгоҳнинг баландлиги энг юқорисида 1,05 м, энг пастида 0,73 м ни ташкил қилади.

Табиий баландликдаги этюдлар учун мўлжалланган дастгоҳга кўчириладиган нусха остидаги дастгоҳдан биров паст бўлгани танланади, бунда унинг мустаҳкамлиги ва баландлигига алоҳида эътибор берилади. Табиий баландликдаги этюдлар устида ишлаганда махсус айланувчи қурилма – “юлдузча” (ёки “паррак”)сиз эплаб бўлмайди. “Юлдузча” дастгоҳнинг айланишини енгиллаштиради. Учларига (одатда улар бешта бўлади) чархланган ғилдиракчалар ўрнатилади ва гайка билан маҳкамланади. Ғилдиракчаларга бочкасимон (четларига нисбатан уртаси 0,5-1,0 мм қалин) шакл берилса, яна яхшироқ. Агар ғилдиракчалар юрадиган темир халқа ёки туника бўлмаса “юлдузча” дан бутунлай воз кечиш керак: ғилдираклар тахтада нотекис излар ҳосил қилади; бундан хайкал титрайди ва у ёки бу томонга эгилади.

“Юлдузча”лар бўлмаганда, ёғочдан хочлар тайёрлаб, уларнинг учига-гилдиракчалар ўрнига водопровод қувури кесмаларини ўрнатиш мумкин. Агар фақат бир дона темир халқа топилса, уни айланувчи тахта остига ўрнатиш, стол ичига эса ҳар бири қисқа (10-15 см) ўқда қўзғалмайдиган қилиб маҳкамланган бир неча золдирли подшипник (шарикоподшипник)лар жойлаштириш мумкин. Қўл остида 2-3 мм дан юпққа бўлмаган иккита темир тахта ёки иккита эски паргар (циркул) арра бўлиши мумкин. Уларни биринчи столга, бошқасини айланма тахтага маҳкамлаш, улар орасига ўндан ортик темир золдирлар қуйиш мумкин. Золдирлар чиқиб кетмаслиги учун қўлбола сепаратор - фанердан золдирлар сонига қараб тешиқлар ҳосил қилинган катта доира тайёрланади ва бу тешиқларга золдирлар жойланади.

Ўқ вертикалдан қанча катта оғса, бу айлана ҳам шунча катта бўлади. Бу ҳолда дастгоҳнинг оғишини унинг оёғи остига киритилган поналар билан ўзгартириш зарур. Ўқувчилар кўпинча қобирға маҳкамланган тахтани поналайдилар. Бу билан дастгоҳнинг айланма ўқи йўналиши сира ҳам ўзгармайди. (Бу усул айрим ҳолларда нима учундир бутун шаклни олдинга ёки орқага, чапга ёки унга биров ўзгартириш зарур бўлиб қолгандагина фойдалидир). Шоқул учи текширганда озми кўпми тўғри айлана чизмай, у ёки бу томонга тартибсиз сакраса, демак дастгоҳни созлашдаги энг биринчи шарт бажарилмаган, дастгоҳ столи ва айланма тахтанинг қуйи сатҳи равон бир текислик ҳосил қилмаган. Бу билан келишиб бўлмайди.

Кичик ўлчам (40 дан 60 см)даги хайкал этюди турган дастгоҳни шоқул билан текшириш зарур бўлса, дастгоҳдан бир неча қадам узоклашилади ва шоқул кўз олдингизда шундай тutilадики, унинг ипи бирор бир баланд нуқта - нишондан ўтаётгандек булсин. Майли бу лойга тикилган гугурт чўпи булсин. Бунда кўриш орқали плинтда шоқул ипига мос келадиган чизиқ чизилади. Сўнг тахтани 180° га бурилади ва бир мунча масофадан яна қаралади, плинтдаги белги нишон гугуртдан ўтаётган шоқул ипига мос келаяптими ёки шоқул ипи белгидан четга жойлашдими? Охириги ҳолатда плинтда иккинчи чизиқ чизилади ва шоқул ипи плинтдаги икки

белги орасидан аниқ ўтмагунча поналаш билан дастгоҳнинг ҳолати ўзгартирилади.

Нусхани танлаш ва куйиш.

Давомли ўқув этюдлари учун кўпроқ эркак нусхаси тўғри келади: эркак ва айниқса, ёш танада, агар ўта семизлиги билан ажралиб турмаса, аёлларникига нисбатан тузилиши ва ҳаракат йуналишлари анча аниқ кўзга ташланади; эркак шакли кўполроқ, аниқроқ ва шунинг учун уни англаш анча осон.

15-20 соатга мўлжалланган хом қолип ва этюдлар учун хаваскор хайкалтарошни қизиқтирадиган ҳар қандай нусха тўғри келади. Бирок бу ерда ҳам нотўғри ўсиш ёки ёши билан боғлиқ бузилишлари бўлмаган, тузилиши яхши кўриниб турган шакл устида ишлаш самаралироқ. Давомли этюдлар учун тинч, қатъий, табиий ва туриб бераётган (натуршик)ни зўриқтирмайдиган ҳолатлар танланади. Ўқув ишлари учун севимли ҳолат — бутун тана оғирлиги бир оёққа тушиб, бошқаси бир оз олдинга, ёнга ёки орқага қўйилган ва тиззадан букилган сокин ҳолат. Қўл ҳолати - ҳар қанақаси тўғри келади, бироқ қўл танани имкон борича кам беркитиб тургани яхши, шунда тананинг ҳар бир қисми турли томондан жуда яхши кўзга ташланади.

Баъзан туриб бераётган кимсанинг оралиғи катта ёки кичикроқ очилиб турган икки оёқдаги тик ҳолати табиийроқ ва ифодалироқ чиқади. Бу ҳолатдаги шаклни ясашда эътиборсиз хайкалтарош учун оғирликни у оёқдан бу оёқга ўтказиш сезиларли бўлмаслиги мумкин. Ўзи тўғри олинган таяниш ҳолати ўйламасдан, сабабсиз аралаштиришларда ҳаракатни маъносиз ўзгартиришга олиб келади. Йўли битта: туриб бераётган нусхадан дастлабки ҳолатини сақлашини сўраш.


Икки оёқлар зич қўйилган ҳолат ҳақида ҳаракат тузилишидаги шартлиликни англашни қийинлаштиради дейиш мумкин, бироқ шу билан бирга одам танасидаги нисбатлар ва шаклларни ўрганишда, шунингдек композиция ғояси талаб қилганда ундан фойдаланиш мумкин.

Нусхани ўқув этюди учун қуяётганда, унинг ҳолати шу одамга хос бўлган аҳвол хусусиятини ёки бирорта ҳаракатни ифодалашига интилинг. Ўзига хосликни излаш давомида ишловчининг диди, топқирлиги, унинг кўраётган нарсасини англай олиши намоён бўлади. Уйғун ва мазмунли кўйишни топишда бирор соат вақт сарф қилиниши ачинарли эмас. Агар ишнинг биринчи ёки иккинчи куни нусхадаги янада қизиқарли ва ўзига хос ҳолатга дуч келиб қолсангиз, яшашни қайтадан бошлашда маъно бор. Эътиборли бўлинг, нусханинг чарчаганини сезсангиз, у сизга керакли ҳолатда табиийроқ бўлиши учун унга яхшигина дам олиш, ҳаракат билан ёзилиб олишни таклиф қилинг.

Қобирға.

Дастгоҳ этюд учун туғриланган, ўқув ҳолатининг моҳияти тушунарли бўлгандан сўнг қобирғани тайёрлашга киришиш мумкин.

Қобирғани туриб бераётган нусхага қараб қилгангани маъқул. Агар хайкалтарош ҳолатни диққат билан ўрганган бўлса, шунингдек ёрдамчи расмлар ёки пластилин хомқолипи бўлса, нусха йўғида ҳам қобирғани тўлиқ йиғиши мумкин. Барча ҳолларда ҳам қобирғани яшашни уни нусха ҳолати билан солиштириб яқунлаш керак.




Энг аввало лой плинт қўйинг. Бу тасаввурда яратилган хайкалтарошлик этюди учун биринчи моддий таянч бўлади. Кейин ўзингиз учун этюд ўлчамини аниқланг, сиз унинг юқори чегараси ҳақида тасаввурга эга бўласиз. Шу вақтдан қайсидир масштабда унинг барча бўлаклари ўлчамлари белгиланади. Қобирғанинг юқори чегарасини бирор нарса билан белгилаш қийин. Бунинг учун унда этюд масштабидаги шакл бўйи белгиланган таёқчадан фойдаланиш қулай. Унда шунингдек мўлжалланган бўйин чуқурчаси ва қов, керак бўлса бошқа

нуқталар ҳам белгиланади. Бўйин ва бош устуни жойига қўйилгач, лой билан бўйнинг энг юқори қисми бошнинг энг чўққиси белгиланади. Энди бўлажак хайкалнинг қаерига глаголнинг горизонтал елкаси киритилиши, унга мослаб плинтни кўтариш ёки туширишни аниқлаб олиш керак.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ бўлажак хайкал тарзи йўналишини аниқлашни, плинтнинг олдинги киррасини тос соҳасига параллел қилиб жойлашни маслаҳат берамиз. Плинт тўғрибурчакли режада бўлгани яхши. Кейинчалик хайкалнинг олд томонини орқаси Билан, чап томонини ўнги билан боғлашда, катта шаклларнинг горизонтал қирқимини қуришда у қўшимча нишон вазифасини ўтайди;

Бўйин чуқурчасини қобирғада вақтинча боғланган сим ёки лой бўлаги ёки тахтача билан белгилаш мумкин. Сўнг лой плинтда хайкалтарошлик қалами учи билан бўлажак шакл расми (изи) чизилади. Таянч изи контури албатта зудлик билан шоқул ёрдамида плинтда белгиланган бўйин чуқурчасининг вертикал тасвирида туғри ҳолатини топишига диққатни қаратинг. Изларни тўғри ўлчамда ва тос-соҳасига нисбатан бурилишида тўғри чизинг. Хаваскорлар кўпинча изларни шаклга



Қўл учун
қобирғани

қандай

-жойлаштираётганда эътиборсиздирлар, ваҳоланки режада тўғри жойлаштирилган излар расмига қанчалик тез эга бўлиш муҳимдир.


Энди қобирға тайёрлашни охирига етказиш мумкин. Бунда кўз чамаси ва тасаввур кучини қўллаш мумкин, бироқ, шоқул ёки паргар билан кенгликдага ўзига хос нуқталар жойини аниқлашни ҳам унутмаслик керак. Яна бир мулоҳаза: бошқалар орасида қўл учун устунлар ҳам кечиктиршасдан уз урнини топсин. Қобирға тайёрлаб биз хайкалтарошлик ишининг бир қисмини бажарамиз, бунинг натижасида эса тугалланган этюд пайдо бўлади.

Биз ўқувчига кенгликда қобирғанинг таянч нуқталарини шундай жойлаштиришини маслаҳат бермоқчимиз, улар кўзга тана ўқи бурилиш

бурчаклари, нисбатларни кўрсатиб турсин. Шунда сиз учун олдингиздаги бўлажак шаклни ҳар доим ҳис қилиб туриш осон бўлади. Бўлажак хайкални кўриш ҳиссини кадрланг, қобирғадан у ўзининг кўриниши билан шу ҳисни ушлаб туришга ва ривожлантиришга ёрдам бериши учун фойдаланинг.

Хайкал учун қобирға кўриш қийин эмас Расмда табиий ўлчамнинг

1 м дан кичик
хайкал учун
глаголь



ярами баландлигидаги этюд учун қобирға тасвирланган 1 м хайкал ўлчамидагн қобирғадан сира фарқ қилмайди.

Қобирғанинг асосий қисми глаголь ҳақида юқорида гапирилган. Глаголга танани ушлаб турувчи қалин (4-6 мм) сим халқа маҳкамланади. У асоси юқорида бўлган учбурчак кўринишига эга. Пастга қараган сим учлари горизонтал қайрилади ва глаголнинг горизонтал елкасига боғланади. Ҳаққа глаголнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал кесимларига боғланади: шунда у тик ўқ, атрофида бурилишдан ҳимояланган бўлади.

Бош учун устун глаголнинг горизонтал елкаси ҳамда вертикал учларига боғланади ва тана халқасига бирлаштирилади. Бош устуни тана халқасига боғланган жойдаги тугун бу қобирғанинг шундай жойи, у яшаш жараёнида қаердандир бўйин чуқурчасидан ёки унга яқинроқдан ҳаммадан кўпроқ ташқарига чиқиб олади. Шунинг учун бутун бу “жодули” тугун чуқурроққа ишончли қилиб яширилсин. Халқанинг юқори қисми умров жойидан 2 см пастроққа жойлаштирилади, бош учун устун тана халқасининг олдидан эмас, балки орқасидан утказилади. Бўйин ва бош учун устун кейинроқ шаклга қўйилган лойдан бир оз чиқиб туради, ортикчасини омбир билан “тишлаб олиш” қийин эмас.

Хочлар ва боғланма илончалар

Оёк учун узунроқ сим олинг. Унинг куйи қисми оёк кафтига эмас, балки деярли турадиган қилиб плинт ичига киради. лой билан керагича мустахкамланади, агар



уни суриш қийин эмас. Худди шу усулда баъзан қўл устунининг куйи қисмини лойга махкамлаш ва яшириш мумкин. Қўл учун сим у кимирамаслиги учун кобирғага зич боғланади. Масалан, 184-расмда кўрсатилганидек боғлаш нотўғри бўлар эди, чунки бир қўл учун симни букишда бошқаси ҳам силжийди. Панжалар кобирғаси учун асосий устун охирига бешта симдан иборат тутам боғланади. Агар қўл панжаси танага жипс турса, унга кобирға қилинмаса ҳам бўлади.

ёғоч тахтага тегиб
Қуйида оёк, устуни
керак бўлиб қолса,

Айрим ҳолларда гавда ҳолатига қараб бўлажак хайкал танасига глаголни ёндан, баъзан орқа юзадан сонга киритиш қулай деб ҳисоблайдилар.

Кобирға бўлакларини юмшоқ, сим билан боғлайдилар. Қаттиқ букулувчи ёки мурт сим олдиндан куйдирилади. Агар керакли қалин сим бўлмаса, ингичка симни 2-3 букланг. Умуман симни шундай танлаш керакки, кобирғанинг ҳар бир бўлаги лойнинг оғирлигида эгилмасин, яшаш давомида босимдан чайқалмасин ва шу билан бирга керагида тўғри келиб қолса бошқача букишга итоатли булсин. Узоқ давом этадиган этюд учун алюминий симдан кобирға қилиб бўлмайди, чунки у вақт ўтиши билан лойда бузилади.

Кобирғани тутиб турувчи асосни лойни ушлаб қолиши учун оддий мосламалар — 19-расмда тасвирланган хочлар ва “боғланма” (“илонча”лар асосга ўраладиган ёғоч бўлакча)лар билан пухта махкамлаш керак. Уларсиз иш даврида лой бўлак-бўлак бўлиб кучиб кетади. Хочлар лой кўпроқ қўйиладиган, пастга (ёки ёнга) қўпорилиб тушиши мумкин бўлган жойларга ўрнатилади; “илончалар” билан асосан қўл ва оёк; устунлари урилади. Лойнинг миқдорини, демак унинг вазнини камайтириш учун ва унинг

қобирға билан боғланишини ошириш учун ҳажм имкон берган жойларда металл асосга ёғоч бўлакчалари боғланади.

Шошманг. Қобирғани тўғри қилиш учун қанча меҳнат талаб қилинса, нотўғри қилиш учун ҳам шунча меҳнат талаб қилинади.

Кичик шакллар учун ҳам қобирға худди шу усулда ёки оддийроқ қилинади. Лой қанча кам бўлса, кўчиш хавфи ҳам шунча кам бўлади. Кичик ўлчамдаги хайкаллар (50-60 см гача) яшаш учун энг қулай бўлган пластилинда баъзан хоч ва “илонча”лар керак бўлмайди.

Яшашни бошлаш.

Нимани ва қандай изчиликда тасвирлаш ҳақида маълум мулоҳазаларга эга бўлмай, яшашни бошлаш хато бўлар эди. Этюд яшашнинг тахминий жараёни ҳақида гапиришдан олдин баъзи умумий кўрсатмаларга тўхталамиз; баъзан улар фақат ишнинг бошидагина аҳамиятга эга эмас. Хайкалтарошни ташвишга соладиган учта қоида мавжуд: ҳаракат, нисбатлар, шакл. Ҳаракат, нисбатлар ва шакл бу ерда қандай тартибда аталаётган бўлса, хайкалда ҳам худди шундай тартибда ишланади.

Ҳали ишнинг бошида лой хайкал киёфаси белгиланмаган даврдаёқ у гўё иш дастгоҳида тургандай булажак шаклни “кўриш”га ўзни мажбур қилиш керак. Агар хайкалтарош этюдни кўраётганда булажак шаклни “кўрса”, унда барча ўлчовлар бор, унинг барча ҳаракатлари тушуниб қилинади; шаклдаги ҳар бир бўлак ўз жойига тушади ва бутунга мос уйғун бўлади.

Шакл ҳақидаги яхлит тасаввур нима? Бу хайкални бўшлиқдаги ҳажмли шаклда унинг кўриниб турган ва яширин томонларини бутунга бирлашган ҳолда тасаввур қилиш. Хайкал ҳақидаги бу яхлит умумлашма тасаввурга унинг ҳажмга оид хусусиятлари ва нисбатлар ҳақидаги тўлиқ аниқ маълумотлар кириши керак. Бунда диққат, фикр, хотира ва фазовий тасаввурни ишлашга мажбур қилиш керак. Амалда бу дегани нусхани ҳар томондан кузатиш, айти пайтда миёда хайкалнинг яхлит киёфасини куришга

интилишдир. Бу ерда қийинчилик хусусийларга чалғимаган ҳолда диққатни умумийга жамлашдир. Одатда биз ясаётган нарсамизни билишга вақт сарфламай тезроқ яшашга киришишни хоҳлаймиз.

Тезлик - бу шошма-шошарлик эмас. Тезлик ва “максадга аниқ қариш”га бу босқичда энг муҳими нима эканлигига хотиржам диққатни бир ерга тўплаш орқали эришилади. Нарсадан яшаш энг аввало ишни умумлаштирувчи фикрни талаб қилади. Шундан сўнг навбат қўлга келади.

Нусхани кузатаётганда, унинг умумий кўринишида зарурлик поғоналари - энг йирикдан бошлаб умумий энг кичикрокни фарқлашни ўрганинг. Бу “зарурлик поғоналари”ни одам шакли қурилишининг ўзи намоён қилади. Агар ҳали йирикни белгилаб олмаган бўлсангиз, вақтинча майдаларни унутинг. Жойланиши ва нисбатлари бўйича йирикни тўғри белгिलाган бўлсангиз, ҳар қандай керакли майда ёки унга қарашлилар эртами кечми ўз жойига “ўтказилиши”га ишонмоқ керак! “Зарурлик поғоналари”нинг ҳар бирида аввал умумий тарзда шу поғонага тегишлиларини бажариб олишни кузатинг, гарчи улар шаклнинг турли жойларида бўлса ҳам, сўнг навбатдагасига киришинг. Шу тарзда сизда бир неча йўналиш пайдо бўлади, аниқлашлар навбати билан шу йўналишда боради.

Бир хил аҳамиятга эга бўлган бир тартибдаги зарурликлардан бирини ҳали белгиламай туриб бошқасини аниқлаш билан шуғулланиш мумкин эмас.

Ўзакни қуриш.

Этюд ишлашга киришганда хайкалтарошнинг биринчи вазифаси - ясаётган нарсанинг оддий тузилишини имкон борича яхши билиш. Ишнинг бошиданоқ, одам танасидаги айрим нуқта ва чизикларга - уларнинг жамини ишнинг ўзагини қуриш деб атайдиганимизга кўпроқ, эътиборга бериш керак деб ҳисоблаймиз.

Тана ўзагини қуриш. Бунинг учун биз бўйин чуқурчаси (кўкрак суяги сопининг юқори учи), еттинчи умртқа поғонаси (аниқроғи унинг танада яхши билинадиган қилтиқли ўсиғи), қов суяклари уланган жой, шунингдек тоснинг трапециясимон шаклини ҳосил қилувчи қовурға билан корин орасидаги суяклардан олди-юқоридагисидан иккита ва орқа юқоридагисидан иккитасини оламиз. Кимки бу трапецияни фазода тўғри қўя олса, яъни керакли даражада жойлаштира ва ундаги олдинга ва ёнга эркин турган оёқларга тўғри қияликни бераолса, у шаклнинг бугун биносига асос қўйган бўлади. Кимки тос трапецияси устида ўзаро маҳкам боғланган бўйин чуқурлиги ва еттинчи умртқа поғонаси жойлашишини тўғри сезса, у деярли бутун танани белгилаган бўлади. Еттинчи умртқа поғонаси - бўйин чуқурчаси нукталари орқали ҳаёлан тўғри чизик ўтказиш ва унинг қиялигини, бошқа нарсаларга нисбатан унинг узунлигини ва кўкрак қафаси ҳаракатига қатъий мос олдинга йўналишини ҳис қилиш керак.

Шу вақтда тасаввур кучи билан кўкрак қафаси ўзагини “қуриш” ва уни тос трапецияси соҳасига нисбатан бурилишини сезиш лозим.

Тана ўзаги қурилишини яқунловчи олдинги ва орқа асосий чизиклар тос ва кўкрак қафаси ҳаракати бу чизикларда акс этишини тўлиқ тушунган ҳолда-эркин чизилиши керак. Ҳали тўлиқ ҳажми чизилмаган кўкрак қафасининг бурилиши ҳаёлий чизик йўналиши “еттинчи умртқа поғонаси - бўйин чуқурчаси” ва у орқали “еттинчи умртқа поғонаси - бўйин чуқурчаси” чизиғи ўтадиган “умртқа - кўкрак ўқи” текислиги йўналиши билан аниқланади.

Бўйин узунлигини қулоқ супраси чорпояси -(учи) сатҳи белгисига маҳкамланади. Қулоқ супраси чорпоясини биринчидан улар юқори аниқликдаги нишонлар, иккинчидан туриб беришнинг бошига нисбатан нусха кўпроқ энгашганда ёки бошини кўтарганда ўз баландлигини кам ўзгартириши сабабли тана ўзаги қурилишига киритамиз. Агар бир-бирига боғланган икки учбурчакни бўшлиқдаги ҳолати ва нисбатларини тасаввур қилинса, бош ҳаракати ва унинг ўлчами танага нисбатан тўғри олинган

бўлади. Бош озми кўпми танага “боғланган” бўлади. Орқадан бош чизиқнинг юқори - еттинчи бўйин умртқасидан энса думбоғигача бўлган қисми “боғлаш” учун аҳамиятли. Бошнинг ўзини кўриш учун унинг дахандан энса бўртиғигача бўлган текислик билан кесишиш чизиғи катта аҳамиятга эга. Сон ва болдирнинг ҳаракати ва нисбатлари тизза косачалари ва ички ва ташқи тўпиқларнинг ўрнига қараб белгиланади.

Тирсак суяги ва унинг қуйи бошчаси қўл ҳаракати ва нисбатларини белгилашда сизга ёрдам беради. Тирсак суяги бошчасининг остига панжа — бармоқлар суяги орқали ўтадиган энг муҳим панжа ўзаги қурилиши чизиғи бириктирилади.

Яшашнинг бошида иш давомида муҳим ва маёқ бўладиган узак қурилиши қисмларига кўпроқ диққатни қаратамиз. Биз муҳим белгиларни кам миқдорда оламиз. Ундан кам олиш мумкин эмас, шакл ҳақидаги тасаввуримизда аниқлик йўқолади. Маълум ўринда қистирмалар оёқнинг бош чизиғи ва қўлнинг бош чизиғи иш тартибига ёрдам бериши мумкин. Биз узак қурилиши деб атаётган бўшлиқ тизимини билиш шаклга яхлит бутунга муносабатда бўлишни ўргатади.

Лойда қуриш.

Нарсадан ишлашда қуйидагилар - қўймоқ, кесмоқ ёки тупроқни қанча керак бўлса, шунча аралаштирмақ қатъий қоидага айланиши керак: ҳажмни бўшлиқда қалам билан расм чизаётганда чизилган чизиқни ўчириш мумкин бўлмагани каби худди шундай диққат билан ҳис этишга ҳаракат қилинг. Айрим хатолар қўрқинчли эмас, уларни тузатиш мумкин. Қўрқинчлиси ишда маълум-мақсад ва маънонинг йўқлигидир.

Нусхадан ясаётганда “умумий”, “йирик” тушунчалари “бир мунча яқин”нинг айнаи ўзи деб ўйлаш мумкин эмас. Ёмони сизнинг қўлингиздан қандайдир ноаниқ нарсанинг чиқишидир. Доимо лўндалик ва аниқликка интилиш керак, фақат ишнинг бошида бу энг асосий, умумийга нисбатан

бўлади, иш охирида эса - шунингдек кўплаб тафсилотларга тегишли. Бирор нарсани, масалан энг муҳимни ҳам кўриш ва аниқлаш камлик қилади - уни шундай яхшилаб бажариш керакки, барча кейингиларга таянч вазифасида фойдаланиш мумкин булсин.

Тошдан тарашлаганда катъий ҳаракат тартиби бўлгани каби лойни жойлаштиришда ҳам маълум ҳаракат тартиби бўлиши лозим.

Агар тошдан тарашлаганда шаклга ташқаридан ортикчани синдириш орқали яқинлашилса, ясашда ичкаридан лойни устириш йўли орқали яқинлашиш назарда тутилади. Бошланғич қолипнинг ҳар қандай кўполлилигига қарамай биз унга ҳаракат бағишловчи ўқ ва ҳажм сатҳини унда қандай жойлаштиришимизни кўрсатиш мумкин. Масалан, гап бошнинг дастлабки ядроси ҳақида борса, белгилар қўйилган рупарадан йўналтирилган ўқ ҳолати бошнинг ҳаракати ҳақида бир нималарни билдиради. Агар бурун учини қаерда бўлишини билдирилса, бошнинг ҳаракати қанақалигига шубҳа туғилиши мумкин эмас. Бўлакларни қолип (ғўла)да ясаманг, бу ортикча ва самарасиз меҳнатдир. Энг аввало шаклдаги асосийни энг аниқ, белгилайдиган энг ўзига хос нуқталарни қуйинг.

Ҳар қандай ҳажмни лойда қўйишнинг умумий уч ўрни: 1) бошланғич ғўла ёки ҳажмнинг ядроси; 2) унинг алоҳида белгиси ёки маёқлари; 3) сода кўринишдаги ҳажмнинг ўзи.

Одам шакли каби мураккаб нарсани кўра бошлаганда биринчи дақиқаларда кўздан тез йўқотмаслик учун қобирғани ўта шошма шошарлик билан лой билан тўлдирмаймиз. Маълум вақт шошмасдан лой масса моддасини асосан ўзак қурилишидаги маёқларга таяниб ўстириб кўрайлик. Бўшлиқдаги маёқларни тутиб туришга қобирғани мажбур қиламиз. Энг дастлабки даврда у ёки бу ери бутунлай яланғоч ёки маёқлар қўйиш учун керакли бўлган юпқа лой қатлами қўйилади. Шу тарзда ҳаракат қилиб лой массасини тўлиқ қўйгунга қадар, қобирғани бирор жойида агар ўзгартириш керак булса, ўзгартиришни ўз вақтида ва безарар амалга оширамиз.

Кобирғани тўғирлаш учун тўлиқ қўйилган лойни бузиш ҳар доим кишини ранжитади; бу кўнгилсизликни олдини олган яхши. Шунга қарамай хайкали тўлиқ қўйилган қобирғанинг камчиликлари кутилмаганда юзага чиққанда лойни олиб ташлаш ва уни қайтадан қилиш керак. Агар баъзан қобирға юзага ахамиятсизроқ жойдан чиқса, йўл қўйилган хатони бекитиш учун якинроқдаги шаклни бир оз бузишга таваккал қилишни енгиб шундайлигича қолдириш мумкин. Хайкал хажмини тўлдириш учун керакли лойни қобирғага ўйланганидек умумийдан қисмга томон аста-секин бўлак устига бўлак қўйиб ўстирилади.

Биз расмда қуйидаги хайкал яшаш тартибини таклиф қиламиз. Энг дастлабки нуқталар - бўйин чуқурчаси билан биргаликда кўкрак суягининг чуққиси ва юқори учини, асос сатҳда расм чегарасини белгилаш. Бу қобирғани тайёрлаш давомида қилинган ишларнинг деярли такроридир.

Ишнинг давоми: қорин билан коворға орасидаги суякнинг тўртта қилтиқларидан таркиб топган трапеция ўзак бўлиб хизмат қиладиган тосни қўйиш. Тосни барча қурилишнинг бузилмас пойдевори деб ҳисоблаш мумкин. Бу пойдевор кўчирилмайди (агар бутун хайкални кўчириш талаб қилинмаса). Агар керак бўлса, масалан тана қиялигини аниқлашда, хайкал асоси жойида қолгани ҳолда фақат унинг юқори қисмини ўзгартиришни кузатиш керак. (Эслатма: тананинг юқори қисмини силжитгач, яна бўйин чуқурчаси ва таянч нишони ҳолатини мослашга тўғри келади).

Тосни созлашда бўйин илдизининг кўндаланг кесими қаерда жойлашишига алоҳида эътибор беринг. Бу том маънодаги энг тор жой бўлиб, шу ерда иш давомида қобирғани яланғочланиш хавфи кўп. Қобирға бўйин кесимининг марказига тушмаса ёки орқага якинроқ бўлса, қобирғани эгинг ёки тос трапециясини кўчиринг, яъни бўлажак бутун хайкални бўшлиқда суринг. Бўйин асосининг ўрни энди фақат бўйин чуқурчаси билангана эмас, балки еттинчи бўйин умртқаси билан ҳам белгиланади. Бунда тана ўзаги қурилишини тушунтирганимиздай еттинчи умртқа поғонаси ва бўйин чуқурчасини боғловчи тўғри кесимни бўшлиқдаги йўналишини кузатинг.

Навбатдаги қурилиш мумкин бўлган ўрин. Умртқа чизиғи билан еттинчи бўйин умртқасини тос билан бирлаштирамиз. Орқа юзада қандай шакллар бўлишидан қатъий назар умртқа чизиғи олдин ўтказилсин, чунки улар умртқа чизиғига боғлиқ ва унга маҳкамланади, аксинча эмас, Хайкалнинг асосий ўқини кўпол ва эркин услублаштирмасдан бирваракайига аниқ яратишни ўрганинг. Жонли одамда умртқа чизиғи (аниқроғи қилтиқли ўсиқлар чизиғи) ён томондан кўринмайди, бу йўналишдан ён кўпроқ чиқиб турадиган бўлақлар билан тўсилган бўлади. Шунга қарамай бу кийинчилик олдида-чекинмасликка ҳаракат қилинг, Нусхани чап-орқа ва ўнг - орқа томондан кузатиб, умртқа чизиғини тўлиқ тузиш мумкин ва уни орқанинг умумий режасини қуришдан кейин эмас, балки олдин яратиш мумкин.

Умртқани қўйгач, асосий чизиқнинг юқори кесими ўтадиган кўкрак суягига лой қўя бошлаймиз. Кўкрак кафасини тос устидаги ҳолатини, унинг ҳаракати, асосий нисбатларини белгилаймиз.

Тезда ўз жойида, ўлчамда ва тўлиқ массада нишонни қўямиз, агар ҳали буни олдинроқ қилмаган бўлсак ва бошнинг тўлиқ ҳажмига етказамиз. Атайин бошида расм ва бошни жуда кичик, кейин каттароқ, кейин яна ҳам каттароқ ва ҳоказолар қилиш бемаъниликдир. Бу биз ясаётган хайкал ҳақида эмас, балки қандайдир бутунлай бошқа нарса тасаввурини туғди ради.

Хайкалнинг барча “учлари” яхшиси имкон борида илгари ҳосил бўлгани маъқул. Яхлит ҳақида фикрлашга ҳалақит берувчи ҳали нишон, бош, кўл панжалари бўлмай туриб танани тўлиқ қўйиш ва унинг шакли тафсилотлари билан шуғулланиш жуда кўпол хато бўларди. Айниқса бош ҳажмининг пайдо бўлишини орқага суриш яхши эмас. Усиз хайкал (бу ҳолатда қўйилганми ёки маълум қисми ғоядами барибир) муҳим ўлчовга эга бўлмайди. Сон ва болдир ўлчамлари ва ҳаракатини белгилашга навбат келганда уни тизза косасини қўйишдан бошлаймиз. Унинг кетидан тана - кўкрак кафаси ва тоснинг бош асосий ҳажмларига тўлиқ масса қўямиз. Кўкрак кафаси белгилаб олингач, елканинг учларини, тирсак, тирсак суягининг қуйи бошчаларини қўйиш мумкин. Елка ва билақлар шама тарзида

килинган бўлса ҳам, панжалар тўлик массада қўйилади. Энг муҳими агар иш шунга етиб борса, бирваракайига ва қўпол услублаштиришсиз умртқа чизиғини бериш керак булганидай ўмров суягининг режадаги аниқ расмини улардаги эгиклар, уларнинг ташқи учларидаги эгикларини унинг ичкарисига нисбатан букилиш даражасини қиёслаб бира тўла бериш жуда муҳим. Ўмров суяги шаклини юқоридан махсус нарвон ёки баланд дастгоҳга чиқиб кузатинг. Эҳтимол ҳамма жойлардаги тўлиқ ҳажмларни йиғишдан олдин хайкалнинг ўзак қурилишидаги сўнгги - қорин соҳасидаги олд асосий чизиғи кесими, яна тананинг юмшоқ, қисмини ифодаловчи оёқнинг асосий чизиғи каби қисмлар қурилади. Шундан сўнг ҳамма жойдаги тўлиқ, ҳажмни йиғиш қолади. Яшаш давомида айтиб бериш вақтида бир жойда бироз йиғилган ёки ҳатто яланғоч қобирға, бошқасида - ҳажмнинг бошланғич ядроси, учинчисида эса тўлиқ ҳажм маёқлари, тўртинчида тўлиқ ҳажмнинг ўзи бўлиши мумкин. Бу ерда ҳавотирга ўрин йўқ. Яшаш бораётган вақт давомида бу ишга ҳалақит бермайди.

Ўлчовлар ҳақида.

Узоқ, давом этадиган этюдларда ўлчовларсиз бўлмайди.

Хайкал яшашда ўлчовга факат ўзак қурилишининг муҳим нуқталарини маҳкамлаш пайтидагина мурожаат қилинади. Айрим асосий нисбатлардан бошқа нарсаларни паргар билан текшириш шарт эмас. Масалан, юмшоқ қисмларни ўлчаш беҳуда - барибир биз бу билан ўзимизга таянч яратмаймиз. Яна ҳеч қачон зинҳор паргарсиз шаклни яратманг.

Ўлчовлар ёрдамида топилган ва аниқланган ҳолатни керакли нуқталарда гугурт ёки тахтача билан мустаҳкамланг, кейин шу нуқтага туташадиган шаклларни қуришда унга таяниш мумкин бўлсин. Кейинги ишларда бу нишон топилган таянч нуқтасини қийшайиши ва йўқолишига йўл қўймайди. Айримлар шу усулда плинтда бўйин чуқурчаси марказидан тик чизиқ тушадиган жойни плинтга ингичка ёғоч ёки мих тикиб белгилайдилар. Расм шарпа қўйилгандан сўнг чиқиб турган мих қалапоғи ёки

ёғоч учи қўйилган шарпани ҳеч бўлмаганда этюд муаллифи энг бошидан қабул қилган ҳаракатни сақлаб қолишни ҳоҳлагунча жойидан силжитиш мумкин эмаслигини эслатиб туради. Бундан ташқари бу тасодифий оғишни осонгина билиб олиш имконини беради.

Биз таклиф қилаётган яшаш изчиллиги учун бошиданоқ, бўлажак хайкалнинг умумий бўйини олиш ва масштаб бўйича бўйин чуқурлиги даражасини белгилаш керак. (Умумий бўй берилган ўлчамдан ажратиб олинади - масалан 1 м ёки қабул қилинган масштаб бўйича, масалан табиий бўйнинг ярми). Ҳоҳлаганда масштаб бўйича ва паргарда факат бўйин чуқурчасини аниқ белгилаш билан чекланиш ва қолган тўлиқ бўйни кўз билан чамалаб олиш мумкин. Бўйин чуқурчаси ва таянч нишони изи қандай мослашишини аниқлаш учун, иш шунгача етиб борса, тезлик билан шокул ишлатинг. Худди шундай жадаллик билан коворға билан қорин орасидаги олд-юқори қилтиқ суяги баландлигини таянч оёғи томонидан текширинг ва аниқ қўйинг. Буни тоснинг плинт билан бошнинг қоқ учи орасидаги ўрнини биринчи чамалашдан сўнг қилиш керак. Айтилган 3 ёки 2 ўлчовларни қилмай ва ишни қўйилишини шокулда текширмай туриб узок давом этадиган этюдларда ишни давом эттириш мумкин эмас. Бу қумда катта бино қуришни англатади.

Бизнинг фикримизча, яшашдан аввал бир неча оралик, масофани ўлчаб чиқиш керак: а) коворға билан қорин соҳасидаги суяк қилтиғини чап ва ўнг олд-юқори оралиғи; б) бўйин чуқурчасидан ўнг ёки чап кулоқ супраси чорпояси оралиғи (одатда кўкракнинг олдига қарагандаги бош бурилишида қандай кўриниши; в) коворға билан қорин соҳасидаги олд-юқори суяк қилтиғидан тизза косачаси марказигача бўлган оралик; г) тизза косачасидан плинтгача оралик, (агар у таянч оёқ бўлса) ёки тўпиқгача бўлган оралик (агар у ёнга ёки орқага қўйилган эркин ҳолатдаги оёқ бўлса); д) елка учидан тирсаккача бўлган оралик; е) тирсакдан тирсак суягининг қуйи бошчасигача бўлган оралик. Агар асосий ҳаракат етарлича аниқ олинган бўлса, этюд ўзаги пухта деб ҳисоблаш учун шуларнинг ўзи етарли. Ҳаракатни беришда паргар

ёрдам бермайди. Икки нукта орасини агар улар тузилишига кўра ўзаро бевосита боғлиқ бўлмаса, паргар билан текшириш бефойда: масалан, ўнг ва чап тиззалар, бўйин чуқурчаси ва бурун учи оралиғидаги ва бошқа масофаларни ўлчаш. Е. Лантери таклиф қилган ўлчовлар тизими тана тузилишига мослиги билан қулай ичидан узаро боғланган таянч турини яратишга ва ортикчалардан халос бўлишга ёрдам беради. Торс (торс трапецияси)ни хайкалнинг асоси сифатида олар эканмиз, барча ўлчовларда марказ сифатидаги шу нуктадан йўналишни, тузатишни талаб қилувчи, хатолар пайдо бўлса, икки нуктадан бири, яъни марказдан узоқроқдагисини ўзгартиришни маслаҳат берамиз. Масалан, оёқнинг узунлигида шубҳалансак, аввало сон узунлигини текшираамиз, агар керак бўлса, тизза косачасини кўчираамиз, сўнг ундан болдир узунлигини текшириб, плинтнинг юқори сатҳини кўтарамиз ёки тушираамиз. Хайкалининг юқори ярми узунлигидан шубҳалансак, “қовурға билан қорин орасидаги суяк қилтиғининг олд-юқори кесими - бўйин чуқурчаси оралиғини текшираамиз, агар ўзгартириш керак бўлса, охиригисини кўчираамиз, сўнг ундан кулоқ супраси чорпоясигача оралиқни текшираамиз, керак бўлса уни кўтарамиз ёки тушираамиз.

Бошнинг тўлиқ массаси ва нишони қўйилаётганда ҳали ўзи йўқ, лекин бўладиган хайкал ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилишга ёрдам бериш учун уларнинг ўлчамларини дарҳол паргар билан ўлчаш керак. Ўлчовларни текширишда керак бўладиган ҳамма нарсалар, шулардан иборат.

Тўлиқ массалар тўпланмаганда муҳим ўлчамларни ўлчаш бизнинг тасаввуримизга қатъий йўналниш нукталарини беради. Шу тарзда ўлчаш тасаввуримиз билан биргаликда қадам бақадам боради.

Лойда қуришнинг давоми

Хайкал тузилишини тадрижий қуришда керагидан ортик ушланиб қолманг. Эртами, кечми, яхшиси сунъий пайсалламасдан биз томонимиздан қўйилган нукталар тугуни ва бош чизикдан бошлаб ҳамма жойда тўлиқ ҳажмни тўлдиришга киришиш керак. Лойни тўлиқ ҳажмда қўйиб

бораётганда, хайкални ҳар томондан кузатишга, англашга ва бу ҳажм шаклини хотирада саклаб қолишга вақни қизганманг. Ҳажмни қуришдаги муҳим қоидалар, ҳатто қонунлар: ҳажм аввало муаллифнинг онгида, бунинг устига барча томонлари биргаликда, уларнинг ўзаро алоқасида, уларнинг бир-бирига тўғри муносабатларида ягона яхлит ҳолатда яратилиши керак. Хайкалтарош қўли остида лойда ҳам худди шундай барча томонлари бир-бирига тўғри муносабати билан ягона яхлит ҳолда пайдо бўлиши керак. Кўплаб майда-чуйдалар ва нозикликлардан вақтинча кескин чалғиш ва уларни лойда яшадан воз кечишга тўғри келади. Бутунни, айнан бутунни соддалаштириш керак. Бу - тўлиқ ҳажмни яшани бошлаш учун бош шарт. Таҷриба қанча кам бўлса, йирик шакл (майдалари ҳақида ҳали гап йўк) муқаррар шунча кўполроқ бўлади. Билим ва кузатишлар бутунни йўқотмай туриб асл нусхага тезлик билан яқинлашиш имконини берса, жўрттага умумий шаклни дағаллаштириш ва услублаштириш телбалиқдир. Ўзбошимчалиқ, шаклни атайин бузишга асло йўл йўк. Шаклни бутун бойлиги билан яратиш имкони йўк, биз фақат бош, фақат умумий билан чегараланамиз, аммо мана шу умумий табиий нусхадан унинг қонунларини ҳурмат қилган ҳолда тўғри ясалган бўлиши керак. Сўз бор нарсани эркин бузиш ҳақида эмас, балки умумлаштириш ҳақида бормоқда. Яшаш бошида қилинадиган ишни тезлаштирувчи ва енгиллаштирувчи соддалаштиришни нусханинг ўзи билдиради.

Қуришдаги тузатишлар

Ниҳоят, шаклни бутун яхлитлигича қуриш ва нусха билан солиштириш мумкин. “Ўтиш”ни амалга оширгач, энди айнаи бир ҳажмни янада яхшироқ яратмоқ мақсадини кўзлаб бир эмас, балки бир неча марта хайкални ҳар томонидан бошдан-оёқ текширинг. Қобирғада бажарилаётган чизғи учун унга керакли ҳолатни бериш, қачон керак бўлса, меҳнат сарф қилмасдан осонгина ўзгаришлар қилиш учун қобирға етарлича юмшоқ бўлиши керак. Мис ёки ҳатто алюмин симлардан қилинган қобирғалар қулай:


уни букиш осон. Глаголь ҳар доимдагидек ўта қаттиқ бўлади. Дастлабки қисқа муддатли этюд ва хомқолипнинг устунлигт - асосий нисбатлар устида кўз билан чамалаб ишланади. Бу ишни узоқ муддатли этюд билан бир вақтда олиб бориш маслаҳат берилади. Нисбатларда махсус этюд қилишнинг фойдаси уни ўлчашинг ва ўз хатоларини билишинг мумкин. Бунинг учун мўлжалланган катта хайкалга нисбатан у маълум масштабда қилингани яхши. Баландлиги 45-60 см. (турган хайкал учун) этюдга 15-25 соат сарфлашни маслаҳат берамиз. 30-40 см (тик турган) хайкал хомқолипи учун одатий ўлчам олинади, бироқ ундан ҳам кичик бўлиши мумкин. Улар 5-6 соатга мўлжалланган. Хомқолип учун нусха ва ҳолат танлаш узоқ, муддатли кўйишга нисбатан бирмунча эркинроқ.

Хомқолипни бошлашда қуришга қаранг ва уни тушуниб, олдиндан ишнинг натижасини, шунингдек асосийни яхшилаб сезиш, энг аввало бериладиганлар нимани талаб қилишини тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Хомқолип агар вақт кам бўлса, жуда кўп, ишланмаган бўлиши мумкин; бироқ албатта аниқ бўлиши шарт. Хомқолипда машқ қилишнинг қиммати ҳам шундаки, унда энг муҳимни - ҳажмли ифодалилиқни “кейинга” суриш мумкин эмас. Асосий ҳажмли мавзунини йўқотмай ва ишнинг қанчалик қисқа вақтлилигига қарамай нима қилиб бўлса ҳам уни бериш - бу хомқолипдан талаб қилинадиган асосийлардан бири.

Хомқолип ясашда ўзининг асосий хусусиятида ҳар бир ҳажмни деярли тўлиғича қўйилади, ишлаётганнинг фикрича энг аҳамиятли бўлган бўлақлар белгиланади. Вақт кичикроқ қобирғасиз хомқолип учун 3 дан 5 соат, бирмунча синчиклаб ишлаб чиқилган пластилиндан қобирғали ишланадиган баландлиги тахминан 40 см бўлган хомқолип учун 20 соатгача оралиқда тебраниб туриши мумкин. Хомқолипларни мунтазам қилишни маслаҳат берамиз. Баъзан узоқ давом этадиган этюдлар орасида узоқ вақт давомида ишланаётган ишнинг асосий хусусиятларини жонлантириш ва ўткирлаштириш учун бир оз чалғиш ва бутунлай бошқа бичим ва бошқа ҳолатдаги нусхадан қисқа хомқолип -қилиш зарар қилмайди. Хомқолиплар

билан мунтазам машқ килиш узоқ давом этадиган этюдларга ёрдам беради ва унга муҳим қўшимчалар кўринишига эга бўлади. Бошқа томондан узоқ давом этадиган этюд устидаги сермашаққат меҳнатда орттириладиган мунтазам билим ва малакаларсиз хомқолиплар билан муваффақиятли шуғулланиб бўлмайди.

Асоси паргар билан текшириладиган узоқ давом этадиган этюдлар ва ннсбатлари кўз билан чамалаб олинадиган хомқолиплар бири-бирини тўлдиради ва ягона ўқув программасини ҳосил қилади.



Боши эгри курак (клюкарз)лар

Гипсда қолиплаш ва хайкални пардозлаш.

Гипсда қолиплашнинг уч тури бор: бирламчи қолип, бўлакчи ва елимчи. Бирламчи қолип гипс, пластилин, мумда ишланган асл нусхадан фақат битта қўйма олиш имконини



Қолиплаш учун кураклар

беради, асл нусха ундан олинган гипс шакл кўчириш жараёнида йўқ қилинади. Хайкални бу усулда яратиш энг содда ҳисобланади. Бўлакчи ва елимчи қолиплаш қандайдир қаттиқ хом ашёда хайкални кўпайтириш керак бўлганда, яъни бир қолипдан бир неча нусха ёки репродукциялар олишда қўлланилади. Бўлакчи ва елимчи қолип тайёрлаш мураккаб ва анчагина тажриба, амалий малакалар талаб қилади. Бўлакчи ва елимчи қолиплаш билан қизиққан ва қолиплаш ишини пухта ўрганмокчи бўлганларга, қуйидаги китобларни маслаҳат бериш мумкин: Д. Броидо, “Руководство по гипсовой формовке художественной скульптуры”; И.В. Крестовский “Скульптура”. Бундан ташқари қолиплаш билан боғлиқ масалалар бўйича амалий маслаҳатларни уста - қолиповчидан олиш самаралироқ. Қолиплаш учун бир қанча мураккаб бўлмаган асбобларга эга бўлиш керак: бир иккита темир куракча (20- расм), пичоқ, болға, жарроҳлик пичоқчаси, искана, клюкарз, ўроқранда, дағал жунли чўтка, сув учун челак, гипс қориш учун резина коса

(уни катга резина коптокдан қилиш мумкин) ва лой. Мойни тайёрлаш усули: 160 г керосинни 150 г ёқилғи мойи ёки машина мойи билан аралаштирилади. Сўнг 200 г шам ёғи сувда қизитилади ва унга керосиннинг мой билан аралашмаси қўйиб яхшилаб аралаштирилади. Совигач, мой ишлатишга тайёр. Мойни суюқ холда чўтка билан шаклга суртиладиган хўжалик совуни билан алмаштириш мумкин.

Кимёвий соф гипсда 21 фоизгача сув булади. Ишлаб чиқариш мақсадларида


гипс қуйдирилади. 180° гача узок қиздирилганда ундан 75 фоиз сув ажралади. Қиздирилган ва кукунга айланттирилган гипс яна ўзига қиздирилганда йўқ қотган сувни ютиш хусусиятига эга бўлади, аста-секин шу билан бирга совиб қаттиқ моддага айланади. Гипснинг бу хусусияти уни қолиплаш хом ашёси сифатида фойдаланиш имконини беради





Гипс қорадиган косача

Рельефни бирламчи қолиплаш.

Қуйилган нақшдан қолипни ажратиб олиш учун ишни столга қўйиш керак. Тахтанинг лой билан қопланмаган қисмига чўтка билан мой суртилади, лой рельеф енгилгина сув билан хўлланади (пластилинни хўллаш керак эмас). Қолиплашдан олдин гипснинг сифатини текширинг: бир қисм гипсни сув билан аралаштириб уни тахтага сепинг. 15-20 минутдан сўнг у қотиши (“ёпишиб олиши”) керак, агар бундай бўлмаса - демак гипс намиққан ва ишга яроқсиз. Гипсни қуруқ ҳолда сакланг. Сўнг гипс қоришма тайёрланг: гипс косачасининг ярмигача сув солинг ва унга 1 л сувга 4-6 г хисобида озгина қуруқ бўёқ - охра (сарик ёки қизил тусли), ультрамарин (оч кўк), мўмиё (қизил) қўшинг.



Пуркама



қатлам

Металл кобирғаларни жойла

Иккинчи қатлам гипсни қуйиш

Қолипни ажратиш

Бўёқ бериш кўчиришда қолип билан қуйма орасидаги чегарани аниқ кўриш учун керак. Анилин бўёқлар ва сиёҳ ишлатиш мумкин эмас, чунки улар қуймани бўяб қўяди. Шундан сўнг бўялган сувга қуруқ гипсни шу даражада кўшиш керакки, қоришмани металл кўракча билан аралаштирилганда қуюқ қаймоқни эслатувчи таркиб ҳосил бўлсин. Қоришма учун одатда 7 қисм сув ва 10 қисм гипс миқдорида олинади. Амалиётда бу нисбат тарози билан эмас, кўз билан чамалаб олинади: сувли идишга гипсни уни сувнинг юзасида пайдо бўлишига қадар солинади ва тез аралаштирилади. Аралаштирилгандан сўнг гипс суюқ қолатда (“оқади”), 2,5 минут давомида қолдирилади, кейин қуюқлашади (“ўтиради”) ва қотади.

Сўнгра бўялиб аралаштирилган гипс куракча ёки кўл билан ясалган асл нусхага юпқа текис қатлам қилиб суртилади. Бу қатлам қотганда қолипни маҳкамлаш учун керак бўладиган унга қалинлиги 3-5 мм бўлган симли металл қобирға жойлаштирилади. Қобирға устидан анча қуюқроқ ва қалин (2-3 см) бўялмаган гипс қуйилади. Қолипнинг барча юзаси ўроқ-ранда билан текисланади ва ҳўл кўл билан силлиқланади. Қолип бутунлай қотганда уни енгилгина сув билан ҳўлланади, тескарисига ўгириб, тахтани қолипдан ажратилади.


Қолипда қолган лой оҳиста чиқариб олинади, қолип эҳтиётлик билан сувда ювилади. Шундан сўнг қолипнинг ички юзаси ва четларига чўтка билан юпқа мой қатлами суртилади. Кейин яна буёксиз суюқ гипс қорилади ва аста-секин ҳажмнинг тўртдан уч қисмига қуйилади. Айни вақтда гипс унинг барча чуқурчаларини тўлдириши учун қолипни енгилгина чайқатиб туриш керак. Бу гипс қатламига қуйма мустаҳкам бўлиши учун металл қобирға ёки суюқ, гипс билан ҳўлланган зиғирнинг даал толасини қуйиш мумкин. Бир вақтнинг ўзида кейинча қуймани деворга ошиш учун халқа қилиб букилган сим ҳам қуйилади. Қобирғани ҳам, халқани ҳам қуймага қуйишдан олдин ишқорли лок билан қопланади. Акс холда темир бўлақлар ҳўл гипсда тез занглайди ва қуйманинг сиртига занг доғлари чиқади.

Сўнг қолипнинг қолган қисми гипс билан тўлдирилади. Қуйма юзаси ўроқранда билан қолипнинг четлари билан бараварлаштирилади. Гипс батамом қотиб бўлганидан сўнг қолипни ичидаги қуймаси билан тескари ўгириб, болға билан аста-секин исканага уриб, қолипнинг юқоридаги қалин қатлами майда бўлақлар ҳолида синдириб олинади. Шаклнинг қуйи бўялган қатлами ўта эҳтиётлик билан ўта нозик жарролик пичоғи ёрдамида олинади. Қолипни синдириш жараёнида қуймада шикастланишлар бўлиши эҳтимол. Уларни шу заҳоти ҳўл гипсда тузатинг.

Бюстни бирламчи қолипаш.

Бирламчи қолип одатда икки қисмли чиғанокдан ясалади: олдинги (юз) ва орқа (энса). Аввал бюстнинг энса томони қолипланади - биринчи чиғанок, кейин уни асл нусхадан олмай туриб юз томон қолипланади - иккинчи чиғанок ҳосил бўлади. Юз томон бюст ҳажмининг катта қисмини, энса - кичик қисмини эгаллаши керак. Қолипни бундай бўлиш чиғанокларни асл нусхадан осонгина ажратиб олиш имконини беради. Асл нусхадан ажратиб олинган ва яна бирлаштирилган чиғанокдар бирламчи қолипни ҳосил қилади.

Бюстни қолиплашга киришишдан олдин, иш жойи, хом ашё ва асбобларни тайёрлаб олинг. Қолиплаш жараёни асл нусха вазнига гипс қолип вазни хам



Орқа томони қолипланган бюст **Металл қолиплаш тахтачалари**
ўрнатилган бюст

қўшилади, шунинг учун хайкал мустаҳкам дастгоҳ ёки столга қўйилган бўлиши керак. Бюстни табиий баландлигида қолиплаш учун 30-40 кг гипс керак бўлади. Мой, қуруқ бўёқ тайёрланг, шаклни мустаҳкамлаш учун керакли ўлчамда сим бўлаклари кесинг, чиғанокларни боғлаш учун 2-3 м арқон ва нозик металл тахтачалар (ўлчами узунлиги 2-7 см ва кенглиги 2-5


см) тайёрлаб қўйинг. Уларни консерва банкидан кесиб олиш мумкин, тахталар четини текисланг.

Кўрсатилган асбоблардан ташқари катта ишларни қолиплаш учун челақ ва гипсни аралаштириш учун ёғоч чилчўпга эга бўлиш керак. Бюстни қолиплашга киришишдан аввал асл нусхада асбоб учи билан икки чиғанок орасидаги чегара бўлувчи чизиқни белгилаб олинг. Бу чизиқ хайкални икки қисм - юз ва энсага бўлади. Белгиланиш чизиқ бўйлаб асл нусханинг юзасига тик металл тахталалар 3-5 мм чуқурликда тикилади. Улар расмда кўрсатилганидек яхлит тўсиқ ҳосил қилиб, бири иккинчисига 1-3 мм киради.



сепиш

Гипсни қўйиш



Бюстнинг юз қисмига суюқ гипс

Лойдан ишланган портретга енгилгина сув сепинг. Бу асл нусхани бир мунча текис ва зич гипс қатлами билан қопланиши учун зарур: ҳўл лойда гипс барча бўлақларни тўлдириб тез ёйилади. Пластин ёки мўм хайкал қолиплашдан олдин сув билан ҳўлланмайди. Кейин челақда (суюқ сметана куюқлигича) зарур миқдордаги бўялган гипс (1 л сувга 3-7 г охра, мўмиё ёки кўк) аралаштирилади ва бюстнинг орқа томониغا юпқа қатлам ҳосил қилиб сепилади: озгина миқдордаги суюқ гипсни ҳовучлаб қўлда сепинг ва қўлнинг орқа томони билан асл нусхага жадал ҳаракатлар билан гипсни қолипланаётган юзага сепинг. Пастдан юқорига қараб секин-аста сепинг. Қолип бир мунча аниқ чиқиши учун пуркама учун гипсни майда тешикли элакдан ўтказиш маслаҳат берилади.

Гипсни шундай микдорда тайёрлаш керакки, бир марта қўллашда сепилаётган бутун сатҳни 5-8 мм қалинликдаги қатлам билан қоплаши мумкин бўлсин. Қоплама ва челақдаги қолган гипс қуюқлаша бошлаган (“ўтирган”)да, бу қолдик, массаи қўлда ёки куракча билан қопламага қуйилади. Бунда қолган гипсни яна сув билан аралаштириш мумкин эмас, акс ҳолда ёпишмайди. Бюстнинг юз қисмини қолиплашда бўялган гипс барча қисмларга яхши қуйилишини кузатинг. Бунинг учун кўз, кулоқлар, оғизни қоплаб турган суюқ гипс қатламига енгилгина пуфлаш керак, чунки айти шу ерларда пуркалганда ҳаво пуфакчалари пайдо бўлиб, майда ботиқларни гипс билан тўлдиришга ҳалақит беради.

Биринчи қатлам ёпиша бошлагач, унга бюстнинг пуркалган томонидаги рельефга мослаб букланган сим бўлаклари қуйилади. Челақда қолган қотган гипсни ташлаб, челақни тозалаб қуйинг.

Шундан сўнг иккинчи қатлам учун бўёқсиз гипс қоришмаси тайёрланиб, уни пуркама сиртига қобирға билан қуйилади. Иккинчи гипс қатламанинг қалинлиги 3—4 см бўлиши керак. Чиғаноқ юзаси ўроқранда ва сув билан ҳўлланган қўл билан текисланади. Гипснинг ёпишиш жараёни иссиқлик ажралиши билан кечади - қолип сезиларли даражада қизийди ва ҳажмда озгина катталашади. Шунинг учун иккинчи қатлам гипсида дарзлар пайдо бўлишининг олдини олиб биринчисидан суюқроқ тайёрланади.


15-20 минутдан сўнг гипс қотганда металл тахтачаларни асл нусхага зарар етказмайдиган қилиб эҳтиётлик билан олинг ва тахтачанинг гипсга теккан жойларида ҳосил бўлган нотекисликларни тозаланг.

Тозаланган сатҳда қолиповчи куракча билан кулф вазифасини бажарадиган ўйиқлар қилинг, улар қуйишдан олдин иккала чиғаноқларни силжитмасдан аниқ бирикишини таъминлайди. Асл нусханинг қолипланмаган қисми ва қолипни тасодифий тушиб қолган гипс булакларидан юмшоқ чўтка билан тушириб ёки пуфлаб тозаланг. Бири - иккинчисига ёпишиб қолмаслиги ва уларни осонгина ажратиш учун чиғаноқдаги ўйиқлар мой билан қопланади. Шунингдек чиғаноқ кесигини

суяқ қилиб тайёрланган лойнинг юпка қатлам билан қоплаш мумкин, у мойни ўрнини босади ва чиғаноқнинг туташ чизиғини аниқроқ белгилаш имконини беради. Бюстнинг юз томонини қолиплаш ҳам худди шундай изчиллик билан амалга оширилади.

Иккинчи чиғаноқ қотганидан сўнг қолип юзасининг икки чиғаноқ туташган жойларидан уларнинг туташ чизиғи (чоки) кўриниб туриши учун гипсни пичоқ ёрдамида кириб туширинг.

Туташ чизиғи бўйлаб бир неча ёғоч ғўлачани эҳтиётлик билан киритиш керак, ҳосил бўлган туйнукга сув қуйинг ва пичоқ ёки искана ёрдамида энса чиғаноғини ажратиш керак.



Металл халқа ёки ёғоч хайкалтарошлик қалами билан қолипнинг юз қисмидан лойни олиб ташланг.

Шундан сўнг иккала чиғаноқ сув билан яхшилаб ювилади (пуркагич ёки юмшоқ *чўтка* билан). Қолипни сув билан ювиш пайтида бир қисм сув гипсга шимилади, бир қисми оқиб кетади. Қолип нам бўлиши керак, акс ҳолда қуйиш жараёнида унга қуйилаётган гипсдан сувни шимади ва қуйманинг сиртида пуфакчалар ҳосил бўлиши мумкин.

Чиғаноқларнинг ички юзасини бирор жойини қолдирмасдан диққат билан юпка мой қатлами билан қопланг. Сўнг чиғаноқларни шундай жойлангки, уларнинг биридаги ўйиккқа иккинчисининг бўртиғи кирсин. Чиғаноқлар арқон билан маҳкам боғланади ва барча қолипларнинг гипс қуйиладиган туйниги тепага қилиб мустаҳкам қурилади.

Сўнг челақда эланган гипс аралаштирилади, юзасида ҳосил бўлган кўпик олиб ташланади ва оқаётган гипс қолипга унинг учдан бир ҳажмида охиста қуйилади, қолипни тез айлантириб, гипсни челақка тўкилади ва яна қолипга қуйилади. Бу гипс ўтира бошламагунча 2-3 марта кетма-кет такрорланади. Қолипни айлантирганда суяқ гипс аста-секин қуюқлаша бориб чиғаноқнинг бутун ички юзасини унинг барча ўйикларига кириб текис

катлам билан қоплайди. Гипс қуюқлаша бошлаганда уни қўл билан қолип четларига қуйилади. Бу усул “қуйма қуйиш” деб аталади.

Кейин гипсининг иккинчи қисми аралаштирилади ва қуйиш такрорланади. Гипс кўзлар, қулоқлар, бурун ва даҳан каби жойларни яхшилаб тўлдиришига диққат қилинг. Қуюқлашаётган гипс билан бўйин жойлашган жондаги қуйма деворлари қалинлаштирилади. Ортиқча гипс қолип четлари билан барабар қилиб ўроқранда билан олиб ташланади.

Табиий катталиқдаги бюст қуймасининг девори тахминан 2-3 см қалин бўлиши керак. Кичик ўлчамдаги бюстлар одатда биратўла қуйилади.

Қолипга қуйилган гипс 20-30 дақиқадан сўнг тугал ёпишгандан сўнг қолипни ажратишга киришиш мумкин. Бунинг учун 2 та жарроҳлик пичоғи - кенг ва ингичка (уларни ҳеч бўлмаганда искана билан алмаштириш мумкин) ва ёғоч болға - тўқмоқ керак бўлади.

Дастлаб тўқмоқ билан кенг пичоққа уриб, йирик бўлақлар билан юқори бўялмаган гипсни юқоридан бошлаб қолипдан туширилади.

Сўнг ингичка пичоқ билан охиста майда бўлақлар билан тагидаги бўялган гипс кўчирилади. Кўчираётганда ҳар доим беҳосдан бўртиқ қисмларга зарар етказмаслик учун қолип қалинлиги остида қуйманинг рельефини ҳис қилиб турунг. Айниқса юз ва қулоқ атрофидаги қолипни диққат ва эҳтиётлик билан кўчиринг.

Қулоқ супраси ва кўзлардан гипсни пичоқнинг ингичка учи билан кўчиринг. Кўчиришнинг охирида ҳали нам қуйманинг чокларини жадал тозаланг ва зарарларини суюқ гипс (“сут”) билан тузатинг.


Хайкални бирламчи қолиплаш.

Хайкални бирламчи қолиплаш жараёни умуман олганда худди бюстни бирламчи қолиплашдай, бироқ у ўзига хос хусусиятлар ва қийинчиликларга эга. Биринчидан хайкалнинг бирламчи қолипи асл нусха ўлчами ва композициясидан келиб чиқиб бир неча чиғаноқлар, қуйма эса


кейин йиғиладиган ёки уланадиган бир неча қисмлардан иборат бўлиши мумкин. Иккинчидан, қуйма ичига унинг нозик қисмлари, масалан, оёк, қўл, бармоқлар, бўйинга уларни мустахкамловчи металл қобирғалар қуйилади. Қобирғалар уларни занглашдан сақлаш учун албатта лок ёки мойбўёқ билан копланadi. Учинчидан, унча катта бўлмаган ўлчамдаги (1 м гача) хайкал гипс билан батамом қуйилади, табиий баландликдаги ва катта хайкаллар бўлаклар (тана, бош) бўйича ғовак қуйилади. Оёкли плинт ва унга қўйилган қобирғалар коидага биноан бошдан оёк қўйилади.

Хайкал учун қолип ҳам бюстдаги каби энг аввало икки қисмга - олд ва орқа кабига бўлинади. Колипнинг олд қисми катта бўлиши, яъни шаклнинг учдан икки қисмини қамраб олиши керак, орқа эса қолипни асл нусхадан кўчириб олиш осон буўлиши учун кичикроқ - учдан бир қисмга яқин бўлади.

1 м баландликдаги ишларда олд қисми кўпроқ бир чиғаноққа сиғади, орқа қисми одатда икки чиғаноқдан тузилади. Катта хайкалларни қуйишда қолип 5,6 ва ундан ортик чиғаноқларга бўлинади. Шаклни қолиплашга киришаётганда аввал аёл нусхада бўлажак чиғаноқларнинг чегарасини аниқланг ва белгилаб олинг. Шаклни олд ва орқа қисмга бўлган чизик бўйлаб металл тахталалари киритилади



Металл тахталалари ўрнатилган хайкал.




Пуркамага қўйилган қобирға

Лой нусхага сув пуркалади ва унинг олд қисмига бўялган гипс сепилади, сўнг қобирғалар - 5-8 мм сим кесимлари ва иккинчи қатлам гипс қуйилади. Гипс қотганидан кейин тахтачалар олинади, чиғанок кирқими тозаланади, унда ўйиқлар ҳосил қилинади ва улар мойланади. Шундан сўнг хайкалнинг орқа қисмини қолиплашга киришилади. Агар асл нусха чангакда ясалган бўлса, шаклнинг орқа қисми уни чангакдан олиш мумкин бўлсин учун албатта икки чиғанокдан қилинади. Бунинг учун чангакнинг юқори қисми остидан шаклни юқори ва пастки бўлакка бўлиниб турган горизонтал чизик бўйлаб тахтачалар киритилади. Чангак шаклга яқин жойлашган бўлса, қуйи чиғанок тиккасига иккига бўлинади. Шундан кейингина хайкалнинг орқа қуйи қисмини, сўнг - хайкалнинг орқа юқори қисми қолиплашга киришилади. Қолип тескари тартибда ажратиб олинади: аввал юқори орқа чиғанок, сўнг қуйи чиғанок ва олд чиғанокдан лой ажратиб олинади. Шундан сўнг чиғаноклар сув билан ювилади ва мой суртилади.


Бирламчи қолипда хайкални қуйишнинг бир неча усуллари бор, уларни танлаш хайкалнинг ўлчами ва унинг композицияси мураккаблигига боғлиқ. Қуйиш усулида бажарилади, 2-3 қуйишдан сўнг

Қобирга қурилиши чизмаси

оёқларга олдиндан тайёрлаб қуйилган сим бўлаклари - қобирга қуйилиб, сўнггипс қолипга бутунлай тўлдириб қуйилади.



**Ўйиқли
қолипланга**



**Хайкалнинг
орқа қуйи**

Плинтнинг қуйи сатхи ўроқранда ёрдамида қолип четлари билан тенг қилиб текисланади. Ўлчами 1 м бўлган хайкални очик усулда қуйиш қулай.

У қуйидагича: мойланган чиғаноқларни столга, агар улар катта бўлса полга қуйилади. Олд қисм чиғаноқ ички сатхнинг, қуймани маҳкамлаш керак бўлган жойлари (оёқлар, қўллар, бўйин)га ингичка симдан андаза (лекало) эгилади. Бу андаза билан анча қалин симдан ёки мурабба (квадрат) темирдан қобирға тайёрланади.

ичик хайкаллар (60 см гача) - эскиз ва этюдлар бюстники каби қуйма

Шундан кейин олд чиғаноқга гипс пуркашга ўтилади. Гипсни қолипнинг ички сатхига бир текис (қалинлиги 1,5-2 см) сепилади, чиғаноқни тўхтатмасдан чайқатиб турилади, бунда қолипнинг барча майда ўйиқлари ҳам тўлишини диққат билан кузатиш лозим. Сепишда гипс қолип четлари (0,5-1 см)га етказмасдан сепилади, агар мабодо чиғаноқ кесигига гипс тушиб қолса, тезда олиб ташлаш керак.

Гипс ёпиша бошлаганда олд чиғаноққа қобирғалар жойлаштирилади ва янги тайёрланган гипс билан маҳкамланади (“музлаб котади”). Кейин орқа чиғаноқларга гипс пуркалади, сўнг улар олдингига қуйилади ва у билан бирга арқон билан боғланади. Шундан сўнг қолипни қия қуйиб, унга бнр мунча гипс қуйилади. Қолипни чайқатиб ва қия қилиб, сепиш пайтида тўлдирилмаган чиғаноқлар туташган жойларга қуйилади. Кейин қолипни тик қўйилади ва бир оёқдан гипс тўлдириб қуйилади. Гипс иккинчи оёқда пайдо бўлганда плинтга қуйилади ва уни қолип четлари билан барабар қилиб текисланади.

Говак қуйма ҳосил қилиш учун, энг аввало пуркамада қобирғаларни гипс билан маҳкамлаш керак, сўнг қолипни бирлаштириб ва арқон билан боғлаб чиғаноқдаги туташ жойларга гипс қуйилади, оёқлар ва плинтни тўлдирилади.

Қуйгандан 40-60 дақиқа ўтгач, қолипда гипс буткул қотгач, ажратишга киришиш мумкин. Уни қолипнинг юқори қисмидан бошланади.

Гипс хайкални пардозлаш.

Табиий патина хайкал ясалган хом ашѐ — бронза ѐки миснинг оксидланишидан ҳосил бўлади. Патина турли ранг тусларига - тўқ яшилдан жигарранг ва сариққача бўлган ранг тусларига эга. Баъзи ҳолларда гипс хайкал терракота, бронзадан ва бошқалардан ясалгандек кўринишини хоҳланганда уни бўялади ѐки айтишганидек “пардозланади”. Гипс хайкални бўяш учун қуйидаги хом ашѐлар ва асбоблар зарур:

1) спирт - ишқорли лок (№ 7); 2) скипидар; 3) табиий мум; 4) табиий алиф; 5) тальк кукуни; 6) куруқ рух белила кукуни; 7) бронза кукуни; 8) турли ранглардаги рассомлик мойбўёқлар сикмаси; 9) дока; 10) бўёқни аралаштириш учун фанер ва картон бўлаклари; 11) турли ўлчамлардаги мўйқаламлар; 12) 1 ѐки 2 та флейц.

Бўяшга мўлжалланган гипс қуймаси яхшилаб қуриган бўлиши керак.

Хайкални ѐрқин бронза рангига бўяш учун ѐрқин охра ва табиий сиена (сариқ) ѐки кул, табиий умбра (жигарранг) ва капут-мортум аралаштирилади. Бу бўёқлар шундай нисбатда олинадик, исталаётган тус ҳосил бўлсин. Эритувчи сифатида ишқорли лок (№ 7) ишлатилади. Керакли тус ҳосил бўлганига ишонч ҳосил қилиш учун аввал кичкина гипс бўлагини у билан бўянг. Агар керакли тус ҳосил бўлган бўлса, пардозлашга киришинг - суюқ бўёк билан хайкал сиртини қоплаб мўйқаламда бўянг.

Биринчи қатлам асос (грунт) бўлади. Асос қуригач, иккинчи қатлам - астарни суртинг. Бунинг учун биринчи қатлам рангига озгина бронза кукуни кўшилади. Астар учун ҳам бўёк локда аралаштирилади, фақат асос бўёғига нисбатан қуюқроқ (кўпроқ бўёқ, ва оз миқдорда лок олинадик) ва худди шундай хайкал сирти бутунлай қоплаб текис суртилади. Астар қуригач, учинчи бўёқ қатлами суртилади. (Патинанинг қанақа ранги кераклигига қараб табиий умбра, ультрамарин, кул, ѐрқин охра, яшил (яшил кобальт, хром оксиди), белила каби турли ранглар турлича уйғунликда аралаштирилади. Патина учун эритма сифатида лок эмас, балки скипидар билан мум (500 г

скипидар билан 20-25 г мум) аралашмаси ишлатилади. Пати́на флейц билан қуйиб эмас, балки патинанинг бронза қуймасида табиий жойлашиши - чуқур жойларда тўқ ва кўкроқ, бўртиқларда ёркинроқ, сарикроқ ва тиниқлигини ҳисобга олган ҳолда суртилади.

Хайкални патина билан қоплаб қуришини кутмасдан бўёқни латта (яхшиси тоза дока) билан шундай олиш керакки, патина чуқур жойларда тўлиғича ва бўртиқларда юпка қатламлиғича қолсин.

Айрим бўртиқ жойларда патинани иккинчи қатламгача “бронза” ялтираши пайдо бўладиган қилиб артиш мумкин. Бироқ буни жуда эҳтиётлик билан меъёрида, ялтирашига қизиқиб кетмасдан қилиш керак, акс ҳолда ортикча шуълалар хайкалнинг яхлитлик тасаввурини бузиши мумкин.

Сўнг хайкалга ҳали нам патина устидан тальк сепилади, кейин уни зудлик билан тоза дока ёки қуруқ флейц билан бўртиқлардан қоқиб ташлаш зарур. Бронза қўшиб локда аралаштирилган асосга қуйилган астар металлга ўхшаш зич ялтироқ юза ҳосил қилади.

Патинага кирган скипидар ва мум унинг орасидан ялтироқ астар кўриниб турадиган хира юза ҳосил қилади. Бу қўшилма ҳақиқий патина - бронза қуймасини қопловчи оксидга жуда ўхшаш. Бўёқ билан аралаштирилган тальк кукуни хайкални оқимтир қатлам ҳосил қилиб коплайди, у патинанинг табиийлиги таассуротини янада кучайтиради.

Хайкални тўқ бронза кўринишида бўяш учун бўёқлар бошқа нисбатда олинади - тўқ туслар кўп бўлиши керак. Биринчи қатлам: табиий умбра ёки табиий умбра билан кул ёки табиий умбра ультрамарин ва яшил билан. Икинчи қатлам: биринчи қатлам рангига бронза кукуни қўшилади. Учинчи қатлам: ёркин охра ультрамарин ва яшил билан. Хайкалнинг нам патина қатламига юқорида айтилганидек тальк сепилади.

Гипс хайкални терракотага ўхшатиб бўяш учун аввал икки марта бўёқсиз соф лок суртилиб асос ҳосил қилинади. Сўнг қуруқ рухли белила кукунини мойли рухли белила билан (25 г белила кукуни 1 катта мой белила сиқмасига нисбатида) қуюқ қилиб аралаштирилади.

Эритгич сифатида озгина соф скипидар қўшилади. Керакли терракота тусини олиш учун бу аралашмага охра, қизил кадмий, ўртача сарик кадмий, жигарранг марс қўшилади. Тайёрланган аралашмага қуюк бўладиган қилиб табиий алиф қўшилади, сўнг бу аралашма билан хайкал копланadi. Терракота хайкали ранги барча юза бўйлаб бир хил эмас: бир жойда ёркинрок бўлса, бошқа жойда тўқроқ ва қизилроқ. Бўялган юзага хира, бир оз дағаллик бериш учун нам бўёқни дока билан босиб чиқилади ва бироз тальк сепилади.

Хом ашёда берилаётган табиий ранг ва сифатга эришиш, ушбу хайкалнинг ифодалилигини топиш ва таъкидлаш учун бронза ва кулоллик хайкаллари ва бадий амалий буюмларнинг яхши намуналарини диққат билан кузатиш, бронза ва терракотанинг ранг-баранг тусларини эсда сақлаш, металл ва патина, шакл ва бронза орасидаги ранг алоқасини ва шу кабиларни топиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг кўрсатмаларимизга ижодий ёндошинг.

Мустақил таълим учун топшириқлар

1- Мавзу: Одам оғзи шаклини ясаш.

Мақсад: Одам оғзи, унинг тузилиши, юзнинг бошқа аъзолари билан ўзаро муносабати тўғрисида талабага тушунча бериш.

Материали: Лой.

Ижро муддати: 2 соат.

Иш жараёни: Юқори ва пастки лаблар ҳамда оғиз маркази аниқлаш учун, унинг горизонтал ва вертикал (ёнланмасига ва тикка) кетган чизиқларини белгилаб, оғиз бурчаклари орасидаги масофа ҳам ўлчаб олинади. Оғиз сиртининг қавариқлари ва чуқурчалари гипсдан қилинган модел билан солиштирилиб, контур бўйлаб иш материали ишлатилади. Иш жараёнинг турли нукталардан: олдидан, ости ва устидан, ёнбошдан

кузатилади. Одам оғзининг анатомик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишга якун ясалади.

2-Мавзу: Одам кўзи шаклини яшаш.

Мақсад: одамнинг кўзи, унинг тузилиши, юзнинг бошқа аъзолари билан ўзаро муносабати тўғрисида талабага тушунча бериш.

Материал: Лой.

Ижро муддати: 2 соат.

Иш жараёни: Текисликда кўз шакли белгилаб олинади. Кўзнинг асосий нуқталари. ҳажми, баландлиги, улар орасидаги масофа гипсдан ясалган модел билан солиштирилиб, иш материали тайёрланади. Иш жараёнини турли нуқталардан: олдидан, ости ва устидан, ўнгидан ва чапидан кузатиб борилади. Ишлаш жараёнида ўлчов асбобларидан фойдаланилади. Кўзнинг анатомик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда якун ясалади.

3-Мавзу: Одам бурни шаклини яшаш.

Мақсад: Одам бурни ва унинг бош қисмларига нисбатан ўзаро муносабати тўғрисида талабага тушунча бериш.

Материали: Лой.

Ижро муддати: 2 соат.

Иш жараёни: Гипсдан ясалган моделга таққослаштирган ҳолда одам бурни ўрта чизиғи, қаншар ва бурун асосининг кенглиги белгилаб олинади. Бурун жойлашган баландлик ва асосий нуқталар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, берилган материал билан иш бошлаб бурун тузилишининг анатомик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иш жараёни тугатилади. Турли нуқталардан: олдидан, ёнбошдан, остки ва устки томонларидан, тўртдан уч қисмидан туриб иш жараёни кузатиб борилади. Ишлаш пайтида ўлчов асбобларидан фойдаланилади.

4-Мавзу: Одам қулоғи шаклини яшаш.

Мақсад: Одам қулоғи тузилишини ўрганиш, унинг бош қисмларига нисбатан ўзаро муносабатини аниқлаш тўғрисида талабага тушунча бериш.

Материали: Лой

Ижро муддати: 2 соат.

Иш жараёни: Қулоқни жойлашуви ва катталигини сақлаган ҳолда қулоқ супрасининг умумий тарихини белгилаб оламиз. Ишни турли нуқталардан: олдидан, ён томондан, тўртдан уч қисм масофадан қараб чиқамиз. Асосий жойлашган нуқталар баландлигини ҳам бирваракайига қузатиб борамиз. Қулоқ унсурлари: четки букилма, қарама-қарши букилма, қулоқ чиғаноғи, қулоқ дўмбоғи, қарама-қарши дўмбоқларини ишлаб чиқамиз. Иш жараёнида ўлов асбобларидан керагича фойдаланамиз. Қулоқ тузилишининг анатомик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иш жараёнини тугатамиз.

5-Мавзу: Одам юзи қисмлари (оғиз, бурун, лаблар)ни қолип ёрдамида қўйма усулда яшаш.

Мақсад: Ўқувчини бажарилиши лозим бўлган буюмдан қолип олиб, унинг қўйма шаклини тайёрлашга ўргатиш.

Қолиплаш тури: Хомаки қолип (бир марта тайёрланиб, фойдалангач, ташлаб юборилади)

Материали: Гипс.

Ижро муддати: 4 соат.

Иш жараёни: Лойдан ясалган шакл (модел) бир оз ҳўллаб олинади. Гипсли қоришма тайёрлаб, буюмнинг устидан бир текисда қўйиб чиқилади. Унинг устидан арматура қўйилади. иккинчи марта яна гипсли қоришма қўйиб чиқилади. Қоришма қотгач, буюмни ағдариб, эҳтиёткорлик билан лойли идишдан чиқариб оламиз. Қолип ичини ювиб, тозалаб, ички томонларига махсус суртма суркаб чиқилади.

Кейин гипсли қоришма тайёрлаб, қолипни бир оз силкиганча, ичига қоришма қўйилади. Унинг устига темир арматура ёки дағал жун тола қўйиб, иккинчи марта яна устидан қоришма қўйилади. Қоришма қотгач, стамеска-искана ёрдамида секин-аста қолип чиқариб олинади.

глина - лой, тупрок,
грунт - асос
заливка второго слоя гипса - иккинчи қатлам гипсни қуйиш
исправление в прокладке - қуриш жараёнида тузатиш
каркас - кобирға
квадрат - мурабба
конструирование - лойихалаш
лепка - ясаш
материал - хом ашё
моделирование - қолиплаш, шакллантириш
модель - нусха
наброска - хомқолип
натура - нусха, табиий нусха
насос - сув пуркагич
остов построения - ўзак қурилиши
отливка - қуйма
отливка в окатку - қуйма қуйиш
патинировка - пардозлаш, тус бериш
пласт - қатлам
пластичность - қайишқоқлик
подкладка - астар
постановка - қуйиш, қуриш
прокладка глине - лойда қуриш
пропорционал - мутаносиб
пунктировальный прибор - нусха кўчириш асбоби
расколотка формы - қолипни ажратиш
сетка - тўр
скальпель - жарроҳлик пичоғи

следка - нишон, из, расм

стек - хайкалтарошлик қалами

укладка арматуры - металл қобирға (қивик)ни жойлаш

установка - ўрнатиш

форма - шакл, қолип

формовка - қолиплаш

циркуль — паргар

черновой - бирламчи қолип

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Баммес Г. Изображение фигуры человека: пособие для художников, преподавателей и учащихся (Одам фигурасини тасвирлаш: рассомлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун қўлланма) / Баммес Г. – Берлин: Изд-во Фольк унд Виссен (нашриёти), 1984.
2. Барчан Е. Анатомия для художников (Рассомлар учун анатомия) / Барчан Е. – Будапешт: Корвина, 1959.
3. Ростовцев Н.Н. Учебный рисунок. М.: Просвещение (Маориф), 1976. – 286 с (б).
4. Тихонов С.В. Демьянов В.Г., Подрезков В.Б. “Рисунок”– М.: Стройиздат, 1983. – С. 222 – 232.
5. Барш А.О. Наброски и зарисовки (Ҳомаки расмлар ва чизгилар) / Барш А.О. – М.: Искусство (Санъат), 1970. – 166 с (б).
6. Ли Н.Г. Основы академического рисунка / Н.Г.Ли – М.: ЭКСМО, 2003
7. Батраев З.С. Рисунок (Расм): метод, указания для 3-го курса спец. 1201 (1201 мутахассилиги бўйича 3-курслар учун услубий кўсатма)/ З.С.Батраев – Казань, 1987.
8. Рабинович М.Ц. Пластическая анатомия и изображение человека на ее основах (Одамнинг пластик анатомияси ва унинг асосида одамнинг тасвири
9. Бараски К. "Трактат по скульптуре", Бухарест, 1964.
10. Голубкина А.С. "Несколько слов о ремесле скульптора", Москва, 1983.
11. Лантери Е. "Лепка", Москва, 1963.
12. Соколов Н. Н. "О лепке скульптуры", Москва, 1963.
13. Апухтин О. К. "Тасвирий санъат хакида сухбатлар", Тошкент, 1965.
14. Апухтин О. К. "Тасвирий санъат асослари", Тошкент, 1967.

Мундарижа

Сўз боши	3
1-бўлим: Қаламтасвир.	6
Одам бошининг расми	7
Одам бош суягининг расми	8
Анатомик бош (экроше) расми.....	10
Юз қисмлари (обрубовкада стилизация билан) расми.....	11
Обрубовкали бош (ясси) расми.....	13
Гипсли (антик) бош расми.....	15
Тирик бош расми.....	16
Одам фигурасининг расми.....	18
Фигуранинг қисмлари, хомаки чизгилар.....	19
Одам скелитининг расми.....	21
Одамнинг мускул тузилишларининг расми (экорше).....	22
Одамнинг скелети ва ҳаракатдаги мускуллари расми.....	23
Гипсли фигура.....	24
Тирик, кийимли фигура интерьерда.....	26
Яланғоч фигуранинг расми.....	27
Архитектура иншоатининг расми.....	28
Шаҳар қурилишлари расми.....	29
Табиат пейзажининг расми.....	30
II-бўлим: Рангтасвир.....	32
Рангтасвирда ёруғлик ва ранглар.....	33
Ранглар доираси.....	33
Рангларнинг асосий хусусиятлари.....	34
Ранглар контрастлари.....	36
Ёруғ-соялар.....	38
Масофага нисбатан рангларнинг ўзгариши.....	39
Натуранинг умумий тонли ва рангдорлик ҳолатлари.....	40
Колорит.....	41

Акварель рангтасвир техникаси.....	42
Акварель бўёқлар.....	43
Акварель учун қоғоз.....	44
Акварель учун мўйқаламлар.....	45
Акварель учун палитра.....	46
Акварель билан ишлаш услуги	47
Натюрморт акварель рангтасвири учун натура постановкаси сифатида келиши.....	50
Натюрморт рангтасвири.....	51
Натюрморт акварель техникасида бажариш.....	55
Чекланган рангтасвир.....	57
Манзарали тусдаги натюрмортлар.....	67
Манзарали натюрморт тузиш.....	68
Манзарали натюрмортнинг ўзига хос хусусияти.....	69
Манзарали натюрмортни ишлаш.....	71
Натюрмортни тузиш бўйича асосий тавсиялар.....	79
Сув – бўёқ техникаси ва унинг асоси.....	91
Перспективанинг ранг тоналлиги.....	97
Ранг айланасининг қоидаси.....	98
Колорит тушунчаси.....	100
Мавзулар бўйича назорат саволлари ва вазифалар.....	102
Иллюстрация.....	103
III-Қисм. Ҳайкалтарошлик.....	118
Ҳайкалтарошлик хом ашёлари, асбоблари ҳақида маълумотлар, устaxonи жиҳозлаш.....	121
Тупроқнинг келиб чиқиши.....	122
Лойни ясашга тайёрлаш.....	123
Гипс.....	126
Қолип тайёрлаш.....	128
Ҳайкал қолипини тайёрлаш.....	128

Бошнинг бадиий анатомик гипс қолипи бўйича яшаш.....	130
Бошни гипс нусха бўйича яшаш.....	134
Ҳайкалтарошлик нусхаларини қоғозда лойиҳалаш.....	142
Одам ҳайкалини яшаш.....	145
Мустақил таълим учун топшириқлар.....	159
Илова-Луғат.....	163
Фойдаланилган адабиётлар.....	165

Оглавление

Предисловие	3
I-Глава: Рисунок.....	6
Рисунок головы человека.....	7
Рисунок череп человека	8
Рисунок анатомическая голова (экроше).....	10
Рисунок «Части лица» (со стилизацией под обрубку)	11
Рисунок «Обрубочная голова».....	13
Рисунок «Гипсовая (античная) голова.....	15
Рисунок «Живая голова».....	16
Рисунок фигуры человека	18
Части фигуры, наброски.....	19
Рисунок скелета человека.....	21
Рисунок мышечного строения человека.....	22
Рисунок скелета человека и мышц в движении	23
Гипсовая фигура.....	24
Живая, одетая натура в интерьере.....	26
Рисунок обнаженной натуры.....	27
Рисунок архитектурных сооружений.....	28
Рисунок городской стройки.....	29
Пленерный рисунок.....	30
II-Глава: Живопись.	32
Свет и цвет в живописи	33
Цветовой круг	33
Основные свойства цвета	34
Цветовые контрасты	36
Светотень	38
Изменение цветов в расстоянии.....	39
Общее тоновое и цветовое состояние натуры.....	40
Колорит.....	41

Техника акварельной живописи	42
Акварельные краски	43
Бумага для акварели	44
Кисти для акварели	45
Палитры для акварели	46
Методика работы акварелью	47
Натюрморт как натурная постановка для акварельной живописи.....	50
Живопись натюрморта	51
Исполнение натюрморта в технике акварели	55
Ограниченная живопись	57
Пейзажные натюрморты.....	67
Постановка пейзажного натюрморта.....	68
Особенности пейзажного натюрморта	69
Работа над пейзажным натюрмортом.....	71
Рекомендация о построении натюрморта	79
Техника акварели и его основы	91
Цветовая тональность перспективы.....	97
Законы цветового круга.....	98
Понятие колорита.....	100
Контрольные вопросы и задания по темам	102
Иллюстрация.....	103
III-Глава. Скульптура.	118
Сведения о скульптурных материалах, инструментах. Обрудование мастерской	121
Происхождение глины	122
Приготовление глины для лепки.....	123
Гипс.....	126
Изготовление форм.....	128
Скульптурное моделирование.....	128

Моделирование художественно-анатомических элементов головы по гипсовому слепку	130
Моделирование головы по гипсовому слепку.....	134
Конструирование скульптурных моделей из бумаги.....	142
Лепка фигуры человека.....	145
Задания для самостоятельной работы.....	159
Приложение-словарь.....	163
Список использованной литературы.....	165

Contents

Introduction	3
1-st chapter: Drawing	6
Drawing the man's head	7
Drawing the man's skull	8
Drawing the anatomical head	10
Drawing the part of face (cut stylize)	11
Drawing the "cut" head	13
Drawing the gypsum (antique) head	15
Drawing the "live" head	16
Drawing the man's figure	18
The parts of figure	19
Drawing the man's skeleton	21
Drawing the man's muscularity	22
Drawing the moving man's skeleton and muscularity	23
Drawing the gypsum figure	24
Drawing the nature in interior	26
Drawing the naked nature	27
Drawing the architectural buildings	28
Drawing the city construction site	29
Plan drawing	30
2-nd chapter: Painting	32
The color and light in painting	33
The color circle	33
The light's basic properties	34
The color contrast	36
Light –Shadow	38
Changing the colors in depending on depth of field	39
The common nature's tonal and color conditions	40
The coloration	42

The aquarelle painting	41
The aquarelle paint	42
The aquarelle paper	43
The aquarelle paint-brushes	44
The aquarelle palette.....	45
The aquarelle painting methods	46
The still-life as a nature for statement	50
The still life painting	51
Performance of a still-life in aquarelle technique	55
The limited painting	57
TheLandscape still-life	67
Statement of a landscape still-life	68
Features of a landscape still-life	69
Work above a landscape still-life	71
Recommendations to construction of a still-life	79
Aquarelle technique and its basis	91
Color prospect	97
Rules of a color circle	98
The concept "colour"	100
Tasks and questions on themes	102
Illustrations	103
The 3-rd chapter: A sculpture.	118
Data on sculptural materials, tools. The equipment of workshop	121
Origin of clay	122
Preparation of clay for a moulding	123
Plaster	126
Manufacturing of forms	128
Sculptural modeling	128
Modelling of art - anatomic elements of a head on a plaster cast	130
Modelling of a head on a plaster cast	134

Designing of paper sculptural models	142
Moulding of a figure of a man	145
Tasks for independent work	159
The appendix – dictionary	163
The list of the used literature	165